

№ 1 20988  
2g.

ЖЕК  
ЛОНДОН



# Кіші ҳақида құсса

ЖЕК ЛОНДОВ



NI 20988  
281

КИШ  
жакида  
қисса

1963	ГБ УзССР 37523
------	-------------------

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
„ЕШ ГВАРДИЯ“ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ – 1962

Жек Лондон (1876—1916) машҳур Америка ёзувчи сидир.

Жек Лондон Совет Иттилоқида бошқа чет эл ёзувчиларнга нисбатан энг севимли ёзувчи бўлиб, унинг романлари, ҳикоялари кўплаб нусхада босиб чиқарилгандир. Ёзувчининг бу тўпламига «Ҳаёт қонуни», «Гулхан», «Бир парча гўшт», «Чандиқ юзли киши» каби ҳикоялари киритилган. Унинг «Киш ҳақида қисса» деган асарида бир Кыш деган бола ҳақида ҳикоя қилинади: қадим замонда узоқ Шимолда турли қабилалар яшарди. Улар зўр мاشаққатлар ва хавфу хатарларни енгиб кун кечирар эдилар. Қўлга киритилган ўлжаларнинг энг сарасини қабила бошлиқлари олар эдилар. Бу ноҳақликка қарши кичкина Кыш деган бола бош кўтаради. У камбағаллар манфаатини ҳимоя қиласди. Боланинг ақл ва жасорати қабилалар оғасида адолат ўрнатилишига ёрдам беради.

Бу китоб ёш ўқувчиларда катта қизиқиш туғдиради.

*Лондон Жек. Киш ҳақида эртак. Катта ёшдаги болалар учун. Т., «Ёш гвардия», 1961, 192 бет. Расм.*

*Лондон Жек. Сказание о Кише.*

ёнбошидаги кичкинагина чўп-чумак ғармини пайпаслаб кўрди. Чўп-чумаклар ўз жойида турганига қаноат ҳосил этгач, чол яна қўлларини эски пўстин остига яшириб, атрофга қулоқ сола бошлади.

Ярим музлаган кийик терисининг дағал шитирлаган овози чолга бошлиқнинг чайласи йиғиширилиб бўлганидан, энди уни тахлаб, ихчам тугун қилиб ўраётганларидан дарак берди. Бошлиқ унинг ўғли эди, у кучли ва барваста йигит бўлиб, қабила йўлбошчиси ҳамда қудратли овчи эди. Уй анжомларини йиғиширишда имиллаган хотинларга у бақириб-чақириб, шошилтириб турмоқда. Кекса Коқуш диққат билан қулоқ солди. Бу овозни у сўнгги марта эшитмоқда. Джихоу билан Тускеннинг чайласи жуда ҳашам билан қурилган! Етти, саккиз, тўққиз... Йиғиширилмаган фақат Шаманинг чайласи қолган бўлса керак... Мана энди уни ҳам йиғишира бошладилар. Коқуш ўз чайласини чанага ортаётган Шаманинг ғулдуллашини эшитди. Ёш бола йиғлашга бошлади; хотин кишин уни юпатиб, дўриллаган овоз билан аста бир нимани куйлашга тушди. Бу — кичкинтой Ку-ти, деб ўйлади чол, инжиқ бола, соғлиғи ҳам заиф. Эҳтимол, у тез орада ўлса керак, ўлгач тундранинг музлаган ерини эритиб, чуқур қазийдилар ва мурдахўрлардан ҳимоя қилиш учун устига тошлар ташлайдилар. Нарёгини суриштирганда, барибир эмасми? Энг яхши деганда яна бир неча йил яшайди, дёкин қорни тўқ юришдан кўра кўпроқ оч юради. Охири бориб, барибир ажал уни олиб кетади — ажал ҳеч тўймайди, еб тўймасларнинг энг еб тўймаси шу ажалдир.

Бу қандай товуш бўлди? Ҳа, эркаклар ча-  
нага ортилган юкларни қайишлар билан тан-  
ғиб боғламоқдалар. Яқинда ҳеч нимани эшит-  
масдан муккасига тушадиган чолнинг қулоғи  
ҳозирча ҳар нарсанни эшитмоқда эди. Қамчи  
зарб билан шипиллаб итларни саваламоқда.  
Ана, итлар вангиллашга тушди. Машаққатли  
йўлни жуда ёмон кўришади! Кетаётптилар!  
Чаналар бирин-кетин оҳиста жимликка сирған-  
моқда. Кетишди. Уларнинг барчаси чолнинг  
ҳаётидан йўққа кўчдилар, энди энг сўнгги,  
мушкул соатни чолнинг бир ўзи якка қарши  
олади. Йўғ-е, жуп этик остида қор гижирлаб  
қолди. Чол қаршисида бирор турипти; чол-  
нинг бошига бирор қўлини оҳиста қўйди. Унинг  
ўғли қандай меҳрибон. У бошқа чолларни эси-  
га туширди, уларнинг ўғиллари қабила жўнаб  
кетгандан кейин бу хилда тўхтамаган эдилар.  
Унинг ўғли бошқалардай эмас. Чолнинг фикр-  
лари ўтмишга кўчди, лекин ёш йигитнинг ово-  
зи бу фикрларни яна ҳозирги ҳолатга қай-  
тарди.

— Аҳволинг яхшими? — деб сўради ўғил.

Чол:

— Ҳа, аҳволим яхши, — деб жавоб қай-  
тарди.

— Енингда чўп-чумак гарами бор. — деб  
давом этди йигит, — гулхан яхши ёнмоқда. Тонг  
рутубатли, совуқ пасайиб қолади. Тезда қор  
ёғади. Ана, ёға бошлади ҳам.

— Ҳа, ёға бошлади.

— Одамлар ошиқмоқда. Уларнинг юклари  
оғир, қоринлари эса очликдан танбур чалмоқ-  
да. Узоқ йўлга чиқилгани учун тез кетмоқда-  
дар. Мен кетаман. Аҳволинг яхшими?

— Аҳволим яхши. Шоҳда зўрға турган кузги япроққа ўхшайман. Сал шамол қўзғалса бас — тушаман-кетаман. Овозим худди кампирнинг овозинга ўхшаб қолди. Кўзларим энди оёқларимга йўл кўрсатишдан ожиз, оёқларим эса оғирлашиб кетган, ўзим чарчагаиман. Аҳволим яхши.

Мамнун Коқкуш бошини осилтириди ва шу аҳволда қорнинг шикоятли гижирлаши тинчи-гунча ўтириди. Энди чақирган билан ўғли унинг овозини эшитмаслигини яхши биларди. Шундан сўнг шошиб-пишиб қўлларини чўп-чумакка узатди. Фақат мана шу бир ғарам чўл-чумак уни қархисида бақрайиб турган ажалдан ажратиб турмоқда эди. Бир қучоқ қуруқ чўп-чумак унинг ҳаёт ўлчови эди. Бирин-кетин бу шохчалар гулханини ёндириб туради, шунингдек, секин-аста ўлим ҳам унга яқинлашиб келаверади. Сўнгги шохча иссиғини бергандан кейин, совук ўз ишини бошлайди. Дасть-лаб оёқлар таслим бўлади, сўнгра қўллар ва бутун тана бўйлаб оҳиста жонсиз қотиш ўрмалайди. Чолиинг боши тиззасига шилқ этиб тушади-да, тинчийди-қолади. Бу осон... Ҳамма ўлишга маҳкум.

Коқкуш шикоят қилмади. Ҳаёт шунақа ва бунда адолат бор. У туғилди ва ердаги қонуниятларни англади, ҳаёт қонуни унга янги нарса эмас. Бу барча жонли маҳлуқларнинг қонунидир. Табиат айрим жонли маҳлуқларнинг қонунидир. Табиат айрим жонли маҳлуқларга шафқатли эмас. Унинг диққати турларга, ирқларга қаратилган. Кекса Коқкушнинг ибтидоий ақли катта хулосаларга қобилиятили эмас, лекин бояги ҳақиқатни яхши ўзлаштириб

олган. Бунинг мисолларини у ҳаётда ҳар жойда учратади. Даҳаҳт шираға тўлади, яшил куртаклар очилади, япроқлар сарғайиб тўкилади — шу билан бир давра тамом бўлади. Ҳар бир жонли маҳлуққа табиат маълум вазифа топширади. Маҳлуқ бу вазифани бажармасдан ўлиб кетади. Бажарса ҳам барибир ўлади. Табиат бепарво, унга бўйсунувчиларга эмас, балки бўйсунишликка насиб этади. Коскуш қабиласи жуда қадими. Бу чол болалик вақтида кўрган кекса одамлар ўзларидан илгариги кексаларни эслар эдилар. Демак, қабиланинг умри давом этмоқда, қабрлари аллақачонлар эсларидан чиқиб кетган барча отабоболарнинг итоаткорлигинн шу қабила акс этдириб бормоқда. Ўлганлар ҳисобга кирмайди, улар фақат айрим шахслардангиша иборат. Улар ёзги осмондаги булут каби йўқолдикетди. Бу чол ҳам кетажак. Табиат бепарво. Табиат ҳаёт олдинга бир вазифа қўйган, бир қонун берган. Ҳаётнинг вазифаси — уруғ-авлодни давом этдириш, унинг қонуни — ўлим. Қиз бола — томоша қилиш учун ёқимли бир маҳлуқ. Ёш қиз — бақувват, кўкраклари ларсиллаган, юришлари хиромон, кўзлари ялтиллаган бўлади. Бироқ бундай қизнинг вазифаси ҳали олдинда. Унинг кўзларидаги ўт борган сари ёнади, юришлари яна ҳам хиромонлашади, йигитларга дам журъат билак, дам ибо билан боқиб, уларнинг жонига бесаранжомлик солади. Кун сайин қиз деган яхшидана боради; ниҳоят, бирорта талабгор уни ўз уйнга олади, қиз унга хотин бўлиб ишлайди, овқат пиширади ва болаларига оналик қиласди. Лекин биринчи бола тугилгандан сўнг хотин-

нинг гўзаллиги кета бошлайди, қадам босишли-  
ри оғирлашади ва секинлашади, кўзларининг  
нури тобора кетиб, хиралашади, биргина кич-  
кина болалари шодлик билан гулхан ёнида ўл-  
тирган кампирнинг ажин босган юзларига сур-  
калишади. Бу хотиннинг вазифаси бажарилган.  
Биринчи очлик хавфи ёки биринчи узоқ сафар  
чогида кампирни ҳам худди шу чолдай, қор ус-  
тида, кичиккина бир ғарам чўп-чумак ёнида  
қолдириб кетадилар. Ҳаёт қонуни шундай.

Коскуш оловга оҳисталик билан қуруқ  
шохча ташлади ва яна ўз фикрларига қайтди.  
Ҳар қаерда ва ҳамма жониворлар ўртасида  
шундай. Биринчи совуқ тушиши биланоқ чи-  
винлар йўқолади. Кичкина олмахон ўлиш учун  
ўрмон ичига югуради. Йиллар ўтган сайн қу-  
ён оғирлашади, душмандан олдинги чаққон-  
лиги билан қоча олмайди. Ҳатто айиқ қариган-  
да кўр бўлиб қолади, қўполлашади ва охири  
бир тўда ириллаган итларга ем бўлади. Кос-  
куш ҳам ўз отасини Клондайка дарёсининг бо-  
шига ташлаб кетган маҳалларини эслади. Бу  
воқиа, уларнинг ёнига дуо китоблари ва яшик-  
да дорилар олиб миссионер келган қиш мав-  
сумида бўлган эди. Бу яшикни эслаган чоғда,  
ҳар сафар Коскушнинг оғзидан сўлаклари  
оқарди, лекин ҳозир унинг оғзида сўлакай  
ҳам йўқ. Айниқса у, «оғриқни даф этувчи» до-  
рини яхши эслайди. Бироқ, миссионер қабила  
учун оғир юқ эди, у ов овламас, лекин кўп ов-  
қат ерди, шунинг учун овчилар унга ғудунглар  
эдилар. Охири бориб у, Мэйо ёнидаги дарёда  
кўзини совуқقا олдирди, сўнгра эса итлар  
унинг қабридаги тошларни титишиб, суяклари-  
ни талашиб кетдилар.

Коскуш гулханга яна шохча ташлади ва ўтмиш тўғрисидаги фикрларига яна ҳам чуқурроқ шўнгиди. Қатта Очлик маҳалида кексалар олов ёнига тўпланишиб ўтириб, қадимги туманли афсоналарни сўзлашардилар: эмиш, гўё Юкоц уч қиши бирваракайнига музлардан халос равишда сузиб юрганмеш-да, сўнгра уч ёз музлаб ётганмеш. Шу очлик маҳалида Коскуш онасини йўқотди. Ёзда лосось балиғига яхши ов бўлмади, шу сабабдан қабила қишини ва кийик овини тоқатсизлик билан кутди. Қиши келди, лекин қиши билан бирга кийиклар келмади. Бу хил ҳодиса бўлганини, ҳатто, чоллар ҳам ҳеч эслай олмас эдилар. Кийиклар келмади ва шу билан еттинчи очлик йили бошланди. Қуёнлар ҳам кўпаймади, итларнинг эса қуруқ териси билан суюги қолди. Узун қиши қоронгисида болалар йиғлашар ва ўлардилар, хотинлар ва чоллар ўлардилар, ҳар ўн кишидан фақат бир кишигина — баҳоргача, қуёш чиқишигача ўлмай етиб келди. Вой-бўй, ҳазилакам очлик бўлмаганди!

Лекин чол серобгарчиллик вақтларини ҳам кўрган, гўшт шу қадар кўп бўлган эдики, бузила бошлаганди; семириб кетган итлар эса, ўлгудай ялқовлашганди. Шундай вақтлар бўлган эдики, эркаклар югуриб кетаётган ҳайвонни кўриб турсалар ҳам уни ўлдирмагандилар. Хотинлар эса, кўп туғардилар, чайлалар тўла ўғиллар ва қизчалар ғимирлашардилар. Эркаклар шу вақтда қизиқонли бўлиб қолишли, сал нарсага ўтмишдаги жанжалларни эслашарди. Улар Пелли қабиласини қириб ташлаш учун жануб томонга тоғлардан ошиб тушдилар; Танан қабиласининг сўнаётган гулхан-

ларини томоша қилиш учун ғарбга ҳам бордилар. Чол яна, болалик чоғида, түқчилик йилида бўрилар лосни ғажиб ташлаганини кўрганини эслади. Зинг-Ха деган ўртоғи у билан бирга қор устида ётган эди. Зинг-Ха кейин жуда уста овчи бўлиб кетди, охири, кунлардан бир куни Юконда муз тешигига тушиб кетди. Фақат белигача чиқишга муваффақ бўлди, бир ойдан сўнг уни шу кепатада, ярим музга қапишган ҳолда топдилар.

Ҳалиги лось тўғрисида. Уша куни Зинг-Ха икковлари ўз оталаридан гула кўтариб, ов-ов ўйнашга чиқишиди. Музлаган дарёда янги қочиб ўтган лось изига ва қувлаб кетган бўрилар изига дуч келишиди.

— Қари экан,— деди изларни яхши била-диган Зинг-Ха.— Қари экан. Ўз тўдасидан адашиб қолган. Бўрилар уни шерикларидан тўсиб қолишган, энди қўйишмайди.

Худди шундай бўлди. Бўриларнинг одати шунаقا. Кечаю кундуз дам олмасдан ириллашиб қувлаб кетаверади, ўлжанинг тумшуғи ёнига бориб тишлирини ғижирлатишади ва охиригача ундан нари кетишмайди. Иккала боланинг қонлари жўш уриб кетди. Овнинг охирини томоша қилса арзийди.

Чидамсизликдан куйиб-пишиб, болалар борган сари нарироққа кетавердилар. Ҳатто Коскушнинг ўзи ҳам кўзларини юмиб, тажрибасиз изчидек олдинга кета оларди — из шу қадар аниқ эди. Из жуда ҳам янги эди, қувқув трагедиясининг из билан янгигина ёзилган саҳифаларини болалар ҳар қадамда ўқиб бормоқда эдилар. Мана бу ерда лось тўхтаган. Уч одам бўйи чамаси масофадаги қорнинг

теварак-атрофи тит-питланган. Ўртада лось туёқларининг изи, атрофда эса бўриларининг енгил излари. Бўриларниң баъзилари, шериклари ўлжага ёпишиб турганда, афтидан, қор устида ётиб дам олганга ҳам ўхшайдилар. Таналарининг қордаги изи шунчалик аниқ эдики, гўёки, бир дақиқа олдин ётганга ўхшаб кўринарди. Битта бўри ўзини йўқотиб қўйган ўлжанинг оёғи остига тусиб қолиб, дабдаласи чиқипти. Топ-тоза қилиб ғажиб ташланган бир гарам суюк буни тасдиқламоқда эди.

Болалар оёқларидаги чангиларининг юршини яна секинлатдилар. Мана бу ерда қизғин кураш давом этган. Лосни икки марта ерга ағанатганлар — қордаги издан маълум бўлиб турипти — лось икки марта ўз душманларини енгиб, яна ўрнидан туриб кетган. У ўз вазифасини аллақачонлар бажарнб бўлган, лекин жон ширин, ахир. Зинг-Ха: «Бир марта ағнатилган лоснинг яна ўрнидан туриши ҳеч қачон учратилмаган», деди. Аммо бу лось туриб кетипти.

Кейинчалик бу воқиа тўғрисида болалар Шаманга сўзлаб берганларида, бу воқиани у бир муъжиза ва қандайдир башорат деб ҳисоблади.

Ниҳоят, улар, лось қирғоққа кўтарилиб, ўрмон ичига яширинмоқчи бўлган жойга етдилар. Аммо, душманлари унинг орқасидан ёпишганлар, лось эса орқа оёғи билан тик туриб, чалқанча йиқилган-да, иккита бўрини эзиб ташлаган. Бу иккала бўрига шериклари тегмасдан, шундайнича қор бетида қолган, чунки овнинг охири яқинлашган. Бирин-кетин яна иккита кураш жойи қўринди. Энди қорда-

ти из қон билан қизарди ва улкан ҳайвоннинг қадам босиши эгри-бугри ва қоқиладиган бўлиб қолди. Мана, болалар биринчи марта жанг товушларини эшитдилар — бу ов нашидаси баланд овозли бўлмасдан, балки қисқа узуқ-узуқ ириллашдан иборат эди, бундай овозлар эса — бўриларнинг тишлари лоснинг биқинига яқинлашиб қолганини билдиради. Зинг-Ха қор устига қорни билан ётиб, шамол эсган томонга ўрмалади; йиллар ўтиб, қабила йўлбошчиси бўлиш пешонасига ёзилган Коскуш ҳам унинг ортидан ўрмалади. Улар ёш арча шохларини бир тарафга сурниб, унинг орасидан кўз ташладилар ва жангнинг энг пировардини кўрдилар.

Бу манзара ёшлик даврининг барча таассуротлари сингари ҳозиргача Коскуш хотирада яхши сақланган. Шунинг учун бу қувқувнинг охири ҳозир чолнинг қоронғи кўз олдида ўша узоқ ёшликтаги сингари равshan гавдаланди. Коскушнинг ўзи ҳам бунга ҳайрон бўлди, чунки сўнгги вақтларда, қабила йўлбошчиси ва маслаҳатчилар бошлиғи бўлган чоқларда, у жуда кўп катта ишлар қилди — яккама-якка олишиб туриб пичоқ санчиб ўлдиргани бегона оқ одам тўғрисида гапирилмаганда ҳам — унинг номи Пелли қабиласидаги одамлар тилида лаънат ўрнида айтиладиган бўлиб қолган эди.

Коскуш ўзининг ёшлик кунлари тўғрисида яна узоқ фикр қилиб ўтирди, ниҳоят, гулхан ўча бошлади ва совуқ кучайди. Бу сафар у оловга бирданига иккита шохча ташлади ва қолган шохчаларни пайпаслаб, гўё ўзининг ўлимдан қанча узоқлигини ўлчаб кўрди. Агар

Сит-Кум-То-Ха бобоси түғрисида ғамхұрлық қилиб, күпроқ чүп-чумак йығыб берганда эди, өзіннегін умри анча үзайған бўлур эди. Бу иш шунча қийин эдими? Аммо Сит-Кум-То-Ха ҳар доим беғам эди; Зинг-Ханинг невараси Бобр унга биринчи марта кўз ташлагандан бери эса, бу қиз ўз ота-бобосини ҳурмат қилишни бутунлай эсдан чиқариб қўйди. Уёғини суриштирганда, барибир эмасми? Ахир, өзиннегі ўзи ҳам авжи ёшлик маҳалида кексаларга бошқача муомалада бўлганмасмиди?

Коскуш бир минутча жимжитликка қулоқ солиб турди. Эҳтимол, ўғлиниң юраги юмшаб қолар, кучукларини ҳайдаб қайтиб келар ва кекса отасини олиб, бутун қабила билан биргаликда биқинлари ёғ билан тўла, семиз киниклар конига оборар.

Коскуш қулоқларини диккайтирди, унинг мияси бир лаҳза ўзининг жиддий ишини тўхтатди. Тиқ этган овоз йўқ — жимжитлик. Тўла сукунат ичидаги унинг бир ўзи нафас олмоқда. Қандай ёлғизлик! Ҳе! Нима бу! Танаси жимирлашиб кетди. Таниш чўзиқ увиллаш жимликни кесди. Бу овоз қаердандир, яқин орадан эшитилди. Коскушнинг кўр кўзлари олдида қуйидагича маизара кўринди: биқинлари тилинган, қонга беланган, ёллари ҳурпайған, қари эркак лось катта, шохчалаган шохларини пастига эгиб, сўнгги кучи билан ўзини мудофаа этмоқда. Чол, жимирлаб ўтган кўкиш ҳайвонларни, ёнган кўзларни, узун тишларни, тиллардан оқаётган сўлакайларни кўрди. Чорасиз доира борган сари торайганини, топталган қор ўртасида секин-аста қора бир доғга айланганини кўрди.<sup>1</sup>

Совуқ бир тумшуқ чолнинг юзига урилди ва шу урилишдан сесканиб, ўзининг хаёли қочди. Оловга қўлини узатиб, бир косовни сувурди. Инсон қаршисидаги ирсий қўрқувга бўйсуниб, ҳайвон ўз шерикларига қараб узун бир увлади-да, орқага чекинди. Шериклари эса дарров унга жавоб қайтаришди ва бўриларнинг сўлакайлари сачраб турган оғизлари гулхан атрофини қуршаб олди. Чол қулоқ солди, қўлидаги чўғни силкитди, бўриларнинг увлаши ириллашга айланди; оғир нафас олиб турган ҳайвонлар чекинишни истамасди. Мана, бўриларнинг биттаси тўшини чўзиб олдинга ташланди, унинг кетидан иккинчиси, учинчиси ташланди, биттаси ҳам орқага қайтмади. Коскуш ўз-ўзидан сўради: «Ҳаётга тирмашиб нима қиламан?» ва қўлидаги чўғни қор устига туширди. Чўғ вишиллаб ўчди. Ҳайвонлар давраси ҳаяжонли ириллади, лекин жойидан қимиirlамади. Коскушнинг кўз олдida яна қари лоснинг сўнгги талвасаси кўринди ва бoshини шилқ этиб, тиззасига ташлади. Тўғрисини айтганда, барибир эмасми? Ахир, ҳаёт қонуни ўзи шундай эмасми?

## БИР ПАРЧА ГУШТ

Том-Кинг унли қайланинг сўнгги қатрасини сўнгги бурда нон билан ҳимариб, тарелкани тозалаб олди-да, анчагача чайнаб, хомуш ўтириди. Стол ёнидан қорни тўймасдан, очликдан юраги гумуриб турди. Ваҳоланки, овқатнинг борини ўзигина еди.

Икки болани эса, уйқуда очликлар эсдан чиқиб кетади деб, қўшини хонага вақтлироқ олиб кириб ухлатдилар. Хотини эса овқатга қўл урмади, индамасдан, эрини ташвиш билан кузатиб ўтириди. Бу хотин ишчи синфидан чиққан, ориқ, тинкаси қуриган, лекин ўтмишдаги жозибадорлик излари сақланган эди. Қайла учун унни қўшниларидан қарз олганди. Энг сўнгги икки тийинлари нон сотиб олишга кетди.

Том-Кинг дераза ёнидаги шалоқ курсига ўтириди, оғирлигидан курси қирсиллаб кетди, дарров оғзига трубкасини тиқди-да, чўнтағига қўл солди. Чўнтағидан тамаки тополмагач, ўзига келди, эсарлигидан сўкиниб, трубкани бир четга қўйди. Унинг ҳаракатлари салмоқли, беўхшов деса ҳам бўладиган эди, гўё мус-

кулларининг оғирлиги унга юк бўлаётгандай эди. Бу одам жуда салобатли, гавдасининг тузилиши ҳам ҳайбатли эди; ташқи қиёфаси у қадар жозибали эмас эди. Паст матодан тақилган, эскирган уст кийими худди қоп сингари осилиб турарди. Эскирган оёқ кийнмининг тагига қўпол тагчарм солинган бўлиб, у ҳам ишдан чиққан эди. Баҳоси иккى шиллингли арzon кўйлагининг ёқаси аллақачон йиртилган, доф-дуғлари эса энди тозалаб кеткизиб бўлмас ҳолга келганди.

Том-Кинг нима касб билан шуғулланиши ни унинг афтига қараб айтиш мумкин эди — типик боксёр афти бор эди. Узоқ йиллар рингда ишлаши унинг қиёфасида ўз изини қолдирган, курашга тайёр ҳа' онларга хос аллақандай бир сергаклик майдо қилган. Унинг тунд юзи, гўё барча хусусиятлари аниқроқ билиниб турсин учун жўрттага қилингандек, топ-тоза қирилганди. Бичимсиз лаблари қалин бир чизиқ ҳосил қилар, оғзи эса худди ямоққа ўхшарди. Оғир, каттагина пастки жағи олдинга туртиб чиққан эди. Қисиқ қовоқлари ва ўсиқ қошлари остидаги кўзлари секин қимиirlар, ҳар қандай ифодадан маҳрумдек кўринарди. Ҳа, шундай, Кингнинг ташқи қиёфасида қандайдир ҳайвоний кўриниш бор эди, айниқса унинг кўзларида, ҳамла қилишга тайёр шернинг кўзларидаги сингари сузуклик сезиларди. Пастак пешонаси суйрук эди, калта қирқилган соchlари остидан эса, абжағи чиққан калласидаги ҳар бир дўнглик билиниб турарди. Икки марта бурни мажақланиб, сон-саноқсиз муштлар уни хўп текислаган; шалпайган ва шишган қулоғи эса, икки марга

узайиб ҳуснини бузиб турар, янги қирилган сақол териси күм-күк эди.

Хуллас, Том-Кинг, агар бирорта қоронғитор күча ёки хилватроқ жойда учраб қолгудай бўлса, кишини қўрқитадиган ташқи қиёфаси бор эди. Шундай бўлса-да, у мутлақо жиноятчи бўлган эмас ва ҳеч қачон жиноий иш қилмаган. Унинг касбидаги киши учун одат ҳисобланган муштлашишларни ҳисобга олмаганда, у ҳеч кимга зиён етказмаган. Ҳеч ким, ҳеч қачон унинг жанжал чиқарганини кўрган эмас. Том-Кинг профессионал боксёр эди, ўзининг бутун жанговар жаҳдини профессионал хуружлар учун сақларди. Рингдан ташқарида у ювош, гапга кўнадиган эди, пули кўпайган ёшлик йилларида эса, очиқ қўллик билан ҳар кимга улашар, ўзини ўйламас эди. У кек сақламас, шунинг учун душманлари кам эди. Майдонга чиқиб муштлашиш унинг учун ҳаёт манбаи эди. Рингда у, ўз рақибиға зарар етказиш, уни шикастлаш, йўқотиш учун роса муштлар, лекин буни у ғазабсиз, кексиз қиласр эди. Унинг учун бу нарса одатдаги иш, кундалик машғулот эди. Томошибинлар тўпланишар ва икки томон бирбирини қандай енгишини томоша қилиш учун пул тўлашарди. Енгиб чиққан одам пул мукофотининг кўп қисмини оларди. Том-Кинг бундан йигирма йил бурун Гуджер билан учрашган чоғда, Ньюкаслдаги мусобақада Гуджернинг пастки жағи синганини ва тузалганига атиги тўрт ой бўлганини биларди. Шунинг учун ҳам Кинг унинг худди шу жағини мўлжаллади ва тўққизинчи раундда яна шу жағни синдириди. Бу ишни у Гуджерга душманли-

гидан эмас, балки бу усул Гуджерни сафдан чиқариб, мукофотнинг энг кўп қисмини олиш учун энг тўғри бир усул бўлганлиги учун қилди. Гуджер ҳам унга ғазабланмади. Ўйин қонуни шунақа эди, ҳар икковлари ҳам буни билишар ва шунга итоат қилишарди.

Том-Кинг камгап одам эди. Дераза ёнида ўтириб, индамасдан қовоғини солгани ҳолда ўз қўлларини томоша қилди. Қўлнинг устки томонидаги йўғон томирлар шишиб чиқсан, бармоқларининг ялпоқланган, хунуги чиқсан бўғинлари эса, бу қўллар қандай ишга хизмат қилишларини кўрсатиб турарди. Кишининг ҳаёти қон томирларининг ҳаёти эканини Том-Кинг ҳеч қачон эшитмаганди, лекин ирғиб чиқсан бу йўғон қон томирлар нимадан дарак бераётгани унга жуда яхши маълум эди. Унинг юраги бу томирлардан жуда юксак босим билан жуда кўп қонни ҳайдарди. Бу томирлар энди ўз вазифаларини улдалашга ожиз эдилар. Кинг уларга кучларидан ортиқ вазифа юклаб, эластикликларини йўқотишга мажбур этган, шу билан бирга ўзи ҳам илгариги чидамлилигини йўқотган. Энди у тезда чарчаб қолар, йигирма раунд тинмай бонгдан-бонггача телба сингари қаторасига мушт устига мушт уриб олишолмайди; дам арқон томонга қисилиб, дам ўзи рақибини арқонга қисиб солишолмайди; энг сўнгги, йигирманчи раундда, бутун зал ўрнидан ирғиб туриб ҳайқира бошлаганда, ўзининг бутув шиддат ва қувватини йиғиб ҳужум қилиш, уриш, чап бериш, рақибига қайта-қайта мушт ёғдириш ва ўзи ҳам шунга яраша мушт ейиш учун ҳар раунд сайин ҳужумларининг зарбини кучай-

тириб бора олмайди; ахир, бутун мана шү ҳаракатлар вақтида юрак тұхтосыз равища эластик томирлар бүйлаб, қайнаб турған қонини ҳайдаб туриши керак. Жанг вақтида ирғиб чиққан томирлар сүнгра бутунлай бұшашады, мутлақо бұшашиб қолмаса ҳамки, ҳар сафар сезилмас даражада, улар аввалгидан бир оз кенгайиб қолади.

Том-Кинг ўзининг қон томирларнага ва бармоқларининг хунуклашган бүғинларига қараб туриб, бир лаңза үтмишни эслайди. «Валлиялик бағайбат» лақаби остида шуҳрат қозонгаи Бенни Джонснинг калласига уриб, бир бармоғини синдиргүнча унинг құллари жуда бежирим, ёш йигитчаларнинг қўлидек эди.

Унинг очлиги яна сезилиб қолди.

— Эҳ! Наҳот бир парча гүшт топиб бўлмаса!— деб ғудунглади у ва ўзининг катта муштини кисиб. секин сўкинди.

— Мен Берке дўконига ҳам, Саулейга ҳам бориб кўрдим... — деди хотини гуноҳкордай.

— Беришмадими? — деб сўради Кинг.

— Бир тийинлик ҳам беришмади. Берке айтдики... — хотин тутилиб қолди.

— Айтақол! Нима деди у?

— Шундай ҳам, ўзи, бизнинг қарзимиз кўпайиб кетганини гапирди. Яна Сэндл бугун сени савалашини айтди.

Том-Кинг ғудунглади-ю, лекин индамади. Бирдан унинг эсига ёшроқ чоғида сақлаган булль-террер тушди, бу итни у нуқул гүшт билан боқарди. Ұша вақтда Берке мингта бифштексни унга, Кингга, қарзга берган эди. Аммо энди у кунлар ўтиб кетди. Том-Кинг қариб қолди, иккинчи разрядли клублардаги

мусобақаларда қатнашувчи қари боксёрларга эса дўконлар унча-мунча нарсанни насяга беравермайдилар.

Том-Кинг шу куни эрталаб бир парча мол гўштига юраги эзилиб ўринидан турди ва бу қўмсаш ҳеч босилмади. Бунинг устига яна бугунги кураш учун етарли ҳозирланмаганини ҳам биларди. Бу йил Австралияда қурғоқчилик бўлди, ҳамманинг ҳам иши юришмади, ҳатто, тасодифий ишни топиш ҳам осон эмасди. Машқ қилиш учун Томнинг партиёри йўқ эди, ўзи ёмон овқатланди, тўйиб овқат еган чоғлари оз бўлди. Агар иш топилса, баъзан у бир неча кунлаб қора ишчи бўлиб ишлади, тоңг чоғлари эса оёқларини машқ қилдириш учун Домен паркини гир айланиб югурди. Партиёrsиз машқ қилиш қийин, тағии бунинг устига хотини ва бола-чақасини боқиш керак бўлса, аҳвол яна мушкуллашади. Сэндл билан бўлғуси мусобақа дўкондорлардан оладиган қарзини унча оширмади. Гейстси клуб секретари унга уч фунт пулни олдиндан тўлади — бу пул, курашда енгилганда тўланадиган ҳақ эди, лекин бундан ортиқроқ тўлашдан бош торти. Гоҳо-гоҳо Кинг эски ошналаридан бир неча шиллинг қарз топишга муваффақ бўларди; ошналари кўпроқ қарз беришлари ҳам мумкин эди-ю, лекин қурғоқчилик-уларни ҳам қийнаб қўйди. Йўқ, ҳақиқатини яшириш ярамайди — мусобақага у ёмон ҳозирланган. Яхшироқ овқатланиш ва ташвишлардан холироқ туриш керак эди. Бунинг устига, яна маълумки, қирқ ёшда бир нарсага кўнишиб йигирма ёшдагидан қийин бўлади.

— Соат неча, Лиззи?

Хотини вақтни билиш учун майдон оша күшниларникига югурди ва дарров қайтди.

— Чоракам саккиз.

— Биринчи жанг бир неча минутдан кейин бошланади,— деди у.— Бу фақат синаш учун. Сүнгра, Диллер Уэллс билан Гридли ўртасида тўрт раундли жанг кетади, кейин Скайлайт билан қандайдир матрос ўртасида ўн раундли жанг бўлади. Менинг чиқишимга ҳали бир соат бор.

Кинг яна ўн минутча жим ўтирди-да, сўнг ўрнидан турди.

— Ростини айтсан, Лиззи, мен чинакам машқ қилолганим йўқ.

Шляпасини кийиб, Кинг эшик томонга юрди. Хотинини ўнимади — у хайрлашаётганда ҳеч қачон хотинини ўпмас эди — лекин бу оқшом хотини ўзи уни ўпиб қўйди, қўллари билан эрининг бўйиндан қучоқлаб, эгилишга мажбур қилди. Бу хотин ўзининг девдай эри ёнида жуда кичкина кўринарди.

— Омон-эсон бўлгин, Том,— деб шивирлади хотини,— сен уни енгишинг керак.

— Ҳа, мен уни енгишим керак,— деб таоррлади у,— ҳеч сўзнинг ҳожати йўқ. Мен уни енгишим керак, вассалом.

У ясама хурсандлик билан кулди, хотини эса унга яна маҳкамроқ ёпишди. Хотинининг елкаси оша Кинг, қашшоқ хонага кўз югуртириб чиқди. Бу дунёда эга бўлган бори-буди шу кўз олдидагилардангина иборат эди: купдан бери ижараси тўланмагаи уй, хотини ва болалари. Ҳозир у, буларни ташлаб, тун зулмати қўйнига кириб кетмоқда; бупдан мақсад ўз жуфтига ва болаларига овқат топишдир. Аммо

унинг топиши, ўз станоги ёнига доим бир хилдаги, ҳолдан тойдирувчи ишга борувчи ҳозирги замон ишчисининг топишидан фарқ қиласиди. Кинг қадимги усул билан, шоҳона-ибтидоий ҳайвоний усул билан жанг қилиб пул топади.

— Мен уни еигишим керак,— деб такрорлади у, бу сафар унинг овозида умидсизлик оҳанги эштилди.— Агар енгсам, ўттиз фуит пул оламан, бутун қарзларни узаман, яна бир ғарам пул қолади. Енгасам — ҳеч нарса тегмайди, бир тийин ҳам тегмайди, ҳатто уйгача трамвайга тушишга ҳам пул ололмайман. Хўш, яхши қол, кампирим. Агар енгсам тўп-па-тўғри уйга қайтаман.

Хотини зинапоя томонга бошини чиқариб, эрининг орқасидан қичқириб қолди:

— Мен ётмасдан кутиб ўтираман!

Гейети-клубга қадар икки чақирим мўл келарди, Том-Кинг кўчада пиёда кетаётиди, ўтмиш баҳтиёр кунларини эслади: Янги Жанубий Уэльсининг оғир вазнили чемпиони ҳисобланган кунларда, мусобақага кэбга тушиб борар, кира ҳақини эса унинг ғалаба қозонишига катта пул тикканлардан бири тўлар ва бирга кузатиб борарди. Эндиликда эса, Том Берис билан анави янки Кжек Джонсон автомобилда кезади, Кинг эса пиёда лўкиллайди! Ахир, икки ұчақирим мўл йўлни пиёда босиш— жанг мусобақасига ҳозиргарчиликнинг ярамас тури эканини ким билмайди! Том-Кинг қариб қолган, ҳаёт эса қариларга шафқат қилмайди. Энди у қора ишдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди, шунда ҳам пачақланган бурни билан лат еган қулоги халақит бериб туради. Афсус,

бирорта ҳунарга ўрганмаган экан. Афтидан, шундай қилганда яхши бўлар эди. Бироқ, ўз вақтида ҳеч ким унга шундай маслаҳат берган эмас, барибир ўша вақтда ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмаслигини ўзи ҳам ич-ичидан тан олади. Ахир, ўша вақтда унинг иши осонликча юришмоқда эди. Гарам-гарам пул, қизғин шарафли жанглар, бошқа вақтларда эса — узоқ вақт дам олишлар, беишлик... хизматга тайёр бир тўда лаганбардорлар... елкага қоқишлилар, қўл сиқишлилар... талашиб виски қўйиб бериб меҳмон қилувчи, у билан беш минут суҳбат қилишдай юксак шарафга эга бўлишини истовчи юқори табақа олифталари... Ҳаммадан ҳам юксаги эса — галаёнга келган халқ, ўйиннинг суронли хотимаси ва судьянинг эълон қилиши: «Кинг ғолиб чиқди!» ва унинг номи эртасига газеталарнинг спорт хроникалари устунида ярқираб турарди.

Шундай, ўша вақтлар заб вақт эди! Лекин ҳозир, ўша вақтлар тўғрисида ўз одати бўйича оҳиста ва узоқ фикр юритгандан кейин, ўшанда жуда кўп қариларни йўлдан итариб ташлагани равшан бўлди. Уша вақтда у нур соча бошлаган юлдуз порлаётган ёшлиқ эди, анавиллар эса — ботишга яқинлашган қариллик эдиллар. Уларга ғолиб келишнинг осон бўлгани ҳам содда: уларнинг томирлари қавариб чиққан, бўғинлари майиб, сонсиз-саноқсиз жанглардан уларниг танасига чарчоқлик маҳкам ўрнашиб олган.- Раш-Каттерс Бэй деган жойда қари Стоушер Билни ўн саккизинчи раундга бориб абжафини чиқарганини ва бу кекса одам даҳлизга чиқиб худди ёш боладай йиғлаганини эслади. Балки, Билл квартира

ҳақи тўлашни ўз вақтидан ўтказиб юборгандир? Эҳтимол, уйда хотини, болалари уни кутиб тургандир? Балки, Билл мусобақа куни оч бўлгандир ва бир парча гўшт деб юраги эзилгандир? Кекса боксёр таслим бўлишни истамаган эди, шундан сўнг Кинг унинг расвосини чиқарди. Энди, ўша боксёрганинг куни ўз бошига тушгач, Том-Кинг ҳамма нарсани тушунди: ўша оқшомда, йигирма йил муқаддам, шуҳрат учун, осонгина қўлга кираётган пуллар учун курашаётган Томга нисбатан Стоушер Билл жуда катта умид билан майдонга кирган экан. Стоушер Билл кейин даҳлизга чиқиб йиглаган бўлса, ҳеч ажабланарли эмас!

Афтидан, ҳар бир кишига белгили миқдордаги курашдан ортиғига куч берилмаган, шекилли. Жангнинг темир қонуни шундай. Бирор юзларча оғир жангларга бардош бериши мумкин, бошқа бирор эса — фақат йигирма жангга чидайди. Ҳар бир одам ўзининг тузилиши ва темпераментига мувофиқ муайян вақтгача чидайди, холос, сўнгра эса — у тамом бўлади. Баракалла, ҳалиям Том-Кинг бошқа кишиларга нисбатан жуда кўпга чидади. Унинг ҳиссасига жуда кўп қизғин, ҳолдан тойдирувчи жанглар тўғри келди; бу жанглар унинг ўпкасига ва юрагига шу қадар иш ортдирдиларки, уларнинг ёрилишига сал қолди, артериялар ўзларининг эластикликларини йўқотди, ёш йигитга хос юмшоқ ва силлиқ мушак гўштлари дағаллашганди, асаблар кучсизланди, чидамлилик бўшашди, тана ва мия ҳаддан ташқари кучанишдан чарчади. Баракалла, ҳалиям у кўпга чидади! Унинг ҳамма эски

ўртоқлари рингдан кетиб қолиши. Кинг эски гвардиянинг энг сўнгги жангчиси. Ўртоқлари унинг ўз кўзи олдида сафдан чиқиб-чиқиб кетиши, бир хил маҳал бунга унинг ўзи сабабчи бўлди.

Уки кексаларга қарши майдонга чиқардилар, у бўлса, шу кексаларни бирин-кетин йўлдан супурди, Стоушер Биллга ўхшаш кексалар даҳлизда йиглаб ўтирганда эса, у кулиб юрди. Энди эса ўзи қариди, энди ёшлар у билан кучларини синашганда, мана масалан, ана шу Сэндл деган йигит. У Янги Зеландияда рекорд қўйиб, сўнгра бу ерга келган. Лекин бу ерда, Австралияда, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, шунинг учун ҳам уни кекса Том-Кингга қарши майдонга чиқаришмоқчи. Агар Сэндл ўзини кўрсатса, унга кучлироқ рақиб беришади ва мукофотни кўпайтиришади, шунга кўра бугун у, шубҳасиз, жони борича олишади. Агар шу жангда у ҳамма нарсани — пул, шуҳрат, карьерани ютиб олиши мумкин. Шуҳратга ва бойликка бўлган унинг шу кенг йўлида кекса, сочига оқ тушган Кинг ғов бўлиб турибди. Том-Кинг эса энди ҳеч нарса ютиши мумкин эмас — фақат ўттиз фут ютиб олиб, ўй эгаси билан дўкондорларнинг қарзидан қутулса бас. Кинг бу тўғрида ўйлаганда, унинг вазмин миясида ёшликтининг порлоқ образи на-моён бўлди. Ёшлик! Қувнаган чеҳрали, енгилмас, мускуллари ҳаракатчан, териси ипакдай, чарчоқ билмас соғлом ўпка ва юракли ёшлик! Бу ёшлик — ўз кучини аяб ўтирувчилардан кулади. Ҳа, ёшлик — қасосдир! Қариларни у камситиб ташлайди, лекин шундай қилиш, демак ўзини ҳам нобуд қилиш эканлиги тўғриси-

да ўйланиб ўтиrmайди. Унииг қон томирлари шишиб чиқади, бармоқ бўғинлари пачақланади ва уни ҳам ўз навбатида ғолибона қадам босувчи ёшлик нобуд этади. Зеро, ёшлик ҳар доим ёшдир. Фақат авлодларгина қарийди.

Кеслари-стритга етганда, Кинг чап томонга қайрилди ва уч квартал юриб, Гейети-клубга келди. Эшик олдида тўпланишиб турган тирмизаклар галаси ҳурмат билан унга йўл берди ва Кинг орқа томонидан келган сўзларни эшитди:

— Бу ўша! Бу ўша Том-Кинг!

Уст-бош ечадиган жойга бора туриб кўзла-ри жавдираған тулки тумшуқли ёш секретарни учратди; секретарь унинг қўлинини сиқиб сўрашди.

— Қалайсиз, яхшимисиз, Том?— деб сўра-ди у.

Гарчи, Том, ёлғиз гапиришиб турганини сезса ҳам, агар ҳозир киссасида бир фунт стерлинги бўлганда, ҳеч ўйлаб-нетиб турмасдан уни бир парча гўштга беришга тайёр турса ҳамки:

— Жуда соз! Худди бодришгдай диркиллаб турибман!— деб жавоб қайтарди.

Том-Кинг ечиниш хонасидан чиқиб, ўз се-кундантлари кузатуви остида скамейкалар орасидаги йўлдан зал ўртасидаги тўрт бурчакли, арқонлар билан қуршалган майдонга йўл олганда, тўрт кўз бўлиб кутиб турган то-мошабинлар уни кучли қарсак ва олқишлиар билан қарши олдилар. Том-Кинг ўнгга, чапга салом берди-ю, лекин таниш ~~киши~~ кишиларни кам учратди. Томошабинларнинг кўпчилиги, Том-Кинг кураш майдонида дастлаб шуҳрат қозонган чоғда, ҳали дунёга келмаган ғўр

йигитчалардан иборат эди. Арқон остидан энгашиб ўтиб, Кинг осонлик билан майдонга қадам босди, ўз бурчагига бориб, букланма курсига ўтирди. Судья Джек Болл у билан қўйлиниб кўришмоқ учун ёнига борди. Болл, рингдан кетиб қолган боксёр бўлиб, ўн йилдан ортиқ вақтдан бери курашга чиқмас эди. Боллнинг судья қилиб тайинланганидан Кинг хурсанд бўлиб кетди. Ҳар икковлари ҳам кекса кишилар эди. Боллдан умидвор бўлиши мумкинлигини Том биларди. Агар у Сэндл билан курашда қоидани сал-пал бузса ҳам, Болл индамайди.

Оғир вазидаги боксёрлик унвонига талабгор ўшлар бирин-кетин майдончага кўтарилишиди, судья уларни халқа таништириди ва тиккан пулларини ҳам дарҳол эълон қилди.

— Шимолий сиднейлик ёш йигит Пронто,— деб қичқирди судья,— енгган киши билан олишади. Эллик фунт тикади!

Халқ чапак чалди. Сэндл арқондан ўтиб, ўз бурчагига бориб ўтирганда, уни ҳам қарсаклар билан қарши олдилар. Том-Кинг ўз рақибиға қизиқиш билан қараб қўйди. Яна бир неча минутдан кейин бешафқат жанг бошлилади. Бу жангда уларнинг ҳар бири ўз рақибини ҳушдан кетгизгунча савалашга боркучини сарф қиласди. Лекин Том, ўз рақиби Сэндлни яхшигина текшириб кўролмайди, чунки у ҳам худди ўзи сингари, спорт кийими устидан узун шим ва свитер кийиб олганди. Сэндлнинг юзи мардонавор ва чиройли эди, пешонаси устига тилладай соchlари осилиб турарди, пай битган, бақувват бўйин зўр жисмоний кучидан дарак берарди.

Еш Проито рақиблар билан қўл бериб кўришиш учун бурчакдан-бурчакка ўтди-да, сўчг сакраб рингдан тушиб кетди. Чақирувлар давом этди. Ҳали номлари чиқмаган, лекин ғолиб билан куч ва эпчиликлари ҳақида бутун дунёга эълон этишга ошиққан жўшиқни ёш йигитлар биринкетин арқон остидан ўтмоқда эдилар. Бир неча йил аввал, ўз шуҳратининг чўққисига етган, енгилмас Том-Кинг учун жанг олдидағи маросимлар кулкили ва зерикарли кўринарди. Лекин ҳозирги ёшлар намойишдан кўзини узолмасдан, сеҳрланган каби ўтиromoқда эди. Ҳар доим шундай бўлиб келган эди — борган сари янги ва янги йигитлар арқон остидан ўтишар ва барчани курашга ундар эдилар. Кексалар эса, албатта, улар қаршисида бош эгар, енгиллар эдилар. Ёшлар ғалаба сари, қариларнинг танаси устидан ўрмалардилар. Ёшлар борган сари кўнайишарди. Бу ёшликтўймас, енгилмас эди. Ҳар доим ёшлар кексаларни йўлдан супуран, сўнгра ўзлари кексариб, ўша кексалар ортидан тубангга сирғанар, уларнинг кетидан эса, чарчамасдан уларни итариб, битмас-туғанмас навбат билан янги ва янги бўғинлар келаверади. Дунёнинг охиригача шундай бўлаверади, чунки ёшликтўйли билан боради ва ҳеч қачон ўлмайди.

Кинг журналистлар ложасига кўз ташлади, «Спортсмен» дан келган Морган ва «Рефериждан» келган Корбетт билан саломлашди. Сўнгра ўз секундантлари Сид Сэллвен билан Чарли Бейтсга қўлларини узатди. Секундантлар унинг қўлларига перчатка кийдиришди, Сэндлга қарашли секундантлардан бирининг

диққат билан кузатиши остида перчаткаларни маңкам боғлашды, секундант дастлаб ишонмасдан, Қингнинг бўғинларидағи обмоткаларни текшириб кўрди. Қингга қарашли бир секундант ҳам Сэндлга инсбатаи шу вазифани ўтади. Сэндлининг шимини ечиб қўйдилар, у ўриндан турди, свитерини бошидан чиқариб ечиб ташладилар. Шундан сўнг Том-Кинг ўз қархисида ёшликтиниг яққол намунасини кўрди: барваста кўкрак, кучли мускуллар; мускуллар худди жоили нарса сингари ярқироқ тери остида ўйноқлар эди. Бу танада ҳаёт булоқдай қайнарди; бу тана ҳали ўз қирчилламалигини йўқотмаганини Том-Кинг биларди. Ёшлик ўз жаримасини тўлайдиган, ҳолдан тойдирувчи, узоқ жанглардан чиққанда киши ҳар сафар бир оз кексарса ҳамки, лекин ҳали бу ёш йигитдан ҳаёт шираси дарз кетган жойларидан томчи-томчи оқиб битмаган эди.

Рақиблар бир-бирлари томон ҳаракат бошлидилар: бонг чалинди, секундантлар буклама курсиларни кўтаришиб пастга сакрашарди. Том-Кинг билан Сэндл қўл бериб кўришиб, жангга ҳозирланиб, ғоз туришди. Шу ондаёқ Сэндл, усталик билан пўлат ва пружиналардан ясалган механизм сингари ҳаракат қилиб, олдинга ташланди, орқага ташланди ва яна олдинга ташланиб, чап қўли билан Томнинг кўзига, ўнг қўли билан қовирғаси остига урди, рақибиға чап бериш учун бир шўнғиди, худди ўйин тушаётгандай осонликча орқа томонга сапчиди ва худди шундай енгиллик билан олдинга ҳужум қилди. У тез ва эпчил эди. Томоша жуда қизиқтиарли бўлиб чиқди. Зал

ичи хурсанд товушларга тўлди. Лекин Кинг бу ҳолатдан пинагини бузмади. У, бу хил ёш боксёрларнинг жуда кўпи билан жанглар қилган, шу сабабдан бу хилдаги ҳаддан ташқари тез ва ҳаддан ташқари эпчил зарб уришларниң нималигини билади. Афтидан, Сэндл жангни бирданига бошлаб юбормоқчи бўлди. Шундай қилишини кутиш мумкин эди. Ёшлик шундай иш кўради, ўзининг кучини сахийлик билан исрофлайди, ўзининг ажойиб чиройини шиддатли ҳужумлар ва қаҳрли олишувларга сарфлайди, ўз кучининг олижаноблиги ва ғалаба иштиёқнинг зўрлиги билан душманни ёнгади.

Сэндл — оёғи енгил, жўшқин, оппоқ ялтираган бадан ва кучли мускулларнинг жонли муъжизаси — ҳужум қилар ва қайтар, дам у ер, дам бу ерда, майдоннинг ҳар жойида жавлон урас, моки сингари сирғаниб шўнғиб қочар, минг хил ҳаракатни бир мақсадга қаратилган кўз қамаштирувчи ҳужумига айлантирап, мақсад — унинг шуҳрат йўлида турган Том-Кингни йўқотишдан иборат эди. Том-Кинг эса, бунга чидам билан бардош берарди. У, ўз ишини биларди, энди ёш чоғи ўтиб қолгани учун ёшлик нима эканини тушунганди. Ҳозир фақат ўз рақибининг ҳолдан тойишини кутишгина қолди. Шундай қарорга келгач, илжайиб қўйди-да, эгилиб, жўрттага ўз калласини оғир муштга тутиб берди. Бу хоинона бир усул бўлса-да, лекин бокс қондаларига кўра рухсат этиларди. Ҳар ким ўз бўғинларини авайлаши керак, агар рақибинг каллангга уришга уринар экан, ўзидан ўпкалансин. Агар Кинг пастроқ эгилса, муштдан омон қолиши мумкин эди,

лекин эсига ўзининг биринчи жаңглари тушиб кетди, биринчи марта у «Валлий яли Баҳай-бат» лақабли боксёренинг бошига ураман деб, ўз бармоқ бўғинларини пачақлаб олган эди. Энди унинг ўзи шу усульнни қўллади. Бу усул, Сэндл бармоқ суюкларини унинг калласига уриб синдириб олишга мўлжалланган эди. Сэндл ҳозир қон қизифида бу нарсани сезмаса ҳам майли — сезмаса, боягидай дабдабали бепарволик билан то жанг охиригача қайта-қайта худди шундай оғир мушт солади. Бироқ, кейинчалик, узоқ жанглар унда из қолдиргач, Сэндл ўтмишга қайрилиб қарайди-да, бармоқ бўғинининг Том-Кинг калласига уриб синдирганидан афсусланади.

Биринчи раундда бутун Сэндл ҳужум қила-верди, бўрондай ҳужумларнинг яшиндай тезлиги ҳайратга солган томошабинлар зални гулдуратди. Кингга у шнiddатли муштларни ёғдирса ҳам Кинг жавоб қайтармади. У бирорта ҳам мушт урмади, фақат сақланди, ўзини тўсди, шўнғиди, ҳужумдан қочиб, клинчга кирди. У шошилмасдан ҳаракат қилар, вақти-вақти билан ёлғондакам олдинга ташланар, оғир мушт тушганда бошларини силкитарди; лекин бирор марта ё олдинга, ё орқага сакрамади, бир томчи ҳам кучини исроф қилмади. Эҳтиёткор қариллик қасос қайтаришга киришгунча, майли, Сэндлдаги ёшлик кўпиги тиниб олсин. Кингнинг бутун ҳаракатлари ўлчовли ҳаракатлар эди, оғир қовоқлари тўсиб турган кўзлари ва ҳаракатсиз кўз қараши унга гаранг бўлиб қолган ёки уйқусида ҳаракат қи-лаётган кишининг қиёфасини берарди. Аммо, унинг кўзлари барча нарсани кўрмоқда эди —

йигирма йилдан ортиқ рингда ишлаб, бу күзлар ҳеч нарсаны қочирмасликка ўрганган әдилар. Бу күзлар мушт тушганда юмилмасди, уларда қўрқув аломати кўринмасди, улар оралиқни чамалаб совуқ термилардилар.

Раунд охиридаги бир минутлик танаффусда Том-Кинг ўз бурчагида дам олди. Оёқларини узатиб, қўлларини кенг ёйиб арқон устига қўйиб, бутун кўкси ва қорни билан чуқур нафас олди, секундантлар эса уни сочиқ билан еллиб турниши. Кўзларини юмиб, халқ ичидаги товушларга қулоқ солиб ўтириди.

— Нима учун солишмаётисан, Том? — деб қичқириши томошабинларнинг бир хиллари.— Сен ундан қўрқасанми? Мускуллари карахт,— деди кимдир биринчи қатордан.— У тез ҳаракат қила олмайди. Икки фунтга гаров бойлашаман, Сэндл енгиб чиқади!

Бонг чалинди, рақиблар ўз бурчакларида чиқиб, бир-бирлари томон юрдилар. Сэндл бирпасда ҳар икковлари ўртасидаги масофа-нинг тўртдан уч қисмини босиб қўйди, Кинг эса ўз ҳиссасига масофа оз қолганидан хурсанд эди. Бу унинг кучни тежаш тактикасига мувофиқ тушди. У яхши машқ қила олмаган, ёмон овқатланган, ҳар бир қадамини аяши керак. Бунинг устига, бугун, ринггача икки чақирим йўлни пиёда лўкиллади! Бу раунд ҳам аввалгининг такрорланишидан иборат бўлди: Сэндл ўз рақибига шамолдай ҳужум қиласи, томошабинлар эса, нима учун Кинг олишмайди дейишиб ғалаён кўтариб қичқиришадилар. Бир неча суст, натижасиз минут уриш ва ёлғондакам олдинга ташланишлардан бошқа, Кинг ҳеч нарса қилмади, фақат ўзини олиб қочиб,

түсиб ва клинчга кириб тураверди. Сэндл жуда тез суръат билан жанг қилишга интилди, Кинг эса, тажрибада пишиб қолгани учун бунга юрмади. Ү, қарилек ўз кучини қандай аяса, шундай авайлади ва курашларда хунуги чиқкан юзида қандайдир қайғули тантана билан кулимсиради. Сэндл эса айни ёшликтиннинг ўзи эди, кучларини ёшликка хос ажойиб бенарволик билан нобуд қилмоқда эди.

Ринг устаси Кинг — рингдаги жуда кўп оғир курашларда ҳосил қилинган донолик эгаси эди. Унинг ҳаракатлари салмоқли эди. Бир секунд ҳам калласини йўқотмасдан, бепарво кўз билан Сэндлни кузатар, ундаги жанговар ғурурнинг совушини кутарди. Кўпчилик томошибинларга Кинг чорасиз заниф, ўз даражасини йўқотган бўлиб кўринди; шунинг учун улар Сэндлни ёқлаб, унинг ютажагини баланд овоз билан гапириб, бир-бирлари билан гаров ўйнашга тушдилар. Лекин тажрибалироқ, Кингни илгаридан билган (бу хил одамлар оз топилади), одамлар қўрқмасдан гаров ўйнайвердилар.

Учинчи раунд ҳам худди аввалгилари сингари бошланди — фаолият Сэндлда бўлиб, доим ҳужум этиб турди. Раунд ярим минутча давом этгандан сўнг, Сэндл жуда ҳам ўзига ишониб кетиб, бетини тўсмай қолди. Кингнинг кўзлари мoshдай очилиб кетди-да, шу топдаёқ унинг ўиг қўли баланд кўтарилди. Бу унинг биринчи урган ҳақиқий мушти — «хук» деб аталадиган зарба бўлиб, муштга қаттиқ куч бериш учун тирсакни ярим букиб, гавданинг бутун оғирлиги билан ярим доира ясад урилали. Гўё ўзини уйқуга солиб ётган шер яшин тезлиги

билан ҳамлакор панжаларини ирғитди. Мушт Сэндлнинг жағига ён томондан тегди ва уни худди күшхонадаги ҳўқиз каби ерга ағнатиб ташлади. Томошибинлар қий-чув кўтарди, зал бўйлаб маъқуллаган шивир-шивир тарқалди. Кекса боксёрининг мускуллари карахт бўлиб қолган эмас экан-ку! Унинг ўнг қўли худди темирчининг болғаси сингари гурсиллатар экан!

Сэндл эсанкираб қолди. У бир ағдарилиб ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин секундантлар қичқириб, вақт ҳисоби тамом бўлгунча кутишини билдириб тўхтатдилар. Бир тиззаси билан сал кўтарилиб ўрнидан туришга тайёр ҳолда, ўз тепасида турган судья қулоғига қаттиқ қичқириб, секундларни санаб бўлгунча кутиб қолди. Тўққизинчи секунд ўрнидан кўтарилиб, жангга тайёр ҳолда турган эди, Том-Кинг унга қараб афсусланди: эсиз, агар мушт бир дюйм пастга тушганда, худди ияқка тўғри келар экан. Шундай бўлган тақдирда нокаут эълон қилинарди, Том чўнтағига ўттиз фунтни солиб, уйига, хотини бола-чақаси ёнига кетарди.

Одатдаги уч минут тамом бўлгунча раунд давом қилди. Сэндл, гўё, ўз рақибиға нисбатан биринчи марта ҳурмат ҳис этгандай кўринди, Кинг эса боягида шошилмас, кўзлари яна аввалги уйқусираган ҳолга қайтганди. Секундантлар арқон остидан ўтиб кетишга ҳозирланиб, ринг ёнига чўкка тушганлари чоғда, Кинг, раунднинг охири яқинлашганини фаҳмлаб, жангни ўз бурчаги томон йўналтира бошлади. Бонг чалиниши биланоқ курсига ўтириб олди, Сэндли эса, ҳали ўз курсисига

етиб боргунча, бутун майдонни босиб ўтиши керак эди. Бу майда нарса бўлса-да, лекин майда нарсалар тўпланиб катта аҳамиятга эга бўлади. Сэндлига бир неча ортиқча қадам босишга, бирмунча энергия сарф этишга ва қимматли дам олиш пайтининг бир қисмини йўқотишга тўғри келди. Ҳар бир раундинг бошида Кинг ўз бурчагидан олға томон секин-аста қимиirlади, шу билан ўз рақибини кўпроқ йўл босишга мажбур этди. Раундинг бурчагига яқин келтириш ҳаракатини қилди.

Сўнгра икки раундда Кинг ўз кучларини ҳамон аввалгидай эхтиёт билан сарф этди, Сэндл эса боягидай ҳеч аямади. Сэндл жангни тезлатишга уринди, шунинг учун Кингга анча қийин бўлди, чунки унга йўналтирилган саноқсиз муштларнинг кўпчилиги мўлжалга тегди. Шундай бўлса ҳам, гарчи залдаги ёшлар шовқинлаб, баъзи тезлари муштларга жавоб қайтаришин талаб этишса ҳам Кинг узоқ вақт имиллаб қолаверди. Олтинчи раундда Сэндл яна хатога йўл қўйди, яна Кингнинг даҳшатли ўнг қўли ҳавога кўгарилди ва яна жағига мушт еган Сэндл учун тўққиз секунд вақт сабаб ўтказилди.

Еттинчи раундга борганде Сэндл ўзини у қадар яхши ҳис этмади; оғир ва мисли кўрилмаган жангга тутилиб қолганини тушунди. Том-Кинг кекса одам бўлса ҳамки, Сэндл бу хил кекса одамлар билан ҳали бирон марға куч ўлчашиб кўрмаганди. Бу кекса одам ҳеч қачон ўзини йўқотмади, ўзини ҳимоя қилишда ҳайрои қоларли даражада уста эди, унинг мушти эса оғир таёқнинг кучига баравар келар, гўё ҳар бир муштида бир нокаут яши-

ринган. Шундай бўлишига қарамай, Қинг тез-тез мушт уришга журъат этмади. Ўзининг абжақланган бўғинлари тўғрисида бир минут ҳам унутмади, бармоқ суяклари жанг охирига чидаши учун ҳисоби билан мушт уриш зарурлигини биларди. Ўз бурчагида ўтириб ва майдон оша ўз рақибига тикилиб, у бирдан фикр қилди: агар Сэндлнинг ёшлиги ўзининг шахсий тажрибаси билан қўшилганда, оғир вазнда дунё чемпиони чиқиши мумкин эди. Лекин ҳамма бало шунда. Сэндл ҳеч қачон дунё чемпиони бўлолмайди. Ҳозир унга тажриба етишмайди, тажриба олиш учун эса ёшлигини сарф этиш керак, тажриба олингандан сўнг эса, ёшлик ўтиб кетади.

Қинг тажрибадан келиб чиқадиган ҳамма афзалликлардан фойдаланди. У клинчга ўтиш имкониятини бирор марта ҳам қўлдан бой бермади ва клинч маҳали ҳар доим унинг елкаси рақибининг қовирғасини яхшигина қисиб турди. Ринг фалсафаси таълим берадики, душманга зарар етказиш учун елка ҳам, мушт ҳам баб-баравар яхши, лекин кучни тежаш маъносида шубҳасиз елка билан иш кўриш афзалроқдир. Бунинг устига, яна клинч чоғида Қинг ўзининг бутун оғирлигини рақиби устига ташлаб дам оларди, шунинг учун ҳам клинчдан ажраб кетишни унча хуш кўрмасди. Ҳар сафар уларни бир-биридан ажратиш учун судья аралашиб керак эди, судья уларни, ҳали дам олишга ўрганмаган Сэндлнинг ёрдами билан ажратарди. Сэндл эса ўзининг шиддат билан кўтариувчи қўлларини ва ўйнаб турган мускулларини ишга солмасдан тутиб туролмасди.

Кинг клинчга кириб, куч билан Сэндлниң қовирғасыга елкасини тираб, калласини уничг чап қўли остига яширганди, Сэндл ҳар доим ўнг қўлинин рақибининг елкасидап ошириб, ўз қўлтиги остидан чиқиб турган унинг бетига уради. Бу усул томошабинларни жуда хурсанд қиласидиган эпчил бир усул бўлиб, лекин хавфли эмасди, шунинг учун фақат беҳудага куч сарф қиласидарди. Кинг эса муштларга чидаш билан бардош бериб кулимсиради, холос.

Сэндл ўнг қўли билан Кингнинг танасига қаттиқ мушт урди. Ташқаридан томоша қилганларга, Кинг бу сафар жуда боплаган бўлиб кўрипниши мумкин эди, лекин рингдаги жангларнинг бир хил шинавандалари Кингнинг чап қўлидаги перчатка худди мушт тушиш олдиндан рақибининг бицепсига усталик билан текканини айта олди. Тўғри, Сэндлнинг ҳар бир мушти мўлжалга тегар эди, лекин ҳар сафар унинг бицепсига Кингнинг тегиши мушт зарбини йўқотарди. Тўққизинчи раундда Кинг ўнг қўлининг тирсагини букуб, бир минут ичinda Сэндлнинг жағига уч марта урди ва ҳар учовида ҳам Сэндл гурсиллаб ерга йиқилди. Ҳар сафар у одатдаги тўққиз секунддан фойдаланиб, гангираб бўлса ҳам, лекин ҳамон кучли ҳолда ўрнидан кўтарилиди. Бироқ у ўзининг шиддатини анча йўқотди ва оҳистароқ ҳаракат қила бошлади. У бадбуруш қиёфага кирди, лекин аввалгидай ўзининг бош капитали — ёшликка ишонди. Кингнинг бош капитали эса, тажриба эди. Кучи орқага қайтиб, жангга руҳи сусая бошлагандан бери, Кинг уларни кўп һиллик жангларда орттирилган

Дөнөлік ва айерлик билан, күчни мұлжаллаб иқтисод этиш билан алмаштируди. Ү, ортиқча ҳаракатлардаң қочпшгина әмас, балки шу билан бирға ўз рақибининг күчиниң кетказиш йўлини ҳам ўргашыб олди. Оёғи, қўли ва та-насиининг ёлғондакам ҳаракатлари билан қайта-қайта у Сэндлни кетга ташлашга, буралышга, жавоб муштлари уришга мажбур этарди. Кинг дам олар, лекин Сэндлни бир минут ҳам дам олишга қўймасди. Қарилик стратегияни ана шундай эди.

Унинчи раунднинг бошида Кинг Сэндлнинг ҳужумларини чап қўллаб тўппа-тўгри юзга мушт уриш билан қайтара бошлади. Сэндл эҳтиётланиб, чап қўли билан юзини тўсиб, сўнгра ўнг қўли билан ёнбошдан узунасига рақибининг бошига урди. Бу мушт жуда юқори урилгани учун, рақибиға баҳтсизлик келтириши маҳол бўлса-да, лекин дастлаб Кинг эски, таниш бир сезги ҳис этди, гўё қандайдир қора парда унинг миясини қуршаб олди. Бир лаҳза яна тўғрироғи, жуда қисқагина бир лаҳза — гўё Кинг йўқолиб қолди. Рақиби кўз ўнгидан ғойиб бўлди, орқа томондан кўз тикиб ўтирган оппоқ юзлар ҳам йўқолди; лекин шу ондаёқ яна қайта ўз рақибини ва томоша залини кўра бошлади. Гўё у бир лаҳза уйқуга кўз юмди-ю, яна шу ондаёқ кўзларини очди. Бу лаҳза шу қадар қисқа эдик, Кинг йиқилишига улгурмади. Унинг гандираклаб кетганини томошабинилар кўрди, тиззалари букилди, лекин у дарров ўзини тутиб олди ва иягини ичкарироққа қилиб чап қўли билан тўсинди.

Сэндл бу хилда мушт уришни қаторасига

бир неча марта такрорлаб, Кингни ярим гаранг ҳолда сақлади, бора-бора Кинг ўзини ҳимоя қилишиниг алоҳида усулини чиқардики, бу усул айни замонда контратака хизматини ҳам ўтади. Рақибининг диққатини ўзининг чап томонига жалб этиб туриб, у ярим қадам орқага ташланди ва шу лаҳзадаёқ ўнг қўли билан бор кучини йигиб апперкат берди. Мушт шу қадар аниқ мўлжалланган эдикни, Сэндл энди эгилиб турганда унинг қоқ бетига тегди, у юқорига сапчиб, сўнгра боши ва елкалари билан ерга шалпайиб тушди. Кинг бу усулини икки марта такрорлади, шундан сўнг кучини аяшдан тўхтаб, рақибига мушт устига, мушт ёғдириб, уни арқон ёнинг қисиб қўйди. У Сэндлиниг ўзини ўнглашига йўл қўймади, нафасини ростлатмади, ўринларидаи иргиб турган томошабинларининг ҳайқириқлари ва тўхтовсиз қарсаклари остида кетма-кет ураберди, ураберди. Сэндлиниг кучи ва чидами жуда жойида бўлгани учун у ҳамон ўзини тутиб турмоқда эди. Нокаут бўлиши муқаррарга ўхшаб қолди, шунинг учун ҳам полисмен ишнинг ёмон бўлиши мумкинлигини кўриб, жангни тўхтатиш нияти билан майдон ёнида найдо бўлди. Бонг чалиниб, раунд тамом бўлгандан дарак берди; Сэндл гандирлаб ўз бурчагига этиб борди, полисменчи ўзининг соппа-соғлигига ишонтирди. Исботи учун икки марта сакраган эди, полисмен унинг гапига кўнди.

Кинг ўз бурчагида, чалқанчасига ташланниб, оғир нафас олиб ўтиromoқда эди. Унинг умиди пучга чиқди. Агар жангни тўхтатиб қўйганларида эди, судья унинг фойдасига

хукм чиқарған бўларди ва мукофот унга тегарди. У, Сэндлга ўхшаб, шуҳрат ёки карьера учун эмас, балки ўттиз фунт ақча учун жанг қилди. Энди-чи, дам олиш минутларида Сэндл яна ўзини ўнглаб олади.

Кингнинг миясида: «Ёшлик ўз кучини кўрсатади!»— деган фикр чақнади ва бу сўзларни биринчи марта у Стоушер Биллни енгган оқшомда эшигланлигини хотирлади. Бу сўзларни қандайдир бир олифта, жаңгдан кеъин уни ароқ билан меҳмон қилиб ва елкасига уриб туриб айтганди: «Ёшлик ўз кучини кўрсатади!» Уша олифтанинг гапи тўғри чиқди. Уша оқшомда, эҳ, нақадар узоқ! Кинг ёш эди. Бугун эса ёшлик унинг қаршисида, ҳув анави бурчакда ўтирипти. Кинг ярим соатдан бери ўша ёшлик билан жанг олиб бораётитти, лекин ўзи қариган-ку! Агар ўзин ҳам худди Сэндл каби олишганда эди, ўн беш минутга ҳам бардош беролмасди. Ҳамма гап шундаки, унинг кучлари қайтадан тикланмайди. Мана бу қавариб чиққан артериялар ва ҷарчаган, ҳолсизланган юрак раундлар ўртасидаги танаффусларда куч йиғишга имкон бермайди. Ҳа, шундай, тўғрисини айтганда, мусобақа бошлаш олдида ҳам унинг кучи озгина эди. У, оёқларининг оғирлашиб қолганини ва томирлари тортишганини сезди. Жанг қилиш олдидан икки чақирим йўлни пиёда босиш мумкин эмас эди, ахир! Яна устига, эрталабдан бери бир парча гўштга юраги эзилиб турибди. Насияга гўшт беришга унмаган дўкондорларга қарши унда буюк шиддатли нафрат қўзгалди. Тўйганича овқат емасдан кекса одамга рингга чиқиш қийин. Бир

парча мол гүшти нима деган гап, ахир? Арзимагап нарса, унинг баҳоси ҳам бир неча тийин, холос. Лекин унинг учун мана шу бир парча гүшт ўттиз фунт стерлинг пулга айланиши мумкин эди.

Ўн биринчи раунд бошланганига бонг чалиниши биланоқ Сэндл ҳужумга ташланиб, энди ўзида асар ҳам қолмаган тетикликни намойиш қилмоқчи бўлди. Бокс ўйини қанчалик эски бўлса, бу ёлғондакам ҳаракат ҳам шунчалик эски эканини Кинг тушунар эди. Аввал бошлаб, рақибидан сақланиб, у клинчга кирди, сўнгра ажралиб, Сэндлга вазият тутишга имкон берди. Шундай қилиш Кинг учун қулагай эди. Рақибига чап қўли билан жўрттага ўқталиб, уни шўнғишига мажбур этди, ёнбошига пастдан юқори қаратиб мушт уришга мажбур этди-да, ярим қадам орқага қайтиб туриб, ғоят шиддатли апперкат билан Сэндлни ерга ағнатди. Шу минутдан бошлаб Кинг, Сэндлга тинчлик бермади. Ўзига ҳам мушт тушар, лекин ўзи кўпроқ уради, Сэндлни арқон томонга сурниб ташлар, унга тўппа-тўғри ва ёнбошдан, калта ва узун муштлар ёғдиради, клинчлардан қочар ёки унинг клинчга кириш ҳаракатига ўз вақтида зарба берарди, рақиби йиқилай деганда ҳар сафар уни бир қўли билан ушлаб қолар, иккинчи қўли билан ўзини йиқилишдан сақлаб турувчи арқонлар томонга сурарди.

Томошибинлар эсанкираб қолиши; энди улар Том томонида эдилар, ҳар бири қичқи-рарди:

— Ур, Том! Бопла! Сол жагига, Том! Қотириб ташла! Сен енгдинг, Том!

Финал жуда гулдуросли бўладиганга ўхшаб қолди, ахир ҳалойиқ пулни шунинг учун тўлаган-да!

Ярим соатдан бери кучини асраб турган Том-Кинг, энди уни биракайига кучли ҳужумга аямай сарф қилмоқда эди, бу кучнинг қанчага етишини у ўзи биларди. Бу унинг бирдан-бир шанси эди — ҳозир енгмаса, ҳеч қачон енголмайди! Унинг кучлари тез камаймоқда эди, то куч тамом бўлгунча рақибимни ағдараман деб умид қиласади. Лекин, ҳужумни давом этидириб, мушт устига мушт уриб ҳар муштнинг зарби ва етказадиган заарини совуққонлик билан ҳисоблаб, Сэндл сингари барваста йигитни нокаут этиш нақадар мушкул эканини тушуна бошлади. Бу йигитда ҳаётий кучлар запаси ва чидам кўп эди—ҳали ишлатилмаган ҳаётий кучлар ва ёшларга хос чидам бор эди. Ҳа, Сэндл, шубҳасиз, шуҳрат қозонажак. Бу туғма боксёр. Чемпионлар фақат мана шундай мустаҳкам материалдан таркиб топади.

Сэндлнинг боши айланар ва гандираклар эди, аммо Том-Кингнинг ҳам оёқ томирлари тортишиб, бармоқ бўғинлари эса ҳаракатдан бош тортмоқда эди. Шундай бўлса ҳам у ўзини шиддатли муштлар уришга мажбур этар, ҳар бир мушт унинг пачақ қўлларини зирқиратиб оғритарди. Гарчи, ҳозир унинг ҳиссасига унчалик мушт тушмаса-да, у ҳам рақиби сингари тезгина бўшаша борди. Унинг муштлари мўлжалга тегар, лекин энди бу муштларнинг зарби йўқ эди ва ҳар бир мушт зўр кучаниш билан урилмоқда эди. Оёқларига қўрғошин қўйилгандай, уларни зўрга судраётгани маълум бўлиб қолди. Булардан қувонгандан Сэндл тараф-

дорлари ҳайқириқлар билан ўз арзандаларига мадад бера бошладылар.

Бу аҳвол Кингни тезлаштирди, кучларини тўплашга мажбур этди. Сэндлга у бирин-кетин икки мушт урди: чап қўли билан қорнининг сал юқорисига, ўнг қўли билан жағига туширди. Муштлар қаттиқ бўлмаса-да, лекин Сэндл жуда чарчаб, ҳолдан кетиб қолгани учун ағнаб тушди. У шалпайиб ётди, этини титроқ босди. Судья унинг бошига келиб, таҳликали секундларни қичқирди. Агар ўн марта сана-гунча ўрнидан турмаса, Сэндл ютқизган ҳисобланарди. Томошибинлар нафасларини тўхтаби кутиб қолишди. Кинг зўрга тик турмоқда эди; у ҳаддан ортиқ заифлик сезмоқда ва боши айланмоқда эди, башаралар денгизи унинг кўз ўнгида чайқалар, судъянинг секундларни санаётган овози эса, узоқлардан эшитиларди. Лекин жангни ютиб чиққанига ишонган эди. Бу тахлитда калтакланган одамнинг ўрнидан кўтарнилиши мумкин эмас.

Фақатгина ёшлик кўтарилиши мумкин эди, шунинг учун ҳам Сэндл кўтарилди. Тўртичи секунда у юзини пастга қилиб ағдарилди ва кўр сингари пайпаслаб арқони ушлаб олди. Еттинчи секунда ў бир тиззаси билан кўтарилиб дам олди. Уннинг боши худди маст одамнинг бошидай ҳар томонга ликанлар эди. Судья «Тўққиз!» деб қичқирганида, Сэндл оёқ-қа қалқиб, чап қўли билан юзни, ўнг қўли билан қорнини тўсиб мудофаа позициясида турди. Шу тахлитда энг нозик жойларини тўсиб, олдинга, Кинг томонга қараб вақтни ютиш учун клинчга кириш ниятида тебранди.

Сэндл уриидан туриши билан оқ Қинг унға ташланди, бироқ урган иккى мушти Сэндл қўли билан тўсгани туфайли бўшашди. Сўнгги лаҳзада Сэндл клинчга кириб олди ва судъялар ҳарчанд уларни ажратишга уринса ҳам жон ҳолатда қаршилик қилиб, рақибига маҳкам ёпишиб олди. Қинг ундан қутулншга ҳаракат қилди. Ёшлик ўз кучларини жуда тез тиклашини биларди, шу сабабли ўз кучларини тиклаш учун Сэндлга халақит бергандаги-па уни енгиши мумкин эди. Битта яхшигина мушт ишни пировардига етказиши мумкин. Сэндл енгилди, шубҳасиз енгилди. Қинг уни енгди. Ўзининг жанговар усталиги билан ундан ортиқ келиб, кўпроқ очко олди.

Клинчдан чиққач, Сэндл гандираклади — унинг тақдири қил учида турарди.

Уни битта яхшигина мушт билан ағдарса, иш тамом! Шу лаҳзада Тон-Қинг яна афсус билан бир парча гўшт тўғрисида ўйлади ва сўнгги ҳал қилувчи ҳужум учун қорнини яхшилаб тўйғаза олмаганидан афсусланди. Кучларини тўплаб, у бир мушт урди, лекин бу мушт етарли даражада шиддатли ва суръатли бўлиб чиқмади. Сэндл гандираклади-ю, аммо йиқилмади, ўзини арқонларга ташлаб, уларни ушлаб олди. Қинг гандираклаб, рақиби устига ташланди, қаттиқ оғриқни енгиб туриб, яна бир мушт урди. Лекин кучи тамом бўлди. Энди унда курашаётган, хиралашаётган ва ҳолсизликдан сўнаётган тушунчадан бошқа ҳеч нарса қолмади. Рақибининг жағига мўлжалланган мушт елкага тегди. Қинг юқорироқини мўлжаллаган эди, лекин чарчагаи мускуллар итоат этмади ва унинг ўзи зўрға оёқда турди. Қинг яна

мушт урди. Бу сафар муштини мутлақо текки-золмади ҳам, бутунлай кучдан кетиб Сэндлнинг устига ағдарилиб, йиқилиб тушмаслик учун уни қўллари билан қучоқлаб олди.

Кинг ундан ажрашга ҳаракат этмади. У қўлидан келган барча нарсани қилди ва бошқа ҳеч нарса қолмади. Ёшлик эса ўз кучини кўрсатди. Клинч маҳали Сэндлга осилиб турганида, унинг кучи ортаётганини сезди. Судъя уларни ажратиб ташлаган чоғда, ёшлик кучини қандай тиклаётганини Кинг ўз кўзи билан кўрди. Кўз очиб юмгунча Сэндлнинг кучи кўпайди. Унинг заиф, мўлжалга тегмаган муштлари борган сари қаттиқлашиб, мўлжалига тега бошлади. Том-Кинг ўз жағига мўлжалланган перчаткадаги муштни гўё туман ичидага кўрди ва қўлинин тўсиб ҳимоя этмоқчи бўлди. Хавфни кўриб, олдини олишни истаса-да, лекин қўли ҳаддан ташқари оғир эди. Гўё унда тонна қўрғошин бордай кўтарила олмади. Кинг қўлинин кўтариш учун бутун иродасини тўплади. Аммо худди шу лаҳзада перчаткадаги мушт ўз мўлжалига тегди. Кучли оғриқ, худди электр токи ургандай Кингни зирқиратди-ю, у қоронғилик ичига йиқилди.

Кўзини очгандан сўнг, ўз бурчагидаги курсида ўтирганини кўрди ва Бонди-Бич қирғоидаги денгиз тўлқини каби унинг қулоғига атрофдаги халқнинг шовқини эшитилди. Кимdir унинг бошига ҳўл латта босмоқда, Сид Сэлливен эса унинг юзига ва кўкрагига шифобахш совуқ сув қўймоқда. Перчаткалари ечилган. Сэндл унга эгилиб, қўлинин қисмоқда. Кинг, ўзини бартараф қилган бу одамга нисбатан кўнглида ёмонлик сезмади, шунинг учун сами-

мий құл сиқиб жавоб қайтарған эди, дарров пачақланған бармоқ бүғиниларн зирқиради. Сүнгра, Сэндл ринг ўртасига чиқди, ёш Пронтоннинг чақириғини қабул этганини ватикилған пулни юз фунтгача оширишиң тақлиф этгач, залдаги қиий-чув бир лаҳза түхтади. Кинг бепарво қараб турарди, секундантлар уннинг сув құйилған баданини артиб, юзига сочиқ тутиб, уни рингдан кетишга ҳозирламоқда әдилар. Кинг ўзида очлик сезди. Бу очлик күп маҳал сезиб юрган одатдаги кемируды очлик әмасди, балки қандайдир ўтакетған заифлик, күкрап остидан бошланиб бутун танаасига тарқалған дардли бир титроқ әди. Уннинг фикрлари яна жангга қайтди. Сэндл зўрға оёқ босиб турған, енгилишига қилча қолған секундни ўйлади. Ҳа, бир парча гўшт ишга хотима берарди! Кинг ҳал этувчи муштни урганда, мана ўша бир парча гўшт етмади, мана шунинг учун жангни ютқазди! Ҳамма иш шу бир парча гушт туфайли бузилди

Секундантлар уни тирашиб, арқон остидан ўтишга кўмаклашдилар. Лекин Кинг секундантларни ўзидан четлатди, энгашиб арқонлар орасидан уларнинг ёрдамнисиз ўтди-да, гуп этиб пастга сакради. У, оломон қуршаб олган марказий йўлакдан, ўзига йўл очиб бораётган секундантлар ортидан борди. У, даҳлизда кининиб чиққандан сўнг, вестибюлдан ўтиб кўча эшигини очганда, қандайдир ёш йнгит уни тўхтатиб, сўради:

— Сэндл қўлингда турған эди-ку, нимага уни йиқитмадинг?

— Йўқол, афтиңг қурсин! — деди Том-Кинг ва зинапоялардан тротуарга тушди.

Бурчакдаги пивахона эшиги катта очилиб кетди, Кинг ичкарида ёниб турган чироқларни, стол ёнида жилмайишиб ўтиришган қизларни күрди, жанг түғрисидаги гурунглар қулоғига кирди ва столга ташланган тангаларнинг ғалати жарангларини эшилди. Кимдир уни чақириб, ичишга таклиф этди. Иккиланиб туриб, рад этди-да, ўз йўлига қараб судралди.

Унинг чўнтағида сариқ чақаси йўқ эди, уйгача бўлган икки чақирим йўл поёнсиз кўринди. Ҳа, у кексараёт! Домен паркидан ўтадешиб, у бирдан скамейкага ўтириб олди; жанг оқибатини билиш учун ухламасдан кутиб ўтирган хотини эсига тушиб, устидан совуқ сув қуийб юборгандай бўлди. Бу аҳвол ҳар қандай нокаутдан оғирроқ эди. шунинг учун хотини билан юзма-юз учрашиш мумкин эмасдай кўрнди.

У ҳаддан ортиқча заифлик сезди, пачақланган бўғинларидаги оғриқ эса, гарчи бирорта иш топилса ҳамки, то қўлга киргуича ёки куррак олгуича бир ҳафта вақт ўтишини эслади. Ичидаги очлик сезгиси кўнглини оздирарди. Бахтсизлик уни енгди, кўзларида ғайри оддий ёшлар пайдо бўлди. Юзини қўллари билан яширди ва йиғлаб туриб, Стоушер Биллни эслади, узоқ ўтмишдаги ўша оқшомда уни қандай расво қилганини хотирлади. Бояқиш, кекса Стоушер Билл! Билл даҳлизда нима сабабдан йиғлаганини Кинг энди яхши тушунди.

## **НАМ-БОК — ЕЛГОНЧИ**

— Байдарка, ростдан байдарка! Байдарка, ичиди одами ҳам бор! Қаранглар, эшкакни у қандай беўхшов эшяпти-я!

Баск-Ва-Ван кампир мадорсизлик ва ҳаяжонланишдан титраб-қақшаб чўккалаб ўтирида, денгизга тикилди.

— Нам-Бок эшкакни доим шунаقا беўхшов эшарди,— деб минғиллади у хаёл сурин, кафти билан кўзларини қуёш нуридан тўсаркан, ярқираб турган сув бетига тикилиб.— Нам-Бок доим жуда қўпол ҳаракат қиласарди. Эсимда бор...

Аёллар ва болалар қаттиқ хохолаб кулиб юборишиди, уларнинг бу кулгиларидан мулоҳимгина масхаралаш сезилиб турарди, кампир жимиб қолди, фақат лабларигина унсиз қимирларди.

Кугах ишини тўхтатиб (суюк йўниш билан банд эди), бошини кўтарди-да, Баск-Ва-Ван тикилиб турган томонга қаради. Ҳа, бу байдарка эди, тўлқиннинг дам-бадам сурин кетишига қарамай, соҳилга томон сузиб келарди. Байдаркада ўтирган эшкакчи уқувсиз бўлса-

да, лекин кескин ҳаракат қилар, тұлқиннинг қаршилигини зүрға енгиб, илонизи йўл ҳосил қилиб яқинлашиб келарди. Кугах яна ишга тутинди, у морж тишини йўниб, шундай балиқнинг елка қанотини ясадики, бундай балиқ ҳеч қачон ҳеч қандай денгизда сузмаган бўлса керак.

— Бу қўшни қишлоқлик суюк йўнувчи бўлса керак, суюкка қандай қилиб ҳар хил нақш йўниш ҳақида мен билан маслаҳатлашгани келаётганга ўхшайди,— деди у ахийри.— Лекин у уқувсиз одам. Ҳеч қачон буни ўргана олмайди.

— Бу Нам-Бок,— деди яна Баск-Ва-Ван кампир.— Наҳотки ўз ўғлимни танимасам? — деб қичқирди у ғазабланиб.— Бу Нам-Бок деяпман-ку, сизларга.

— Ҳар ёзда шундай дердинг,— деб овута бошлади уни аёллардан бири.— Денгиз муздан сал тозаланди дегунча қирғоққа ўтириб олиб, кун бўйи унга тикилардинг; қандай қайиқ бўлмасин «Нам-Бок» дердинг. Э, Баск-Ва-Ван, Нам-Бок ўлиб кетган, ўлганлар эса қайтиб келмайдилар. Ўлганларнинг қайтиб келиши мумкин эмас, ахир.

— Нам-Бок! — кампир шундай қаттиқ қичқирди, ҳамма унга ҳайратланиб қараб қолди.

У гандираклаб ўрнидан турди-да, каловланиб қумдан юра бошлади. Юриб бораркан, офтобда ётган болага қоқилиб кетди, боланинг онаси кампирни қарғаб-қарғаб, уни овута бошлади, кампир бунга эътибор ҳам бермади. Болалар уни қувиб ўтиб, қирғоққа қараб югурдилар, эшқакчининг қўполлигидан тўнтарилиб

кетай деган қайиқ қиргоққа яқинлашиб келгач, болалар орқасидан аёллар ҳам эргашди. Кугах морж тишини бир чеккага қўйди-да, ҳасса таяниб йўлга тушди, унинг орқасидан икки-учтадан бўлиб эркаклар ҳам жўнади.

Байдарка ён томони билан туриб қолди, агар яланғоч болалардан бири сувга тушиб қайиқни тумшуғидан қумга судраб чиқмаганда, тўлқин уни ўз қаърига тортиб кетиши турган гап эди. Эшкакчи ўрнидан туриб, атрофида турган ҳамқишлоқларини диққат билан кўздан кечирди. Эски йўл-йўл ифлос фуфайка унинг кенг елкаларига ёпишиб турарди, бўйнига дengизчиларникидек қизил рўмолча боғлаган. Сочи калта қилиб олдирилган бошида балиқчилар шапкаси, дағал матедан шим ва оғир этик: уст-боши шулардан иборат эди.

Шунга қарамасдан, у Улуғ Юконнинг бу оддий балиқчилари учун қизиқ кўринарди. Бутун ҳаётларида уларнинг кўз олдиларида Беринг дengизигина ястаниб ётарди, холос, шу чоққача фақат иккита оқ танли одамни кўришганди — аҳолини рўйхатга олувчини-ю, адашиб келиб қолган иезуитлар руҳонийсинни. Улар камбағал халқ эди — ерларида на олтин, на сотиладиган қиммат баҳо мўйна бор эди, шунинг учун оқ танлилар уларнинг қирғоқларига ҳатто яқинлашмасди ҳам. Бундан ташқари, дengизнинг бу томонида минг йиллар давомида Аляска тоғ жинслари тўпланиб қолганидан кемалар, ҳатто қуруқлик кўзга чалинмасданоқ, бу саёзликда ўтириб қоларди. Шу сабабли аичагина ичкарига кириб борадиган узун кўрфазлари ва кўпдан-кўп пасти-баланд

оролчаларга эга бўлган ботқоқлик қирғоққа ҳеч қачон оқ танлиларнинг катта кемалари келиб етган эмас, балиқчилар қабиласи уларнинг дунёда бор-йўқлигини билмасди ҳам.

Кугах-йўнувчи тўсатдан орқага тисарилиб, таёқласига суяниб қолса-да, йиқилди.

— Нам-Бок!— деб қичқириб юборди у, жон-жаҳди билан типирчиларкан, ўрнидан туришга уриниб.— Денгиз оқизиб кетган Нам-Бок қайтиб келибди.

Эркаклар ва аёллар орқага тисарила бошлидилар, болалар катталарнинг оёқлари орасидан лип-лип этиб ўтиб, қочиб қолдилар. Фақат Опи-Қуон қишлоқ оқсоқолига муносиб жасурлик кўрсатди. У олдинга чиқиб, келгиндини диққат билан узоқ кўздан кечирди.

— Бу ҳақиқатан Нам-Бок!— деди у ахийри, аёллар унинг овозидан энди шубҳа қолмаганини англаш, инс-жинс эмасми деб қўрқиб уввос солиб, янада узоқроққа тисарилдилар.

Келгиндининг лаблари ишончсизлик билан очилди, қораҷадан келган томоғи тиқилиб қолган сўзни чиқариб юбормоқчи бўлгандек қимирлади.

— Ля-ля, бу Нам-Бок!— деб ғўнғиллади Баск-Ва-Ван, унинг юзига термуларкан.— Мен ҳар доим Нам-Бок қайтиб келади дердим.

— Ҳа, Нам-Бок қайтиб келди.

Бу гал Нам-Бокнинг ўзи гапирган эди; у бир оёғини байдарканинг чеккасидан ошириб ерга қўйди, бир оёғи қайиқчада турарди. Яна қимтиниб ёдидан кўтарилиб кетган сўзни ахтараётгани кўринниб турарди. Бу сўзни топиб гапирганида эса ғалати дўриллаган, бўғиқ овоз эшитилди.

— Салом, биродарлар,— деди у,— шамол мени денгизга суреб кетмасдан аввал бирга яшаган биродарларим.

У иккинчи оёғини ҳам қумга қўйган эди, лекин Опи-Куон қўлларини пахса қилиб:

— Сен ўлгансан, Нам-Бок,— деди.

Нам-Бок кулиб юборди.

— Қара, қанақа семириб кетибман.

— Үликлар семирмайди.— деди Опи-Куон.— Сен анча семирибсан, аммо бу жуда ғалати-ку. Шу вақтгача шамол суреб кетган бирорта одам орқасига қайтмаган.

— Мен қайтиб келдим,— деди Нам-Бок оддийгина қилиб.

— Ундаи бўлса, сен, балки арвоҳидирсан. Илгари ҳаёт бўлган Нам-Бокнинг арвоҳидирсан. Арвоҳлар қайтиб келадилар.

— Мен очман. Арвоҳлар овқат емайдилар-ку.

Опи-Куон довдираб пешонасини қаший бошлади. Нам-Бок ҳам хижолатда қолди; у атрофика турган балиқчиларнинг юзларига бир-бир қараб чиқди, уларда маъқуллаш аломати борлигини кўрмади. Эркаклар билан аёллар шивирлашиб қолдилар. Болалар қўрқа-писа катталарнинг орқаларига яширинишди, итлар эса ҳурпайиб, унга тишларини иржайтирад, шубҳаланиб хавони искардилар.

— Мен сени туққан эдим, чақалоқлигингда кўкрак бериб боққанидим, Нам-Бок,— деди Баск-Ва-Ван маъюс, яқинлашиб.

— Арвоҳмисан ё йўқми, барибир, ҳозир ҳам овқат бераман сенга.

Нам-Бок у томонга энди қадам босган эди, бироқ юраги дов бермай тўхтади. У аллақан-

дай тушуниб бўлмайдиган тилда «э шайтон!» дегандек бўлди ва:

— Мен одамман, арвоҳ эмасман,— деб қўшиб қўйди.

— Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир нарса ҳақида гап боргандা, нима дейиш мумкин?— деб сўради Опи-Куон ўзича гапираётгандек бўлиб қабиладошларидан.— Ҳозир биз бормиз, балки бир нафасдан сўнг бўлмасмиз. Башарти одам арвоҳга айлана олар экан, нима учун арвоҳ одамга айланолмайди, Нам-Бок бор эди, аммо, энди у йўқ. Буни биламиз, Нам-Бокмисан ёки унинг арвоҳимисан — бу бизга қоронғи!

Нам-Бок йўталиб олди-да:

— Бундан бир қанча вақт муқаддам, Опи-Куон, отангнинг отаси биздан кетиб, бир неча йиллардан сўнг қайтиб келган экан-ку. Шунда унга жой бериб, уни қабул қилган эдиларку. Айтишларича... — у жим қолди, ҳамма у нима деркин деб, қотиб туради.— Айтишларича,— деб қайтарди вазминлик билан ўз сўзининг кучли таъсир этишига ишониб,— Сипсиپ, хотини, у қайтиб келганидан сўнг икки ўғлини унинг олдига олиб келган экан.

— Бироқ уни шамол денгизга суриб кетмаганди-да,— қаршилик билдириди Опи-Куон.— У қуруқлик ичкариснга кетганди, турган гапки, қуруқликда одам ҳар қанча юриши мумкин.

— Денгизда ҳам худди шундай-да. Аммо гап бунда эмас. Айтишларича... отангнинг отаси кўрган-кечирганлари ҳақида ажойиб ҳикоялар айтиб берган экан.

— Ҳа, у ажойиб нарсаларни гапириб берган эди.

— Менинг ҳам айтиб берадиган қизиқ гапларим кўп,— деди Нам-Бок қувлик билан тингловчиларнинг иккиланиб турганини кўриб: — Совға-саломлар ҳам олиб келдим,— деб қўшиб қўйди.

У қайиқчасидан майин, чиройли шолрўмол олиб, онасининг елкасига ёпди. Аёллар ҳайратланиб баб-баравар «вой-бўй!» деб юборишиди, Баск-Ва-Ван кампир эса болаларча қувониб, ҳарир матони қўллари билан ушлаб, силай бошлади.

— Унинг айтиб берадиган ҳикояси анчамунчага ўхшайди,— тўнфиллаб қўйди Кугах.

— У совғалар ҳам олиб келибди,— деб чуғурлашди аёллар.

Опи-Куон қабиладошларининг ажойиб ҳикояларни эшитишга ошиқиб турганликларини англади, ўзи ҳам бунга қизиқиб қолганди.

— Овимиз ҳам яхши бўлди,— деди у,— ёғимиз ҳам мўл: Юр, Нам-Бок, бир зиёфат қиласайлик.

Эркаклардан иккитаси байдаркани елкасига кўтариб, гулхан олдига олиб боришиди. Нам-Бок Опи-Куон билан ёнма-ён борарди, қишлоқ аҳолиси уларга эргашди, фақат бир неча аёл шолрўмолни ушлаб кўриш учун бир дақиқагина кейинда қолишиди.

Зиёфат вақтида гап-сўз кам бўлди-ю, лекин Баск-Ва-Ваннинг ўғлига қизиқиб яширинча кўз қирини ташлаб қўйиншлар кўпроқ бўлди. Бундан у уяларди, аммо камтаринлиги учун эмас, балки тюленъ ёғининг сассиги иштаҳасини бўғланлигидан хижолат тортарди; лекин буни сездирмасликка тиришарди.

— Ол, қорнинг оч,— деб буюрди Опи-Куон,

Нам-Бок кўзини чирт юмиб, қўлни сассиқ балиқли хурмачага тиқди.

— Ля-ля, ол, уялма. Бу йил тюленъ кўп бўлди, шундай бўлса ҳам бақувват эркакларнинг доим иштаҳаси яхши бўлади.

Баск-Ва-Ван балиқнинг энг ёмон бўлагини ётга булаб, ҳамма ёққа томизиб. меҳрибонлик билан ўғлига узатди.

Аммо Нам-Бок, ошқозони аввалгидек бақувват эмаслигини сезди-да, ташвишланиб. трубкасига тамаки солиб, чека бошлади. Одамлар ғовур-ғувур қилиб овқатланар ва ундан кўз узмасдилар. Улардан баъзи бирорлари бу қиммат баҳо кўкатни, гарчи аҳёнда шимолда яшовчи эскимослардан бошқа буюмга алмашган вақтларида гина озгина. жуда бўлмағури уларнинг қўлларига тушган бўлса ҳам, яхши билишларини айтиб, мақтанишарди. Нам-Бокнинг ёнида ўтирган Кугах тамакидан бир марта тортиш учун майли борлигини билдириди-да, лунжида бир бўлак балиғи билан каҳрабо мундштукни лабига қисиб, ёғли лаблари билан сўра бошлади. Буни кўрган Нам-Бок кўнгли айниб, қўллари қалтираб қорини ушлаб қолди ва узатилган трубкани қайтарди. «Майли, трубкани Кугах олақолсин», деди у, чунки бошдаёқ унга эҳтиром билан тақдим этмоқчи эди. Ҳаммалари бармоқларини ялаб, Нам-Бокнинг сахийлигини мақтай бошладилар.

Опи-Куон ўрнидан турди.

— Энди, Нам-Бок, зиёфат тамом, биз сен кўрган ажойиб нарсалар ҳақида эшитишни истаймиз.

Балиқчилар қарсак чалиб юборишдя, иш-

ларини ёнларига ёйиб, қулоқ солишга шайла-  
нишди. Эркаклар найза йўниш ва суюкка нақш  
беришга киришдилар, хотинлар эса денгиз  
мушуги терисидаги ёғларни қнриб, мўйнани  
ошлаш ёки пай ип билан кийим тикишга ки-  
ришдилар. Нам-Бок атрофидаги бу манзара-  
ни кўздан кечириб, бунда хотирасида сақлаб  
юрган ажойиб латофатни кўрмади. Санқиб  
юрган йиллари у бу манзарани мамнунлик  
билан кўз олдига келтиради, ҳозир эса, бу  
манзарани ўз кўзи билан кўриб турганида,  
ундан ихлоси қайтаётганилигини сезди. Нақа-  
дар қашшоқ ва аянч турмуш, деб ўйлади; бу  
турмуш у ўрганиб қолган турмуш билан ҳе-  
чам тенглашолмайди. Шунда ҳам у бирон  
нарса айтиб беради, уларнинг кўзини очиб  
кўяди — бу фикрдан унинг кўзлари чақиаб  
кетди.

— Биродарлар,— деб ўз қаҳрамонликла-  
рини гапириб беришга ҳозирланәтган мағрур  
кишидек, мулойимлик билан гап бошлади.—  
Биродарлар, бундан бир неча йил бурун мен  
орангиздан кетган вақтимда ёзниңг охирлари  
бўлиб, об-ҳаво ҳам худди ҳозиргидек эди. Уша  
кун ҳаммангизнинг эсингиздадир — балиқчи  
қушлар паст учишарди. қуруқликдан эса куч-  
ли шамол эсарди, мен ўз байдаркамда ўтиар-  
дим, шамол билан курашишга ожиз эдим. Байдарка қопқоқларини, ичига сув тушмасин деб,  
жипслаб ёпиб, тун бўйи бўрон билан олишиб  
чиқдим. Эрталаб ер кўринмай қолди, бутун  
атрофимни денгиз ўраб олган, қуруқликдан  
эсаётган шамол илгаригидек мени ўз қўйнига  
қамраб олдига солиб қувиб борар эди. Тун уч-  
марта ёруғ кун билан алмашинди, ер эса ҳали

ҳам күрінмасди, қирғоқ шамоли мени ҳануз оғушидан қўймасди. Тўртинчи куни эса эс-ҳушимни йўқотиб қўяёздим. Очликдан силлам қуриб, эшкак эшолмай қолдим, ташналиқ азобидан бошим гир-гир айланарди. Аммо денгиз тинчид, жанубдан илиқ шамол эса бошлади, атрофга қараб шундай манзарани кўрдимки, ҳақиқатан ҳам ақлдан оздимми-кан, деб ўйладим.

Нам-Бок тишлари орасига кириб қолган сулаймонбалиқ гўштини олиб ташлаш учун гапдан тўхтади, уни ўраб олган эркак ва аёллар қўлларини солинтириб, бўйинларини чўзинб, давом этишини кутардилар.

— Бу қайиқ эди, жуда катта қайиқ. Агар ўша вақтдаги мен кўрган қайиқларнинг ҳаммасини бирлаштирганда ҳам ундаёт катта бўлмасди.

Шубҳаланган овозлар эшитила бошлади, турмушнинг аччиқ-чучугини кўп йиллар тотиган Кугах бош чайқаб қўйди.

— Агар ҳар бир байдарка қум донасидай бўлганда,— деб ишонтира бошлади Нам-Бок,— ва байдаркаларнинг сони шу қирғоқдаги қум донасига тенг бўлиб, уларни бирлаштирганда ҳам мен тўртинчи кун кўрган қайиқдек катта қайиқ ясад бўлмайди. У жуда катта қайиқ бўлиб, шхуна деб аталаркан. Бу ажойиб қайиқ, бу катта шхуна тўғри менга қараб келётганини кўрдим, унда эса одамлар бор эди...

— Тўхта, Нам-Бок!— деб қичқирди Опи-Куон.— Қанақа одамлар экан? Катта-катта одамларми?

— Йўқ, улар худди сену менга ўхшаш одамлар эди.

— Катта қайиқ тез келармиди?

— Ҳа.

— Қайиқ катта әкан-у, одамлари кичкина әкан-да,— деб қўйди аниқроқ қилиб Опи-Куон.— Одамлар узун-узун эшкак ишлатардиларми?

Нам-Бок жилмайиб қўйди.

— Эшкаклари бутунлай йўқ эди.

Очилиб қолган оғизлар янада каттароқ очилди, орага узоқ жимлик чўкди. Опи-Куон Кугахдан трубкани сўраб олди-да, ўйланқираб бир неча бор тортди. Ёш аёллардан бири одамнинг ғашига тегадиган қилиб хихилаб кулганида, ҳамма унга ўқрайиб қараб қўйди.

— Демак, эшкаклари йўғиди дегин?— се-кингина сўради Опи-Куон, трубкани қайтариб бера туриб.

— Жануб шамоли орқадан эсади,— деб тушунтириди Нам-Бок.

— Бироқ биргина шамолнинг ўзи билан тез сузиб бўлмайди-ку.

— Шхунанинг қаноти бор эди — мана бунақа.

У қумга мачта, елканнинг расмини чизди, эркаклар атрофини ўраб, уни томоша қила бошладилар. Кучли шамол эсиб турарди, Нам-Бок амалда кўрсатмоқчи бўлиб, онасининг шолрўмолининг учларидан ушлаб шамол эса-ётган тарафга тутган эди, шамол уни худди елкандек дўппайтириб қирғоқча қараб суриб кетди; онаси ҳарсилла, йигирма қадамча борди-да, денгиз суви тўплаб қўйган хас-чўп ўюмiga йиқилди. Эркаклар тушунгандек то-моқ қириб қўйдилар, аммо Кугах бирдан оп-поқ сочли бошини орқага силкиб қўйди.

— Ҳа-ҳа! — хохолаб юборди у.— Қатта қайиқ эмиш, бўлмаган гап бу! Бемаънилигинг худди ўзи! Шамол ўйинчиоқ! Шамол қаёқка эсса, у ҳам шу ёққа сузади. Ҳеч қандай одам бу қайиқда қайси қирғоққа бориб қолишини билмайди, чунки у шамол эслган тарафга сузади, шамол эса қаёқни хоҳласа шу ёққа эсади, унинг қай томонга эсишини ҳозир ҳеч ким билмайди.

— Ҳа, тўғри,— деб қувватлади Опи-Куон.— Шамол эсаётган томонга сузиш осонку-я, аммо, шамолга қарши сузиш учун одам қаттиқ курашиши керак; модомики катта қайиқдаги одамларда эшкак йўқ экан, улар ҳечам кураша олмайдилар-ку.

— Уларга ҳеч қандай курашишнинг ҳожати йўқ,— жаҳл билан жавоб берди Нам-Бок.— Шхуна шамолга қарши ҳам юради.

— Шх... шх... шхунани юришга нима мажбур қиласди бўлмаса, бунга нима дейсан?— деб сўради Кугах жўрттага нотаниш сўзда дудуқланиб.

— Шамол,— деган бетоқат жавоб берилди.

— Шамол шх... шх... шхунани шамолга қарши сузишга мажбур этадими?— Шунда Кугах Опи-Куонга имлаб қўйди ва умум кулгиси остида: — Шамол жанубдан эсяпти, шхунани эса жанубга ҳайдаяпти. Шамол шамолга қарши эсяпти. Шамол бир вақтда ҳам у ёққа, ҳам бу ёққа эсаркан. Бу жуда тушунарли. Биз тушундик, Нам-Бок. Жуда яхши тушундик.

— Сен — аҳмоқсан!

— Лабларинг ҳақ гапни айтяпти,— деди Кугах мулойимгина қилиб.— Мен шу маҳалгача энг оддий нарсани тушунмабман.

Нам-Бок, қош-қовоғи осилиб, улар илгари ҳеч қачон эшиитмаган қандайдир сўзларни айтиб ғулдуарди. Ҳамма яна ўз ишига — бирвлари тери тозалашга, бирвлари яна бошқа ишга киришиб кетди. У тағин бирор нарса айтиб юбормай, барибир ҳеч ким ишонмайди, деб лабларини маҳкам юмиб турибди.

— Бу шх.... шх... шхунанг дейман,— деб сўради Кугах вазминлик билан,— у катта дарахтдан ясалган бўлса керак-а?

— У бир қанча дараҳтдан қилингган,— деб гапини бўлди Нам-Бок.— У жуда катта эди.

У ғамгин жимиб қолди, Опи-Қуон эса, ишонқирамай таажжубда бош чайқаб:

— Ажойиб-ку бу,— деб шивирлаётган Кугахнинг биқинига туртиб қўйди.

Нам-Бок тузоққа илинган эди.

— Бу ҳали ҳеч гап эмас,— деди у ўйламайнетмай,— пароходни кўрсаларинг эди. Байдарка қум донасидан қанчалик катта бўлса, шхуна байдаркадан қанчалик катта бўлса, пароход шхунадан шунчалик катта. Бунинг устига пароход темирдан ясалган. Ҳамма ёғи темир.

— Йўқ, йўқ, Нам-Бок,— деб ўдағайлади оқсоқол,— қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Темир ҳамма вақт сувга чўкади. Мана эшиит: қўшни қишлоқнинг оқсоқолидан бир пи-чиқ алманиб олганидим, куни кеча қўлимдан сирғалиб тушиб кетди-ю, шу заҳотиёқ тўппаттўғри денгизнинг энг чуқур ерига чўкиб кетди. Ҳар бир нарсанинг ўз қонун-қоидаси бор. Ўз қонуни бўлмаган бирорта ҳам буюм ҳеч қачон бўлмаган. Буни биз яхши биламиз. Бундан ташқари, барча бир хил нарсалар учун ҳам

қонун бор, шунинг учун ҳам қонун ҳамма темир буюмлар учун бир хилдир. Шундай экан, Нам-Бок, сенга бўлган ҳурматимиз йўқолмасдан бу сўзларингдан қайт.

— Лекин бу шундай-да,— деб сўзида туриб олди Нам-Бок.— Пароходнинг ҳамма ёғи темирдан бўлса ҳам чўкмайди.

— Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.

— Ўз кўзларим билан кўрганман, ахир.

— Бу жисмлар табиатига тўғри келмайди.

— Аммо айт-чи. Нам-Бок,— гапини бўлди Кугах, ҳикоя шу билан тўхтаб қолмасин деб, чўчиб.— Сен менга шуни айт-чи, агар мўлжал қилиб борадиган қирғоқ кўринмаса, одамлар денгизда йўлни қандай топадилар?

— Йўлни қуёш кўрсатиб беради.

— Қандай қилиб?

— Шхуна оқсоқолида шундай асбоб борки, ундан қуёшга қарап мумкин, мана, масалан, туш пайти дейлик, у асбобини олади-да, қуёшни осмондан ер четига тушишга мажбур қилади.

— Бу жодугарлик-ку, ахир! — деб бақирди бундай шаккокликдан эсанкираб қолган Опи-Куон. Эркаклар қўрқиб қўлларини осмонга кўтардилар, аёллар увлаб юбордилар.— Бу қабиҳ жодугарлик-ку. Улуғ қуёшни ўз йўлидан четга буриш жуда ёмон иш: у тунни қувиб, бизга тюленъ, сулаймонбалиқ гўшти ҳамда иссиқлик беради.

— Бунинг нимаси жодугарлик экан! — деб сўради Нам-Бок қўйполлик билан.— Мен ҳам бу асбобдан қуёшга қараб, осмондан пастга тушишига мажбур этганман.

Унга яқинроқ ўтирганлар шошилганча

орқага тисарилдилар, аёллардан бири эса Нам-Бокнинг кўзи тушмасин деб, кўкрагида ётган боласининг юзини беркитди.

— Тўртинчи куни нима бўлди, Нам-Бок?— деб оҳиста эслатиб қўйди Кугах.— Тўртинчи кун эрталаб шх... шх... шхуна сенга қараб сузиб кела бошлаганда нима бўлди?

— Дармоним қолмаганидан ундан нарироққа сузиб кета олмадим. Шунда мени шхуна га чиқариб олишди, оғзимга сув томизиб, яхши овқат беришди. Биродарлар, биз иккита-гина оқ танли одамни кўрганидик. Шхунадаги одамларнинг ҳаммаси оқ танли эди, уларнинг сони қўлларим ва оёғимда қанча бармоғим бўлса, шунча эди. Уларнинг сахий, яхши одамлар эканлигини кўрганимдан кейин дадиллашдим, сизларга гапириб бериш учун ҳамма кўрганларимни эслаб қолишга аҳд қилдим. Улар менга ўз ишларини ўргатишли, яхши овқат билан боқишиди ҳамда ухлайдиган жой ажратиб беришли.

Биз кун-бакун денгиз бўйлаб сузардик, елкан оқсоқоли ҳар куни қуёшни осмондан пастга тушириб, қаердалигимизни айтиб беришга мажбур қиласарди. Денгиз шафқат қилган пайтларда эса денгиз мушуги овлардик, бу одамлар денгиз мушугининг фақат терисини олиб қолиб, гўшти билан ёғини ташлаб юборишаркаһ, мен бунга жуда ҳайрон қолдим.

Опи-Куон оғзини ғазабнок қийшайтириб, бундай исрофгарчиликни сўкиб юборишга тайёр эди-ю, аммо Кугах уни туртиб, жим туришга мажбур қилди.

— Кейин оғир вақт бошланди — қуёш кетиб, совуқ баданимизни ачита бошлади; шун-

да оқсоқол шхунани жанубга бурди. Биз ерни бирон марта ҳам күрмай, бир неча күн жанубга ва шарққа қараб сұздик, энди уларнинг туғилган қишлоқларнга яқинлашиб қолганимизда...

— Яқинлашиб қолғанларини қаердан билнишди улар? — деб сўради Опи-Куон тоқати тоқ бўлиб.— Ахир, ер кўринмаётган бўлса...

Нам-Бок унга хўмрайиб қўйди.

— Оқсоқол осмондан қуёшни пастга туширди демадимми, ахир?

Аммо Кугах уни тинчлантирди ва Нам-Бок давом этди:

— Шундай қилиб қишлоққа яқинлашиб борар эканмиз, кучли довул турди, тун қоронғисида noctor аҳволда қолдик, қаердалигимизни билмасдик...

— Сен ҳозир оқсоқол биларди, дединг-ку...

— Овозингни ўчир. Опи-Куон! Сен — аҳмоқсан, тушунмайсан. Қоронғи тунда noctor аҳволда қолдик дедим, шу вақт мен довул гувиллаши орасидан тўлқин шовиллашини эшитиб қолдим. Худди шу пайт даҳшатли тарақа-туруқ қилиб бир нимага урилдик, бундай қарасам сувга тушиб қолибман, сузиб кетдим. Бутун қирғоқ қоя экан, улар бир неча милга чўзилиб кетган экан, фақат бир жойда торгина қумлоқ бор экан, қўлларим қумга тегди, шу йўл билан бу ердан чиқиб олдим. Бошқалар қояларга урилиб парча-парча бўлиб кетган бўлсалар керак, чунки қирғоқда оқсоқолдан бошқа ҳеч кимни учратмадим, уни ҳам бармоғидаги узугидан танидим.

Тонг отгач шхунадан ном-нишон қолмаганини кўрдим-да, қуруқлик томон юзландим,

овқат топиш ва инсон рўйини кўриш ниятида қуруқлик ичкариси томон йўл олдим. Уйлар олдига келганимда мени ичкари киритиб овқат бердилар, чунки оқ танлилар сахийдирлар. Уларнинг тилида гапиришни ўрганиб олдим. Мен кирган бу уй биз қурган ҳамма уйлардан ҳам, бизгача ота-боболаримиз қуришган уйлардан ҳам катта экан.

— Жуда улкан экан-да, у уй,— деди Кутах ишонқирамаганини яшириб, ажаблангандек.

— Уни қуришга анча-мунча дараҳт ишлатилган бўлса керак-а?— худди шу оҳангда давом этди Опи-Куон.

— Бу уй ҳеч нарса эмас,— деб эътиборсизлик билан елкасини қисиб қўйди Нам-Бок.— Бизнинг уйларимиз бу уйнинг олдида қанчалик кичкина бўлса, у эса, мен кейинроқ кўрган уйлар олдида шунчалик кичкина экан.

— Одамлари ҳам катта-катта эканми?

— Йўқ, одамлари сену мендақа экан,— жавоб берди Нам-Бок.— Юришим ўнғайроқ бўлсин деб таёқ кесиб олдим, кўрганларимнинг ҳаммасини сизларга айтиб беришни ўйлаб, биродарлар, таёғимга бу уйда яшовчи ҳар бир одами белгилаб йўниб қўйдим. У ерда анча вақт яшадим ва ишладим, бунинг учун менга пул берардилар — у нималигини сиз билмайсиз, аммо жуда яхши нарса.

Кунлардан бир кун у жойдан кетиб, яна ҳам узоқроққа жўнадим. Йўлда қанчадан-қанча одамларни учратдим, таёқчамга ҳаммаси сиғсин деб, чизиқчаларни кичкина-кичкина қилиб йўна бошладим. Тўсатдан жуда ажойиб нарсани кўриб қолдим. Қаршимда, ерда қалинлиги кафтимдай келадиган узун темир

ётибди, ундан бир қадам нарида яна шунақа бир темир чўзилиб кетган...

— Бўлмаса, бойиб кетибсан-да,— деди Опи-Куон,— чунки темир дунёда ҳамма нарсадан қиммат туради. Бу темирдан аллақанча пичноқ ясаса бўларди.

— Аммо бу темир меники эмасди-да.

— У топилган нарсайкан, қонун юзасидан топилган нарса ким топган бўлса ўшаники бўлиши керак.

— Йўқ, ундай эмас. Бу темирни оқ танли одамлар ётқизган. Бундан ташқари, бу темир шундай узунки, ҳеч қандай одам уни кўтариб кета олмайди — шундай узунки, ҳар қанча қарасам ҳам ҳеч охирини кўра олмадим.

— Нам-Бок, бу жуда кўп темирмасми?— деб огоҳлантиргандай бўлди Опи-Куон.

— Ҳа, кўз олдимда ётган бўлсаям, ўзим ҳам зўрға ишондим; лекин кўзларим мени алдамаётган эди. Тикилиб қараб турувдим, қулоғимга бирдан ғалати бир овоз эшитилди...— У шартта оқсоқолга бурилди.—Опи-Куон, ғазабланган денгиз арслони қандай ўкиришини биласанми? Денгизда қанча тўлқин бўлса, шунча денгиз арслонини кўз олдингга келтир, ана шу денгиз арслонлари бирлашиб битта арслон бўлди, деб фараз эт — мана шундай арслон ўкирса, мен эшитган овоздай бўларди.

Балиқчилар ҳайратдан қичқириб юбордилар, Опи-Куоннинг эса оғзи очилиб, жағи тушиб кетгандек осилиб турарди.

— Узоқда мингта китга тенг келадиган бир маҳлук кўринди. У бир кўзли бўлиб, оғзидан тутун чиқарар, қулоқни кар қўилгудек қаттиқ пишқиради. Кўрқувдан оёқларим қалтираб,

темирлар орасидаги сўқмоқдан югуриб кетдим. У махлуқ эса, шамолдек елиб яқинлашиб келарди, четга сакраб улгурмасимданоқ, ўзининг қанноқ нафасини юзимга пуркади.

Опи-Куон ўзига келди, жағи ўрнига тушиб:

— Кейин-чи? Кейин нима бўлди, э Нам-Бок?— деб сўради.

— Кейин у темир излардан юриб менга зарар етказмай, ёнимдан физиллаб ўтиб кетди; оёқларимни қалтираши тўхтаганда у кўздан ғойиб бўлган эди. У томонларда энг оддий нарса экан бу. Бу махлуқдан ҳатто аёллар билан болалар ҳам қўрқмас экан, уни ишлашга мажбур қилишаркан.

— Биз итларимизни ишлашга мажбур қилганимиздек-а?— деб сўради Кугах, кўзлари ишончсизлик билан чақнаб.

— Ҳа, худди биз итларимизни мажбур қилиб ишлатганимиздек.

— Бу махлуқлар қандай кўпаяркан?— деб сўради Опи-Куон қизиқиб.

— Улар ҳечам кўпаймайди да. Одамлар уни ўзлари ясаб, тош билан боқиб, сув билан суғоришаркан. Тошлил оловга айланаркан, сув—буғга, бу буғ эса унинг нафаси экан ва...

— Бўлди, бўлди, Нам-Бок,— деб гапини бўлди Опи-Куон.

— Бизга бошқа ажойиботлар ҳақида гапириб бер. Бундай тушуниб бўлмайдиган нарсаларни эшитишдан чарчадик.

— Тушунмаяпсизларми ҳали?— деб қичқирди Нам-Бок ғазабланиб.

— Йўқ, тушунмаяпмиз,— дейиши маъюслик билан эркаклар ҳам, аёллар ҳам.— Биз тушуна олмаймиз.

Нам-Бок, мураккаб машиналар ҳақида, ўзи ўриб, ўзи янчадиган, жонли одамларнинг суратини кўрсатадиган, одамга ўхшаб гапирадиган машиналар ҳақида ўйлади — унинг халқи буни ҳеч қачон тушуна олмаслигига ақли етди.

— Темир маҳлуқда мамлакатни айланиб чиққанимни гапириб берсам бўладими? — деб сўради у алам билан.

Опи-Куон ўз шубҳасини яширмай, қўлларини кериб қўйди.

— Гапиравер, гапиравер. Хоҳлаганингни гапир. Биз эшитамиз.

— Хўш, мен темир маҳлуқقا тушдим, бунинг учун пул тўладим...

— Уни тош билан боқадилар дединг·ку, ахир.

— Яна сенга айтганидим·ку, аҳмоқ, пул бу шундай нарсаки, уни етти ухлаб тушингда ҳам кўрмагансан.

Шундай қилиб, бу маҳлуқда бутун мамлакатни айланиб чиқдим, денгиз кўрфази ёнидаги катта қишлоққа келганимча кўпдан-кўп қишлоқлардан ўтдим. У ердаги уйларнинг томи осмондаги юлдузларга тегай-тегай деб турарди, уларнинг атрофида булутлар сузиб юрарди, ҳамма ёқ тутун. Бу қишлоқдаги шовқин-сурон шундай кучли эдикি, худди денгизда довул тургандагидек эди, халқ шундай кўп эдики, таёққа чизиқ йўнишни хаёлимдан чиқариб, уни улоқтириб юбордим.

— Агар майда чизиқ йўнганингда эди,— деди Кугах таъна билан,— бизга аниқ-аниқ қилиб айтиб берармидинг?

— Агар майда қилиб йўнганимда! — деб қичиқирди унга Нам-Бок ўзини йўқотиб,— Ку-

гах, әшит, сен одамниң қитиғига тегиши биласан, холос. Агар мен зифирдек қилиб йўнганимда, у таёққина эмас, балки йигирмата таёқ ҳам етмасди. Йўқ, тўлқин бирон кун қишлоғимиз билан қўшни қишлоқ орасидаги қирғоқни ходачаларга тўлдириб ташлаганда ҳам етмасди. Агар сизлар, аёллар ҳамда болалар бирга йигирма марта кўпроқ бўлганингизда ва агар ҳар қайсингизда йигирматадан қўл бўлиб, ҳар бир қўлингизда биттадан таёқ билан пичоқ бўлганда ҳам, барибир, мен кўрган одамларнинг ҳар бирига биттадан чизиқ йўниш мумкин эмасди — улар шунчалик кўп эди ва ёнимдан шунчалик тез ўтиб кетарди.

— Оламда бунча одам бўлиши мумкин эмас,— деб қаршилик билдириди Опи-Куон, чунки у бундай катта сонни миясига сиғди-ролмай эсанкираб қолганди.

— Бутун олам ҳақида нимани биласан ва унинг катталигини қаёқдан биласан? — деб сўради Нам-Бок.

— Бир жойда шунча одам бўлиши мумкин эмас-да, ахир.

— Сен кимсан ўзинг, нима бўлиши мумкин-у, нима бўлиши мумкинмаслигини ҳал қиладиганмисан?

— Ахир, бир жойда шунча одам бўлиши мумкин эмаслиги кўриниб турган гап-ку. Уларнинг қайиқлари бутун денгизни тўлдириб юбориб, ҳатто айланиб ҳам бўлмайди-ку, унда. Улар ҳар куни денгиздаги балиқларнинг ҳаммасини овлаганларида ҳам, барибир, ҳаммаларига етмаган бўлар эди.

— Кўринишда бу шундайку-я,— деб жавоб берди Нам-Бок суҳбатини тугатаётib,—

аммо лекин бу ҳақиқат-да. Буни ўз кўзларим билан кўрдим, шунинг учун ҳам таёфими улоқтириб юбордим.

У оғзини барада очиб ҳомузга тортди-да, ўриндан турди.

— Мен олисдан сузиб келдим. Уззу кун сузиб, чарчадим. Ҳозир ётиб ухлайман, эртага эса кўрганларим ҳақида яна гаплашамиз.

Бакс-Ва-Ван ўзининг ажойиб ўғли-ла фуруланиб ва шу билан бирга қўрқув эҳтироми остида каловлаб илгари юрди. У ўғлини ўз кулбасига олиб келиб, ёғи чиқиб кетган сассиқ пўстакка ётқизди. Эркаклар эса кенгаш ўтказмоқ учун гулхан ёнида қолдилар, бу кенгашда қанчадан-қанча шивирлашлар ҳамда оҳиста тортишувлар бўлди.

Бир соат ўтди, иккинчиси ҳам — Нам-Бок ҳамон ухларди, гулхан ёнида эса сухбат ҳали давом этмоқда. Кечки қуёш шимолга оғди ва соат ўн бирларда қоқ шимолга келиб қолди. Шу вақт оқсоқол билан суяқ йўнувчи кенгашни ташлаб келиб, Нам-Бокни уйғотдилар. У уйқусираб уларга бир қаради-ю, иккинчи сибошига ағдарилди. Аммо Опи-Куон унинг елкасидан тутиб у ўзига келмагунча, қаҳрланиб эмас, лекин, қаттиқ силкита бошлади.

— Қани, қани, Нам-Бок, тур! — деб буюрди у. — Вақт бўлди.

— Яна овқатми? — деб қичқирди Нам-Бок. — Кераги йўқ, қорним очгани йўқ. Ўзларинг еяверинглар, уйқумни бузманглар.

— Кетадиган вақтинг бўлди! — деб бақирди Кугах.

Бироқ Опи-Куон бундай кескин гапирмади.

— Ёшлигимизда иккаламиз бир байдарка-да сузардик,— деди у.— Биз биринчи марта бирга тюлень овлаганидик, сулаймонбалиқ-ларни тузоқдан бирга чиқариб олардик. Мени денгиз қамраб, қора қоялар остига торта-ётганда қутқариб қолган сенсан. Биз очлик ва совуқ азобини бирга тортиб, бир тери остида бир-биримизга сиқилишиб ётардик. Шуларнинг ҳаммаси учун, сен билан дўст бўлганим учун бунақа ёлғончи бўлиб қайтиб келганингга жуда ачинаман. Сен айтиб берган нарсалар бошимизни шундай айлантириб қўйдики, биз ҳеч нарсани тушунолмай қолдик. Бу яхши эмас, кенгашда ҳам анча гап бўлди. Биз, тушуниб бўлмайдиган нарсалар билан бошимизни гангитиб, ҳаловатимизни бузмаслигинг учун, сени кетсин деган қарорга келдик.

— Сен гапирган нарсалар — ҳаммаси арвоҳлар,— деб давом этди Қугах.— Сен уларни арвоҳлар дунёсидан олиб келдинг — уларни арвоҳлар дунёсига қайтаришиш керак. Байдарканг таша-такт, одамлар ҳам кутиб турибди. Улар сен кетмагунингча осойишта ухломайдилар.

‘Нам-Бок оқсоқолга паришонхотир тикилсада, аммо унинг сўзларини эътибор билан тингларди.

— Агар сен Нам-Бокнинг ўзи бўлсанг,— давом этди Опи-Қуон,—унда сен ажиб хавфли ёлғончисан; агар сен Нам-Бокнинг арвоҳи бўлсанг — унда сен тирик одамлар билиши керак бўлмаган, арвоҳларга хос гапларни айтдинг. Сен айтган катта қишлоқ, бизнинг фикримизча — арвоҳлар қишлоғи. У ерда ўлганларнинг руҳи айланиб юради; негаки, ўликлар

кўп, тириклар эса оз. Ўлганлар қайтиб келмайдилар. Бирорта ҳам ўлган одам шу вақтгача қайтиб келмаган, ўз ажойиб ҳикояларинг билан сен — биринчисисан. Ўлганларнинг қайтиб келиши мумкин эмас, агар биз бунга йўл қўйсак, катта кулфатга йўлиқишимиз мумкин.

Нам-Бок ўз халқини яхши биларди, кенгашнинг қарори бузилмаслигини ҳам тушударди. Шунинг учун ҳам қирғоқ томон итоаткорона юрди, у ерда уни ўз байдаркасига ўтқазиб, қўлига эшкак тутқиздилар. Қаердадир, дengiz устида ўз галасидан ажраб қолган ёввойи ғоз яккаю ёлғиз бўзларди, дengиз тўлқинлари шовиллаб қумга урилиб таралиб кетарди. Ер ва сув юзасини фира-шира қоронглий пардаси қоплай бошлади, шимолда шафақ қизариб, қуёшнинг қизғиши олов ранг нурлари сўниб бормоқда эди. Балиқчи қушлар паст учмоқда. Кучли, совуқ қирғоқ шамоли эсарди, осмонда тўпланаётган қоп-қора булутлар ҳавоничнг айнишидан дарак берарди.

—Денгиздан чиқиб келганидинг,— деди Опи-Куон афсун ўқиётгандек қироат билан,— яна дengизга қайтасан. Буюмлар мувозанати шундай тикланади ва ҳамма нарса ўз қонуний изига тушади

Баск-Ва-Ван оқсаб, кўпикланиб турган сув четига келди-да:

— Мени эслаганинг учун худо хайрингни берсин, Нам-Бок,— деб қичқирди.

Аммо Кугах байдаркани қирғоқдан итариб юборди-да, кампирнинг елкасидаги шолрўмолни юлқиб олиб, Нам-Бокка қараб улоқтирди.

— Узун қиш тунларида совқотаман,— ялингансимон ингради у,— совуқ шундай ҳам қартайган сүяк-саягимга ўтиб кетади.

— Бу нарса — арвоҳники,— деди йўнучи,— арвоҳ эса сени иситолмайди.

Нам-Бок овозим унга етсин деб ўрнидан турди.

— Э Баск-Ва-Ван, мени туққан она!— деб қичқирди у.— Нам-Бокнинг гапига қулоқ сол, у сени ўзи билан кетишингни истайди. У кетаётган жойида балиқ ҳам, ёғ ҳам жуда сероб. У ерга совуқ бормайди, турмуш ҳам енгил, темир буюмлар инсон учун хизмат қиласди. Юр, мен билан кет, э Баск-Ва-Ван!

Кампир бир он иккиланиб турди, бу вақтдә эса байдарка қирғоқдан тез узоқлашиб борарди; шунда у бор кучини тўплаб, баланд ва қаттиқроқ овоз билан:

— Мен қарнб қолдим, Нам-Бок, яқин орада арвоҳлар оламига кетаман. Аммо вақти соатим етмасдан бурунроқ кетишини истамайман. Мен қартайганиман, Нам-Бок, қўрқаман,— деб қичқирди.

Ним қоронги денгиз юзига бир лаҳза офтоб нури тушиб, қайиққа ҳам, одамга ҳам қизғиши олтинсимон жило бериб ўтди. Балиқчилар сукутга чўмди, фақат шамолнинг гувиллаши-ю, паст учайтган балиқчи қушларнинг чуғурлаши эшитиларди, холос.

## ЧАНДИҚ ЮЗЛИ КИШИ

Джекоб Кент умр бўйи очкўзлик касалига мубтало эди. Бу касаллик унда доим шубҳаланиш туйғусини кучайтириди ва унинг феълатори шунчалик бузилдики, у билан муомала қилиш жуда қийинлашиб қолди. Бунинг устига у қайсар ва фаросатсиз ва яна уйқуси-раш (ойпараст) касали ҳам бор эди.

Кент, лофи билан айтганда, атак-чечак қилиб юра бошлаганидан безгак касали уни дастгоҳдан ажратиб қўйгунича тўқувчи бўлиб ишлади. Кентнинг кулбаси Олтмишинчи Миль қоровулхонаси билан Стюарт дарёсининг қоқ ўртасидаги бир жойда эди, одатда Доусонга шу йўлдан қатновчи сайёҳлар Джекоб Кентни, ўз саройнда ўтириб олиб, ўз мулкига қарашли ташландиқ йўлдан ўтгандари учун карвонлардан бож оловчи қароқчи баронга ўхшатишарди. Бундай ўхшатишни ўйлаб топиш учун тарих илмидан унча-мунча хабардор бўлиш керак эди. Стюарт дарёси бўйидаги унчалик ўқимишли бўлмаган олтин изловчилар эса Кентни жуда жўн сўзлар билан таърифлардилар.

Кези келганды шуни айтиб ўтиш керакки, кулба мутлақо уники эмасди. Уни бундан бир неча йил бурун икки олтин изловчи солда ёғоч оқизиб келиб қурган эдилар. Бу олтин изловчилар жуда меҳмондүст эди, кулба бутунлай бўшаб қолганды ҳам, йўлни билувчи йўловчилар, одатда, қош қорайгунча бу ерга етиб олишга ошиқардилар. Бу жуда қулай жой бўлиб, қароргоҳ қуриш учун кетадиган вақт ва меҳнатдан кишини озод қиласди. Ҳатто шундай қоида ҳам бор эди, бунга асосан кулбада туновчи ҳар бир киши кейинги келадиган кишига бир қучоқ ўтин қолдириб кетарди. Бу жойда ўнлаб киши тунамаган кун камдан-кам бўларди. Буни пайқаган Джекоб Кент, кулбанинг эгасизлигини билиб, унга ўз-ўзича ўрнашиб олди. Ушандан бери чарчаган йўловчилар ерда ётиб, тунаб кетиш учун киши бошига бир доллардан ижара ҳақи тўлар эди. Джекоб Кент ўзига тўланадиган олтин қумларини ўзи тортиб қўрар, сўзсиз уриб қоларди. Бу ҳам озлик қилганидек, мусофирлар унга ўтин кесиб ва сув ташиб берардилар. Бу бориб турган қароқчилик эди, аммо Кентнинг қурбонлари беозор ва яхши кишилар бўлиб, уни кўрарга кўзлари йўқ бўлса-да, унинг ноҳақ ишлар қилиб ўзлари ҳисобига бойишига рахна солмасдилар.

Апрель кунларининг биринда Кент ўз кулбаси олдида, баҳор қуёшиннинг тонгги илиқ нурларидан роҳатланиб, ўз тўрига пашшаларни ўраб олишга тайёр турган ваҳший ўргимчакдек, йўлга тикилиб ўтиради. Пастда, қирғоқлар ўртасида икки миль кенгликда

ястаниб Юкон — ҳақиқиң муз денгизи ётарди. У шимол ва жанубга қулоч ёзиб, икки катта бурилиш ясаб олисларга чўзилиб кетганди. Унинг ғадир-будур бетидан чана йўли ўтган — қорга тушган торгина сўқмоқ эни бир ярим фут<sup>1</sup>, узунлиги эса икки минг миль келар эди. Бу йўлнинг ҳар бир фути, бутун христианлар оламидаги йўллар ва, ҳатто, унинг ташқарисидаги йўлларга қараганда ҳам кўпроқ қарғиш эшитганди.

Джекоб Кентнинг бугун кайфи жуда чоғ эди. Бу кеч унинг омади келди — ўз меҳмондўстлигини азза-базза йигирма саккиз кишига пуллаган эди. Албатта, яхши бўлмади, улардан тўрттаси унинг каравоти ёнгинасида эрталабгача ҳўриллаб чиқди. Аммо, олтин қумли қопнинг вазни ошаверди. Ярқираб турган сарғиш ранг қиммат баҳо бойлик солинган бу қопча унинг энг зўр қувончи, шу билан бирга Кентнинг ҳаётида зўр азоб ҳам эди. Чунки унинг торгина маконида осмон билан дўзах чатишиб кетган эди. Бир хонали кулбада, албатта, табиий, бегона кўздан бирор нарсани яшириш қийин, шу сабабдан талаб кетмасалар эди, деган ваҳима уни азоблар эди. Бу серсоқол каллакесарлар учун қопни ўмариб кетиш ҳеч гап эмас! Бойлигини ўғирлаб кетаётганлари доним Кентнинг тушига кирап, шу важдан босинқираб ўйғониб кетарди. У тушида шу воқиани тез-тез кўриб турганидан, қароқчиларнинг башараларини, айниқса, ўғрибошининг офтобда қорайған буғдой ранг, ўнг чаккасида чандиги бор афтини яхши эслаб қол-

<sup>1</sup> Фут — узунлик ўлчови — 30.5 см га тенг.

ғанди. Бу барваста унинг түшнга кўпроқ ки-  
рарди; Кент ундан қўрққанидан, эрталаб уйго-  
ниб, қопини бекитиш учун кулба ичи ва ташқа-  
рисидан бир нечалаб яшириқча жой қидириб  
топарди. У ўз бойлигини яшириб бўлгач енгил  
нафас оларди-да, бир неча кечада тинч ухларди,  
кейин тушида яна ўша Чандиқ юзли киши сир-  
ли қопни ўғирлаб кетаётгани устидан чиқиб  
қоларди. Ўғри билан курашнинг энг қизғин  
ерида уйғониб кетиб, Кент ўрнидан сакраб  
турас ва қопни янги жойга, янада панароқ  
ерга беркитарди. Уни бутунлай кўзига алла-  
нарсалар кўринадиган касал деб бўлмайди,  
албатта. Аммо у фалокатни олдиндан сезиш  
мумкин деган ақидага ишонарди; босқинчилар  
унга, шу вақтда қаердадір, бошқа бир жойда  
бўлиб, унинг бойлигига фикран қасд қилаёт-  
ган жонли, мавжуд одамларнинг кўланкалари  
бўлиб кўринарди. Шунга қарамай Джекоб  
Кент бошпана сўраб келганларни шилишини  
қўймасди, аммо унинг қопига тушаётган ҳар  
бир янги унция<sup>1</sup> олтин унинг яна ташвишини  
ортдирарди.

У кулбаси олдида офтобда исиниб ўтирган  
эди — бирдан кутилмаган ўй билан ирғиб ўр-  
нидан турди. Жамлаган олтин қумларини ҳа-  
деб тарозида қайта-қайта тортиш унинг учун  
зўр бир қувонч эди. Лекин бу қувончни бир  
нарса бузиб келар, шу вақтгача уни йўқотол-  
маган эди. Кентнинг тарозиси жуда кичкина  
эди; унда бир ярим фунт<sup>2</sup> дан ортиқ нарса тор-

<sup>1</sup> Инглиз ўлчов бирлиги — 29,8 гр.

<sup>2</sup> Фунт — 409,5 граммга тенг.

тиб бўлмас эди, унинг жамғармаси эса бундан таҳминан учу уч карра кўпроқ эди. Шу сабабдан ҳамма олтинни бирваракайнига тортиб бўлмасди, бу эса ўз бойлигини бутун борлиғи билан кўришдан маҳрум этаётгандек бўлар. Бусиз эса эгалик қувончи нисбий бўларди. Ҳа, қандайдир бир арзимас тўсиқ олтиннинг аҳамиятинигина эмас, балки олtingа бўлган эгаликнинг ҳам пасайтиришини Кент тушунарди. Ҳозир ҳам бу масалани қандай ҳал этиш фикри миясига келиб қолиб у сакраб ўрнидан турган эди.

У йўлни диққат билан кўздан кечириб, ҳеч ким йўқлигига ишонганидан сўнг кулба ичига кирди. Столдаги ҳамма нарсаларни бир зумда олиб ташлаб, унга тарозини қўйди, бир палласига ўн беш унция келадиган саккизта тошча қўйди-да, бошқа палласига олтин қум солиб посанги қилди. Кейин тошчалар ўрнига олтин солиб энди аниқ ўттиз унция қилиб бир паллага бўшатди-да, иккинчи паллага яна олтин солиб посанги қилди. Шу тарзда, барча олтинлар тарозига тушди. Ундан катта-катта тер томчилари қуйилар, ҳаяжонланганидан, суюнганидан қалтиради. Бу ҳол қопдан охирги заррасигача силкиб туширишига халал бермади. У посанги бузилиб, тарози паллаларидан бири столга тегиб қолмагунича қопни тарози устига силкитаверди. Уни яна бараварлаштириш учун иккинчи паллага унциянинг йигирмадан бирига тенг тошча билан беш дона олтин қум солди. У бошини орқага ташлаб, тарозига маҳлиё бўлиб тикилиб турарди. Қоп бўшаб қолди, энди у бу тарозида ҳар қанча олтинни, энг майдага заррачасидан тортиб жуда

күп фунтгача тортиш мумкінлігіни билди. Маммона<sup>1</sup> ўзининг ўткир тирноқларини Кентнинг юрагига санчди.

Ботаётган қуёш очиқ әшикдан нур сочиб, тарозидаги сарғиши бойликни ярқиратиб юборди. Қиммат баҳо уюmlар бронзадан ясалган Клеопатра<sup>2</sup>нинг олтинсимон күкраклариңек қуёш нурида жилолапарди. Замон ва макон тұхтаб қолгандек бўлди.

— Ўҳў! Агар олтиннингиз бир неча гинея чиқмаса худо урсин!

Джекоб Кент шартта бурилиб, айни вақтда қўлинни қўшогизига узатди. Аммо, номатлуб меҳмоннинг юзига кўзи тушиб, эсаңкираб орқага тисарилди. Бу Чандиқ юзли кишининг башараси эди!

Кириб келган киши унга ҳайратланиб қарди.

— Қўрқмасаңгиз-чи,— деди у тинчлантироқчи бўлиб қўл силкиб.— Мен ўзингизга ҳам, лаънати олтииингизга ҳам тегмайман.

— Тентак экансиз! Чинакам тентак!— деб қўшимча қилди у ўйланқираб, Кентнинг юзидан тер томчилари юмалаётгани ва тиззалари қалтираётганини кўриб.— Нега индамайсиз, оғзингизга сўк соволганмисиз?— деб давом этди у, Кент нафасини ростлаб олгунича.— Тилингиз танглайингизда қотганми? Ёки бир бало бўлганми?

— Қаерда сизни бундай қилишди?..— деди ахийри Кент, қалтираб турган бармоги билан меҳмоннинг чаккасини кесиб ўтган чандиққа ишора қилиб.

<sup>1</sup> Қадимги ерияликларда пул ҳудоси (баднафслык).

<sup>2</sup> Клеопатра — Мисрнинг сўнгги қироличаси.

— Буни денгизчи ўртоғим грот-бом-бромсел қозиғи (свая) билан юзимга тушириб қолган. Менинг чандиғим билан нима ишинギз бор, хүш, айтинг-чи? Сизга халал беряптыми? Балки, у сизга ўхшаган нозик кишиларнинг табиатига ўтирмас? Сизнинг-ку, афт-башарангиз келишган — шунга хурсанд бўлаверинг.

— Йўқ, йўқ,— деди Кент зўраки илжайиб, курсига тап этиб ўтиаркан.— Шунчаки қизиқдим...

— Бунақа чандиқни ҳеч кўрганимисиз?— деб ғазаб билан сўради у.

— Йўқ, кўрмаганман.

— Чиройли, а, тўғрими?!

— Тўғри, тўғри,— деб қувватлаган бўлиб бош силкиди Кент, ғалати меҳмоннинг кўнглини юмшатишга уриниб. Аммо хушмуомала бўлишга уриниши бунақа алғов-далғовга сабаб бўлади деб ўйламаганди.

— Эҳ, сен, сассиқ ўлимтик, сўлақмон! Сенингча, бундай қўрқинчли, бадбашара, худо урган юз — чиройлими? Буни нима деб тушунса бўлади, сен...

Шунда сержаҳл денгиз ўғлони етти ота-бобосигача болохонадор қилиб сўкди. У шундай ғазаб билан ҳақорат қилди, Джекоб Кент турган жойида қотиб қолди. У ҳурпайиб, ўзини зарбадан ҳимоя қилаётгандек қўлларини кўтарарди. Кўриниши шундай аянчли эдики, ҳатто Чандиқ юзли киши буни кўриб, ҳақоратдан тўхтаб, кишини кар қилгудек қаттиқ хохолаб юборди.

— Қуёш обдан йўлнинг мазасини қочириди,— деди у қаҳқаҳлаб туриб.— Вақтингни мендақа бадбашара одам улфатчилигига ўтказиш-

дан хурсанд бўларсан деб ўйлайман. Ўчоқقا ўтин қалавор-чи, мен итларни чанадан чиқариб, овқат бериб келай. Ўтингдан кўпроқ олиб кел, уялма, дўстим, ўрмонда истаганингча ўтин топилади, болтани сен ишлатмасанг ким ишлатади, ахир — бунга етарли вақтинг бор. Айтгандай, бир челяк сув ҳам олиб келиб қўй. Тезроқ қимиirlасангчи, бўлмаса, худо ҳақи, абжағингни чиқариб ташлайман.

Эшитилмаган гап! Джекоб Кент ўт қалаб, ўтин ёриб, сув келтирса ҳамда ўз меҳмонининг майда-чуйда ишларини бажарса...

Джим Кардиджи йўл устидаги бу кулба Шейлокининг ноҳақ ишлари ҳақидаги ҳикояларни Доусондалигигидаёқ эшиитганди. Бундан ташқари, Доусондан келаётганда йўлда ҳам бир қанча Кент қурбонларини учратди, улардан ҳар қайсиси унинг жиноят рўйхатига ўз шикоят ҳиссасини қўшарди. Джим ҳам ҳамма денгизчиларга ўхшаб, қалтис ҳазил қилишни яхши кўрарди, Кентнинг кулбасига келиб қолганидан кенин, кулба эгасини чўчитиб, «қамалга» олмоқчи бўлди. Бунга ўйлаганидан ҳам ортиқроқ эришгани очиқ-ойдин кўриниб турарди, аммо у чандифи қандай роль ўйнаганини пайқамаганди. Ҳар ҳолда, у Кентда вахима туғдираётганини кўрди ва қўлига бозори чаққон мол тушиб, кўпроқ фойда чиқариб олишга тиришадиган савдогардек, бундан тап тортмай фойдаланишга аҳд қилди.

— Агар абжир йигит бўлмасанг, кўзим чиқсин! — деди у ҳайратланиб, бошини елкасига букиб ва тиришиб ҳаракат қилаётган хўжайнини кўздан кечираркан.— Худои таоло пешоннингга қовоқхоначи бўлишни битган экан-у,

бекор олтин изловчилар орасида юрибсан-да! Бутун дарё ҳавзасида сенинг ҳақыннингда анча-мунча гапларни эшитгандим-у, аммо бундай эпчилигинг хәёлимга ҳам келмаганди.

Джекоб Кентнинг уни шартта отиб ташла-гуси келиб турарди-ю, аммо унга сеҳрли чан-диқ қаттиқ таъсир этган эди. Унинг рўпараси-да тирик Чандиқ юзли одамнинг ўзгинаси — доим хазинасини ўғирлаб кетаётган қароқчи, деб кўз олдига келтириб юрган кишининг ўзги-наси турарди. Мана у, унинг тушига кириб чи-қадиган, олтинларини ўғирлашга неча марта-лаб қасд қилган одам, туриш-турмуши билан худди ўшанинг ўзи! Бошқа ҳеч қанақа гап бў-лиши мумкин эмас! Чандиқ юзли кишининг руҳи эмас ўзи, унинг, Кентнинг бойлигини ўғирлагани келибди! Бу чандиқ-чи! Кент, юрак уришини тўхтатолмаганидек, ундан кўз узол-масди. Қанча уринмасин, барибир, магнит стрелкалари қутбга қандай бурилса, у ҳам беихтиёр денгизчининг юзига шундай тики-ларди.

— Нима, чандигим сенга халал беряпти-ми?— қичқирди бирдан Джим Кардиджи пол-га ўз кўрпасини ёяётиб, тасодифан юқори қа-раб Кентнинг жиддий боқиб турганини кўр-ди.— Агар сени шунчалик безовта қилаётган бўлса, яххиси, елканни йиғиб, яъни ўтни ўчи-риб ётиш керак.

Турган жойингда типирчилама, сенга би-ров гапирганида қулоқ солиб тур, сассиқ та-ка, бўлмаса, худо ҳақи, тумшуғингни пачақ-пачақ қилиб юбораман!

Кентнинг эси чиқиб кетганидан, шамни ўчираман деб уч марта пуллади. У шошилиб,

ҳатто мокасин<sup>1</sup>нин ечмай күрпа остига шүнғиб кетди.

Матрос ердаги қаттиқ түшагига ётди-ю, тезда маза қилиб хуррак ота бошлади, Кент эса ҳамон қоронғиilikка тикилиб ётар, бир құли биләп питрадониниң ғижимларди. У түп бүйін күз юмасликка аҳд қилди, чунки ўзининг беш фунт олтишини узоқроққа яшнролмади, шундайгина боши юқорисида — ўқ яшигіда ётарди.

У қанчалик тиришмасин, барибир, ахийри мудраб кетди, уйқусида ҳам олтилари тиңчилик бермади. У бундай безовталаниб тасоди-фай уйғониб қолмаганида, уни уйқусирап жиши чалмаган, Джим Кардиджи әрталаб бу сүлақмон биләп ўралашиб қолмаган бўлармиди.

Учоқдаги олов, бефойда олишувлардан кейин, охири сўнди, уй ёғочлари орасидаги пўпапак босган ёриқлардан эса совуқ кириб, кулбани совутиб юборди. Дераза остида штлар увлашдан тўхтаб, қорда ғужанак бўлиб уйқуга кетдилар. Уларининг тушларига жаннат кириб чиқди, у ерда хоҳлаганларича қури-тилган балиқ бўлиб, на ҳайдовчилар ва на қамчи бор. Мөҳмон кулбада кундадек қимирламаи ётарди, уй эгаси эса ваҳимали тушкўриб, босинқираб, тўлғаниб чиқди.

Қоқ ярим кечада у бирдан кўрпасини улоқтириб, каравотдан тушди. Шуниси қизиқки, кейинги ишларни ҳечам гугурт чақмай бажарди. Қоронғи бўлгани учунми ёки матрос юзидаги чандиқни кўришдан қўрққаниданми, ҳайтовур, кўзини очмай пайпаслаб, ўқ яшиги-

<sup>1</sup> Мокасин — оёқ кийими

нинг қопқоғини очди-да, милтиғи оғзидан, заррачасини ҳам ерга туширмай, питра солиб, сумба билан жойлади, кейин ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб, яна ётди.

Джекоб Кент сув ўтказмайдиган қофоз тутилган деразадан оч кўкимтири-кул ранг тонг мўралаши билан уйғонди. У тирсагига таяниб, ўқ яшиги қопқоғини очди-да, ичига қаради. У ерда нимани кўрган бўлса, аниқроғи нимани кўрмаган бўлса, асабийлигини ҳам қўшиб ҳисоблаганди, жуда қаттиқ таъсир қилди. У ухлаб ётган матросга қаради-да, яшик қопқоғини секингина ёпиб, орқасига ўғирилиб олди. Юзидағи бирорта ҳам мускул қўммир этмади, ҳаяжонланиш ёки эсанкираш изи ҳам сезилмади. Кент анчагача ўйлаб ётди, ўрнидан турганида эса шошмасдан, осойишта, совуққонлик билан тиқ этган овоз чиқармай ҳаракат қила бошлади.

Ухлаб ётган Джим Кардиджининг худди боши тепасида, шифтда тўсинга қоқилган ёғоч қозиқ чиқиб турарди. Джекоб Кент йўғонлиги ярим дюйм келадиган арқонин ўртасидан қозиққа илиб, икки учини пастга туширди. Бир учини белига ўради, иккинчи учини сиртмоқ қилиб боғлади. Кейин милтиқ тепкисини орқага тортиб, қўли етадиган қилиб, буғу терисидан қилинган тасмалар уюми ёнига қўйди. Ўзи чандиққа қўрқа-писа қараб, ухлаб ётган матроснинг бўйнига сиртмоқ солди-ю, бутун гавдаси билан орқага ташланиб уни тортди-да, шу он қуролини Джимга тўғрилади.

Джим Кардиджи нафаси бўғнилиб уйғонди ва унга қараб турган пўлат қўшофизга ҳайратланиб тикилиб қолди.

— Қани у? — деб сўради Кент, арқонни бир оз бўшатиб.

— Эҳ, сени, лаънати...

Кент яна орқага ташланди, арқон тортилиб Джимнинг томоғини қиса бошлади.

— Жин ургур... сассиқ... ххрр...

— Қани у? — яна сўради Кент.

— Нима? — деди Кардиджи, томоги арқондан сал бўшаши биланоқ.

— Олтин.

— Қанақа олтин? — Ҳеч нарса тушунмай сўради матрос.

— Жуда яхши биласан, қанақа бўларди: меники.

— Кўрганим йўқ, ахир. Нима, мен сенга пўлат сандиқманми? У билан нима ишим бор! Сенинг олтининг қаёқдалигини мен қаёқдан билай?

— Биласанми-билмайсанми, барибир, айтмагуningча сенга нафас ҳам олдирмайман. Ҳатто, бармоғингни қимирлатиб кўрчи, бирлаҳзада миянгдан отиб ташлайман.

— Е қудрати илоҳий! — деб хириллади Кардиджи арқон яна тортилганда.

Кент бир дақиқа арқонни бўшатган эди, матрос гўё бошини қимирлатаётгандай бўлиб, арқонни озгина тортиб, ияига олиб келишга ҳаракат қилди.

— Хўш? — деб сўради Кент, унинг бўйнига олишини кутиб.

Аммо Кардиджи илжайиб қўйди.

— Оссанг ос, лаънати қовоқхоначи!

Шунда иш, худди Джим кутганидек, кулгили тус олди. Кардиджи оғир бўлганлиги учун, у қанчалик уриниб ўзини орқага

ташламасин, қанчалик эгилиб-букилмасин, ба-  
рибир матросни жойидан силжитолмади.

Унинг ўлиб-қутулиб кучанишига қарамай,  
матроснинг оёғи, ҳатто ердан узилмади, эн-  
гагига келиб қолган арқон эса қўшимча та-  
янч эди.

Кент Джимни осиш қўлидан келмаслиги-  
ни кўриб, уни ё аста-секин бўғиб ўлдирман,  
ёки олтинни қаерга қўйганини айтишга маж-  
бур этаман деган ўй билан арқон тортишини  
қўймади. Бироқ Чандиқ юзли киши бўғилиб  
ўлишни ҳеч истамасди. Беш, ўн, ўн беш ми-  
нут ўтди — ахийри Кент ўз асирини умидсиз-  
лик билан ерга туширди.

— Нима ҳам дейман.— деди у, терини ар-  
тиб,— осилишни хоҳламассанг, унда отиб таш-  
лайман. Афтидан, баъзи бир кишиларга оси-  
либ ўлиш насиб бўлмас экан.

Кардиджи қандай бўлмасин вақтдан юти-  
ши зарур эди.

— Сен бу бўлмағур ишинг билан фақат  
уйнинг полини бузасан, холос,— деб гап бош-  
лади у.— Эшит, Кент, сенга айтадиган гапим  
бор. Кел, миямизни ишлатиб, бирга ўйлашиб  
кўрамиз. Сенинг олтин қумларинг йўқолибди.  
Сен унинг қаёқса йўқолганини мени билади  
деяпсан, мен сенга билмайман деяпман. Кел,  
муҳокама қилиб, нима қилиш кераклигини  
келишиб олайлик.

— Ё қудрати илоҳий!— деб унинг гапини  
бўлди Кент, истеҳзо билан мазақ қилиб.—  
Йўқ, бу уйда мен ҳаракат қиласман, сен эса  
кузатиб туришинг ва «муҳокама» қилишинг  
мумкин. Аммо қимиirlаб кўр-чи, илма-тешик  
қилиб ташлайман, худо ҳақи!

— Онам ҳақи...

— Агар сени севса, уни худо ярлақасин...  
Ҳа, ҳали шунақайкансан-да сен! — Кент матроснинг сал қимиirlаганини пайқаб милтиқнинг муздек оғзини унинг пешонасига қадади.— Қимиirlамай ёт! Сал қимиirlасанг — тамом бўласан...

Кент бармоғини милтиқ тепкисидан олмай туради, буни ҳисобга олмаганимизда ҳам, аҳвол жуда оғир эди, лекин Кент бир вақтлар бекорга тўқувчи бўлиб ишламаганди — ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ у матроснинг қўл-оёғини боғлади. Сўнг у Джимни кулбадан судраб чиқди-да, девор ёнига дарёни кўриб турадиган ва қуёшнинг тик кўтарилиб боришига қарай оладиган қилиб ётқизди.

— Чоштгоҳгача айтсанг-айтганинг, бўлмаса...

— Бўлмаса нима қиласан?..

— Кейин тўппа-тўғри дўзахга равона бўласан. Агар олтинларим қаердалигини айтсанг, бу ердан полиция отряди ўтгунича ушлаб турман.

— Э тангirim, ўзинг мадад бер, аҳвол чатоқ! Нима гап ўзи! Қўзичноқдек бегуноҳман-у, сен бўлсанг эсингни йўқотиб ҳеч нарсани тушунмайсан, яна менга, ҳеч нарсадан-ҳеч парса йўқ ништар уришни хоҳлайсан. Эҳ, сен, эски қароқчи! Эҳ сен...

Джим Кардилжи бу гал ўзи кутганидан ҳам ортиқроқ сўкиб, юрагини бўшатиб олди. Джекоб Кент яхшилаб ўтириб олиш учун кулбадан курсича олиб чиқди. Матрос бисотидаги бор сўзларини ишлатиб жим бўлди-да, чуқур ўйга толди, кўзлари эса bemавrid тез-

лик билан шарқдан күтарилиб келаётган қуёшга тұхтовсиз боқарди. Шу маҳалгача чанага қўшмаётганларидан ажабланған итлар унинг олдига югуриб келдилар. Хўжайнларининг ночор аҳволи уларни шубҳалантириб қўйди. Жониворлар унинг бошига ёмон кулфат тушганини сездилар-у, лекин қанақа кулфатлигини тушунмай, атрофида айланиб, унга ачиниб, ҳазин ингиллардилар.

— Йўқолинглар! — деб итларга қараб бақирди матрос, уларни ҳайдаб юборишга уринаркан,чувалчангдек буралиб. У қўққисдан ўзининг қандайдир бир жарлик ёқасида ти-пирчилаб ётганини сезиб қолди. У итлар нари кетишлири биланоқ бош қотира бошлади: кўзга кўринмаётган бу жарлик қанақа жарлик бўлдийкин-а? Кўп ўтмай тўғри хulosага келди. Одам табиатан ялқов, деб ўзича ўйларди Джим. У фақат ўзи учун энг зарур бўлган нарсанигина қиласди. Қулба қуриб, томига тупроқ солиши керак. Тупроқ эса, албатта, уйга яқин жойдан олинади. Афтидан у, Джим, Кентнинг кулбасини қурганларида тупроқ олинган ўранинг четида ётган бўлса керак. Бу ҳол, агар у фойдалана олса, унинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Джимнинг бутун фикри-ёди ўзи боғланган қайишда эди.

Унинг қўллари орқасига қилиб боғланган эди, остидаги қор эрий бошлади. Джим буғу терисидан қилинган қайиш нам бўлса осон чўзилишини биларди. Буни сездирмасликка тиришиб, қўлидаги қайишни чўза бошлади у.

Шу билан бирга у сўқмоқдан кўз узмасди, Олтмишинчи Миль томонда, олисда қалашиб ётган оппоқ муз тоғлари устида қора доғ бир

лаҳза кўзга чалинди, у хавотирланиб қуёшга қараб қўйди. Қуёш тиккага бориб қолганди.

Сўқмоқдаги қора доғ дам муз тоғлари тепасида пайдо бўлар, дам улар орасидаги пастликларда ғойиб бўларди. Бироқ, матрос, Кентда шубҳа туғилишидан чўчиб, у томонга ҳеч қаролмасди. Бир маҳал Кент ўрнидан туриб, дарёга диққат билан тикилган эди, Кардиджининг қўрққанидан эси чиқиб кетаёзи. Аммо шу дақиқада итлар қўшилган чана муз тоғлари орқасида елиб келаётганидан кўринмасди, шундай қилиб хавф ҳам йўқолди.

— Бу қилиғинг учун сени остираман,— деб даҳшат қилди Кардиджи, Кентининг эътиборини чалгитишга тиришиб.— Ва сен дўзахда куясан, бу сўзларим эсингда турсин!

— Қулоқ сол!— деб қичқирди у бир оздан сўнг яна.— Сен тушга ишонасанми?

Кент титраб кетди, Джим тўғри йўл тутаётганини англаб, давом этди:

— Сўзининг устидан чиқолмаганларининг кўзига ҳар нарса кўринади. Шунинг учун, тағин, мени қум соатни саккиз марта тўнтармасдан илгарироқ, яъни шундай демоқчиманки — соат ўн иккигача нариги дунёга жўнатишни хаёлингга ҳам келтирма, чунки, агар шунаقا қиласиган бўлсанг, ўлганимдан кейин ҳам олдингга келаман. Эшиятсанми, агар мени бир минут ёки бўлмаса бир секундгина олдинроқ ўлдирсанг, худо ҳақи, албатта қайтиб келаман!

Джекоб Кент, афтидан, иккиланиб туарди, аммо Джимга гап қўшмасди.

— Соатинг қанақа соат? У вақтни тўғри

күрсатаётганини қаёқдан биласан? Қайси узунликда жойлашгансиз бу ерда?— деб унга ёпишаверди матрос, жаллодидан бир неча ортиқча минутни юлиб олишга уриниб.

— Соатларинг қайсинг тұғриланган, Казарманикігами ёки Компания соатларигами? Эсингда бўлсин, агар занг ўн иккини ургунча ўлдирсанг, гўримда тикка тураман. Чин виж-доним билан сени огоҳлантириб айтаманки, қайтиб келаман. Агар соатинг нотўғри бўлса, қачон роса ўн икки бўлганини қаердан биласан?! Буни қандай биласан — мени мана нима қизиқтиради!

— Ташвиш тортма, сени нариги дунёга ўз вақтида жўнатаман,— жавоб берди Кент.— Менда қуёш соати бор.

— Бўлмайди! Стрелка ўттиз икки градус-гача четга оғиб кетиши мумкин.

— Ҳаммаси аппа-аниқ тұғриланган.

— Қандай қилиб тұғрилагансан? Компасга қарабми?

— Йўқ. Темир Қозиқ юлдузига қараб.

— Ростданми?

— Рост.

Кардиджи инグラб қўйди-да, дарёга яширинча кўз қирини ташлади. Чана бир милча наридаги тепаликдан ошмоқда эди, итлар сакраб-сакраб енгилгина югурадилар.

— Соя ҳали чизиқдан узоқдами?

Кент қадимий қуёш соатига яқинлашди.

— Уч дюймча нарида,— деди диққат билан текшириб чиққац.

— Мана бундай қил — сен, отмасингдан аввал: «Саккизинчисини тўнтардим», деб қичқир. Майлими?

Кент рози бўлди, бир он иккаласи ҳам жим қолди. Матрос қўлидаги қайишлар секин-секин чўзила борди. у тасмани панжасидан пастга, бармоқлари учига қараб суро бошлади.

— Ҳали чизиқдан олисдами?

— Бир дюйм қолди.

Матрос керагида настга сирпаниб тушиб кета олишига ишониш учун оҳиста қимирлаб қўйди, қайишнинг биринчи ўрамини қўлидан чиқарди.

— Қанча қолди?

— Ярим дюйм.

Шу пайт Кент қўшкорак ғичирлашини эшлитиб, ўгирилиб қаради. Чанада йўловчи чалқанча ётар, итлар жони борича кулбага қараб елиб келарди.

Кент шартта бурилиб, милтигини елкасига тиради.

— Ҳали саккиз марта бўлгани йўқ-ку!— деб қаршилик қилди Кардиджи.— Модомики, шундай экан, албатта қайтиб келаман!

Джекоб Кент бир лаҳза иккиланиб турди. У қуёш соати олдида, ўз қурбонидап ўн қадамча парида турарди. Чападаги киши кулба ёнида ғалати ҳодиса рўй берадётганини сезди шекилли, чўккалади, қамчиси эса жаҳл билан итлар устида ўйнай бошлади.

Соя чизиқ устига бориб қолди, Кент мўлжалга ола бошлади.

— Тайёрлан!— тантанали оҳангда буюрди у.— Саккиз мар...

Аммо у гапини тугатмасиданоқ. Кардиджи ўрага сирғаниб тушиб кетди.

Кент отмай, ўрага қараб югурди. Пақ!— матрос қаддини кўтараётган онда милтиқ

унинг юзига қараб отилди. Аммо нил оғзида тутун кўринмади, лекин милтиқ қўндоғи ёнида аланга кўтарилиди. Джекоб Кент ерга ағдарилди.

Итлар қирғоққа югуриб чиқиб, чанани унинг жасади устидан тортиб ўтдилар, йўловчи эса Джим Қардиджи қўлларини қайишдан бўшатиб ўрадан чиққан дақиқада чанадан сакраб тушган эди.

— Джим! — деб чақирди йўловчи уни таниб.— Нима гап ўзи?

— Нима гап дейсанми? Ҳеч нарса. Баъзан мен, шунчаки соғлиғимни мустаҳкамлаш учун шунақа машқлар қилиб турман. Нима бўлди? Эҳ, сен, лаънати овсар! Ҳозироқ ҳамма ёғимни ечиб қўй, бўлмаса нима бўлганини сенга кўрсатиб қўяман. Тезроқ бўл, бўлмаса каллангни пўла қилиб ташлайман.

— Уҳ! — хўрсиндн у, йўловчи ўзининг паккисини ишлата бошлагандаги.— Үзим ҳам бу ерда нима бўлганини билишни истардим. Балки сен буни тушунтириб берарсан, а?

Кентни тўнтариб қараганларида, у алақачон ўлган эди Унинг қадимий сумбали милтиғи ёнида ётарди. Нили бир ёқда; қўндоғи иккинчи ёқда ётарди, ўнг тепкиси ёнидан бир неча дюймча ёрилиб, пўлати орқасига қайрилиб кетганди. Матрос милтиқини қизиқиб қўлига олган эди, ёриқдан ярқироқ олтин қумлари шувиллаб тўкилди. Шунда Джим Қардиджи ҳаммасига тушунди-қўйди.

— Худо шу ернинг ўзида жонимни олсин! — деб қичқириб юборди у.— Ана томоша-ю, мана томоша! Унинг лаънати олтинлар! Менга ҳам лаънат, сенга ҳам!.. Қани, Чарли, чоп тезроқ, тогорани олиб чиқ бу ёққа!

## Г У Л Х А Н

Музлаб ётган Юкан орқали ўтган сўқмоқдан кетаётган йўловчи қалин арчазор оралаб шарққа олиб борадиган, аранг кўзга чалиниб турадиган ёлғиз оёқ йўлга бурилганида кун энди ёриша бошлаган эди. Ҳаво жуда бузуқ ва қаттиқ совуқ. Қиямалик тикка бўлганидан у тепага чиқиб, нафасини ростлаб олиш учун тўхтади, ўзининг заифлигини ўзидан пинҳон тутмоқчи бўлди-да, жиддий қиёфада соатига қаради. Соат стрелкалари тўққизни кўрсатиб турарди. Қуёш кўринмас, булутсиз тиниқ осмонда қуёшдан нишона ҳам йўқ эди, шунинг учун кун ёп-ёруғ бўлса ҳам, бутун атрофни, худди кундуз ёғдусини бир зум никоб қопландек, сезилар-сезилмас туман қоплаб тургандек эди. Аммо бу уни хавотирлантирмасди. У қуёш кўринмаслигига кўникиб қолган. Қуёш кўпдан бери кўринмасди, йўловчи бир неча кундан кейин жанубга томон йўналган иурафшон гардиш уфқдан бир қиё боқиб, шу ондаёқ кўздан ғойиб бўлишини биларди.

- Йўловчи елкалари оша келган томонига кўз ташлади. Юкон энига бир миль қулоч

ейган уч фут қалинликдаги муз остида ётарди. Муз усти эса яна шунча қалинликдаги қор қатлами билан қопланган. Муз тоғлари устида оппоқ қор қатлами түлкінсім он қатқат бўлиб мавжланарди. Шимол ва жанубга томон кўз илғар жойгача, ҳамма ёқ оппоқ; фақат ингичка қора чизиқ арчазорни айланиб ўтиб, илонизи бўлиб жануб томонга чўзилиб кетган, шимол томонга ҳам худди шунингдек илонизи бўлиб бориб бошқа бир арчазор қоплаган оролча орқасида кўздан ғойиб бўларди. Бу — жануб томонга, Чилкут довони, Дайи ва Шўр Сувгача беш юз миль ҳамда шимол томонга, Доусонгача етмиш миль, яна нари Нулато ва Беринг денгизи Сент-Майклигача минг миль чўзилиб борадиган, Юкон бўйлаб ўтган қорли сўқмоқ эди — бир ярим минг миль қорли йўл.

Аммо буларнинг ҳаммаси — сирли, поёни йўқ олисларга чўзилган қорли сўқмоқ, қуёшсиз тип-тиниқ осмон, қирчиллама совуқ, табиатнинг ажойиб ҳамда ваҳимали манзараси йўловчини чўчитмасди. Бу кўниги қолганидан эмас, албатта. У бу ерга яқинда келган, биринчи қишини ўтказяпти холос. Унинг, баҳтга қарши, тасаввур этиш қобиляти заиф эди, у ҳаётий ҳодисаларни сезгирлик билан кўра билар ва тез англаб оларди — аммо, фақат ҳодисаларнигина, уларнинг ички маъносини эмас. Эллик даража совуқ саксондан ортиқроқ совуқни англатарди. Бу фақат унга йўлда жуда совуқ бўлиши ва қийинчилик юз беринини англатарди, холос. У на ўзининг заиф томони, на, умуман, инсоннинг заиф томони, яъни тор доирадаги, чегараланган об-ҳаво ша-

роитида яшашга мослашиш заифлиги ҳақида ўйламасди ҳам, у бўлиши эҳтимол бўлган мангулик ҳақида ёки инсоннинг ер юзида тутган мавқен ҳақида хаёлига келтирмасди ҳам. Нолдан паст эллик даража қирчиллама совуқ бўлишидан далолат берарди, бундай совуқдан сақланиш учун қўлқоп, қулоқчин, мокасин ва қалин пайпоқ бўлиши керак. Нолдан паст эллик даража унинг учун шунчаки нолдан паст эллик даража эди, холос. Бу, ўйлаганимдан ортиқроқдир, деган фикр ҳеч қачон унинг хаёлига ҳам келмаганди.

У сўқмоққа қараб ўгирилиб, ўйчан ҳолда чиртиллатиб туфлади. Уни ҳайратда қолдириб тўсатдан қаттиқ чарс-чурс деган овоз эшитилди. У яна туфурди. Яна ҳали туфук қорга тушмасдан, ҳаводалигига ёқ чарс-чурс қилиб кетди. Йўловчи совуқ нолдан паст эллик даража бўлганда туфук қорга теккандан сўнггина чирсилашини биларди, аммо ҳозир эса у ҳаводалигига ёқ чирсиллаб кетди. Демак, совуқ янада зўрайибида; қанчалик зўрайган — билиш қийин. Бироқ, бунинг аҳамияти йўқ. Унинг йўл юришдан мақсади — ўртоқлари кутиб турган Гендерсон дарёсининг чап қўлтиғида жойлашган таниш жойга етиб боришdir. Улар у ерга Ҳинд дарёси қирғоқларидан келишган, у эса баҳорда ороллардан Юконда ёғоч оқизиш мумкин, мумкин эмаслигини билиш учун бу томондан айланиб бормоқчи бўлиб йўлга тушган эди. У қароргоҳга соат олтиларга етиб боради. Тўғри, унгача қоронғи тушиб қолади, аммо уни у ерда ўртоқлари, ёрқин ловиллаб турган гулхан ҳамда иссиқ овқат кутиб туради. Нонушталик эса шу ер-

да — у мўйнали курткаси барини дўппайтириб турган тугунчага қўл чўзди; ионуштани дастрўмлчасига ўраб, кўйлак остига тиқиб қўйган эди. Бўлмаса ион музлаб қоларди. У мазали ионушта тўгрисида роҳатланиб ўйлаб, ўзича кулиб қўйди: ион ўртасидан кесилиб, орасига тузланган чўчқа гўштининг қовурилган қалин бир бўлаги жойланганди.

У қалин арчазорга кирди. Сўқмоқ аранг билиниб турарди. Бу ердан кўпдан бери ҳеч ким юрмаган бўлса керак — футлаб қор уюлиб ётиди, у чанасиз бўлғанилигига суюнарди, рўмолчага ўралган ионуштадан бўлак ҳеч нарсаси бўлмагани учун жуда енгил юриб борарди. Кўн ўтмай у бурни ва ёноқлари совуқ қотиб бораётганини сезди. Ҳазилакам совуқ эмас, нима ҳам дердим, деб ўйлади у ажабланниб, қўлқопи билан юзини ишқаб, қалин мўйлови билан соқоли чаккалари ҳамда иягини совуқдан сақлаб турса-да, аммо мана ман деб совуққа қарши ҳаёсизларча бўртиб чиқиб турган кенг ёноғи катта бурини асрай олмасди, албатта.

Йўловчи орқасидан жайдарни зотдан бўлган баланд бўйли, кул ранг, на ташқи қиёфаси, на хулқ-атвори билан ўз биродарни ёввойи бўридан фарқи бўлмаган, чанага қўшиладиган ит эргашиб борарди. Изғирин жониворга азоб берарди. Ит бундай совуқда йўл юриш амри маҳоллигини биларди. Унинг ҳайвоний ҳисси унга ҳақиқатни инсон идрокига қараганда аниқроқ айтиб турарди. Совуқ эллик даражадан баландгина эмас, олтмишдан ҳам, етмишдан ҳам баланд эди. Роппа-роса нолдан қуйи ўттиз иккинчи даражада эканлигини эъти-

борга олганда, совуқ роппа-роса юз даражади. Ит ҳеч қандай термометр-пермометрни билмайды, албатта. Эҳтимол, унинг миясида, инсон миясида бўлган тушунча, яъни қаттиқ совуқ ҳақида аниқ тушунча йўқдир. Аммо итни ҳайвоний ҳисси огоҳлантиради. Уни хира, бироқ қаттиқ қўрқув ҳисси қамраб олганди; у йўловчи орқасидан қароргоҳга қайтади ёки бирон панароқ ерга киради-ю, гулхан ёқади, деб унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, бошини қўйи солиб фамгин борарди. Ит оловнинг нималигини билар, у оловни қўмсар, агар ўт бўлмаса — қор остига кириб, ғужанак бўлиб ўз ҳароратини сақлаши керак.

Нафасидан кўтаришган буғ итнинг жунига кристалл заррачалар каби ўтириб қоларди; бутун тумшуғи, то киприкларигача қалин қиров билан қопланганди. Йўловчининг малла соқоли музлаб қолган, аммо қиров билан қопланмай, балки ҳар нафас олганида қалинлашиб бораётган муз сумалакчалар билан қопланганди. Бунинг устига, у тамаки чайнар, шунда муздан ҳосил бўлган нўхта лабларини шундай қаттиқ тортардики, у, ҳатто туфуролмас, тамаки суви пастки лабидаёқ музлаб қоларди. Қалин ва каҳрабодек сап-сариқ музли соқол борган сари узайиб борарди, агар у йиқилгудек бўлса, соқоли, худди ойнадек чилчил бўлиб сочилиб кетармиди! Лекин бағбақасидаги бу посанги уни хижолат қилмасди. Бу ўлкада бунақа ўлпонни ҳамма тамаки чайновчилар ҳам тўлардилар, у эса бундай қаттиқ совуқда фақат икки мартагина йўл юрган эди. Тўғри, бугунгидек қаттиқ совуқда эмас, албатта, лекин ўшанди спиртли термометр

Олтмишинчи Милда биринчи гал эллик даражани, иккинчи гал — эллик беш иолдан паст даражани күрсатганди.

У бир неча милин ўрмон бўйлаб текисликдан босиб ўтди, кейин далани кесиб ўтиб, музлаган тор дарёга қараб тушиб кетди. Бу Гендерсон дарёчаси эди, шу ердан айрилишгача ўн милча қолганди. У соатига қаради. Ронпа-роса ўн. У соатига тўрт миль босарди, демак, ўн икки яримда айрилишга етади. У ўша ерга бориб бу ҳодисани нишонлашга аҳд қилди — тўхтаб дам олмоқчи, овқатланмоқчи бўлди.

Ит, йўловчи музлаган ўзандан одимлай бошлаганида, маъюсланиб думини қисиб, унинг кетидан итоаткорона сургалиб кетди. Афтидан, бир ой чамаси оқим бўйлаб на юқорига, на қуийга ҳеч ким ўтмаган кўринади. Йўловчи дадил олға қараб борарди. Унинг ўйлаб-пўйлаб ўтирадиган одати йўқ эди, ҳозир ҳам айрилишга етиб боришу овқатланиш, соат олтида қароргоҳда ўртоқлари орасида бўлишдан ўзга ўйлайдиган фикри ҳам йўқ эди. Гаплашадиган ҳеч ким йўқ, бўлганида ҳам, барибир музли нўхта солингган лабларини очолмасди. Шунинг учун ҳам у жимгина тамаки чайнашини қўймас, новвот ранг соқоли эса тобора ўсиб борарди.

Вақт ўтган сайин унинг миясига, совуқ жуда қаттиқ, шундай қаттиқки, бундайини ҳеч кўрмагандим, деган фикр келарди. Юриб бора туриб у қўлқопи билан бетини ва бурнини ишқарди. У буни беихтиёр дам у қўли билан, дам бу қўли билан қиласди. Аммо қўлинин туширди дегунча, шу заҳотиёқ юзи, бир неча секундлан

сўнг эса бурнининг учи музлай бошларди. У юзларини совуқ олишини сезиб, йўлга ҳозирланаркан, Бед тутиб олгандақа бурундиқ оливолмаганига афсусланарди. Бундай ўрайдиган нарса юзни ҳам совуқдан сақларди. Аслида бунинг унча аҳамияти йўқ. Хўш, юзини совуқ олса нима бўпти? Бир оз оғрийди-да, кейин йўқолиб кетади, бор гап шу; бундан ҳали ҳеч ким ўлгани йўқ.

Йўловчи ҳеч нарсани ўйламай бораётган бўлса ҳам ўзаннинг ҳар бир бурилиш жойини, ҳамма муюлишларини, оқизишга тайёрлаб қўйилган ёғоч уюмларини кўздан кечириб, ҳушёрлик билан йўлни кузатиб борар, синчковлик билан жой танлаб, қадам ташларди. Бир маҳал у бурилишдан ўта туриб, бир нарсадан ҳуркиб кетган асов отга ўхшаб, четга сапчиб кетди-да, айланиб ўтиб яна сўмоққа тушиб олди. У Гендерсон дарёчасининг энг тубигача музлаб қолганнии биларди—биронта ҳам дарё Арктика қишиига бардош беролмайди, аммо у тоғ ён бағирларидан бошланиб, қор ости билан дарё устидаги муз орасидан оқадиган чашмалар борлигини ҳам биларди. Энг қаҳратон совуқ ҳам бундай чашмалар олдида ожиз; буларда қандай хавф яшириниб ётишини ҳам биларди у. Булар тузоқнинг ўзгинасиdir. Қор остида бундай сувлар йиғилиб, чуқурлиги уч дюйм, ҳатто уч фут келадиган кўлчалар ҳосил қиласидилар. Баъзан бу кўлчалар юзини қалинлиги ярим дюйм келадиган муз қатлами қоплар, муз қатламини эса, ўз навбатида қор қопларди.

Баъзида муз қатлами устини сув босарди, агар йўловчи бота бошласа, борган сари,

аста-секин чуқурроқ бота боради, белигача ботиб кетиш ҳоллары ҳам бўлган.

Ана шунинг учун ҳам йўловчи хавфсираб четга сакради. У оёғи остидаги бети музлаган қорнинг чўкаётгани ва қор билан қопланган муз қатламининг қирсиллаганини эшитган эди. Бундай изғиринда оёқни ҳўл қилиш нохушликкина эмас, балки хавфли ҳамдир. Энг камида бир оз овора қилади, чунки мокасин ва пайпопингни қуритиш учун гулхан ёқишга тўғри келади. У дарё ўзани ҳамда унинг қирғонини кўздан кечириб, чашма ўнг томонда оқяпти, деган қарорга келди. У, юзи ва бурнини ишқалаб, бир оз ўйланиб турди-да, эҳтиётлик билан қор бетини оёғи билан босиб-босиб кўриб, чапроқдан юра бошлади. У хатарли жойлан ўтди-да, оғзига яна бир чимдим тамаки ташлаб, соатига тўрт миль тезлик билан йўлида давом этди. Шу яқин икки соат ичидаги у бундай тузоққа бир неча марта учради. У буни қор пардасининг устки кўринишидан сезарди: кўлчалар устидаги қор ғовак-ғовак бўлиб, худди шакарга ўхшаб қумоқ-қумоқ бўлиб турарди. Шундай бўлса ҳам бир гал ботиб кетишига сал қолди, иккинчи гал ҳса шубҳаланиб итни олдинда юришга мажбур этди. Ит юришни истамасди. У то йўловчи тепиб ҳайдамагунича орқага тисарилиб турди. Кейин у оппоқ қордан тез югуриб кетди, бирдан унинг олдинги оёқлари қорга ботиб кетди, типирчилаб-типирчилаб хавфсиз жойга ўтиб олди. Ҳўл панжалари шу заҳотиёқ муз билан қопланди. Ит тезлик билан панжаларини ялаб, ундаги муз парчаларини тушира бошлади, кейин қорга ётиб, тирноқлари орасидаги музни тишлай бошлади. У буни ўз ҳайво-

ний ҳиссига бўйсунган ҳолда қиларди. Агар тирноқлари орасидаги муз олиб ташлаимаса панжаси оғрийди. Ит буни тушуниб етмаса-да, шунчаки чуқур ҳиссиётидан чиқаётган сирли бир амрга бўйсунарди, холос. Аммо йўловчи буни биларди, чунки тажрибасида учратиб, ўзига хулоса чиқариб олганди, у ўнг қўлидаги қўлқопини ечди-да, муз парчаларини олиб ташлашда итга кўмаклашди. Унинг бармоқлари бир дақиқагина очиқ турди. шунда у қандай тезлик билан совқотаётганига ҳайрон қолди.

Ҳазилакам совуқ өмас, ҳеч нарса деёлмайсан, у апил-тапил қўлқопини кийиб, жон-жаҳди билан кўкрагига муштлай бошлади.

Соат ўн иккода кун жуда ёришиб кетди. Аммо қуёш ўзининг қишики йўлини давом этдириб, жанубга томон анча олислалиб кетган бўлса-да, уфқда кўринмасди. Ер шарининг гумбази қуёшни Гендерсон дарёчаси ўзанидан тушки беғубор осмон остида кўланкасиз бораётган йўловчидан яшириб турарди. Соат роппа-роса ўн икки яримда у дарё айрилишига етиб келди. У тез юриб бораётганидан хурсанд эди. Агар юришини секинлатмаса соат олтиларга ўртоқларига етиб олиши мумкин, албатта. У курткасининг тугмаларини ечди-да, қўйнига қўл суқиб, попуштасини олди. Бу иш ўн беш секунддан ошмаган бўлса-да, шунда ҳам қўллари совқотди. У қўлқопсиз очиқ қўллари билан оёқларига бир неча марта қаттиқ-қаттиқ уриб қўйди. Кейин қор қоплаган ходачага ўтириб, овқатланишга ҳозирланди. Аммо бармоқларининг оғриги бир зумда йўқолиб, уни чўчинтиб юборди. Нонин оғзига олиб боришга

улгурмасданоқ, яна тиззасига уриб-уриб қўйди, кейин қўлқопини кийиб, иккинчи қўлидагисини ечди. Шу қўлига нонин олиб, оғзига оборди-да, энди тишлайман деган эди, аммо тишлай олмади — музли нўхта халал берди. Қандай қиблиб у исиниш ҳамда ўтда музларини эртиш учун гулхан ёқиши зарурлигини эсидан чиқарибди. У ўз бемаънилигидан кулиб қўйди-ю, шу он бармоқлари совқотаётганини сезди. У ўтираётганида сирқираб оғриб турган оёқ бармоқлари энди оғримаётганини ҳам сезди. Оёқлари исиганиданми ё совуқ олганиданми, ҳайтовур оғриқ нимадан қолганини билолмади. У мокасини ичнда оёқ бармоқларини қимирлатиб кўриб, совуқ олмаган деган қарорга келди.

У кўнгли беҳузур бўлиб, дарров қўлқопини кийди-да, ходадан турди. Кейин оёқ бармоқларим исисин деб, қаттиқ-қаттиқ тепиниб у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Ҳазилакам совуқ эмас, ишмасини айтасиз, деб ўйларди у. Ӯлтингугурт сойиллик чол бу ернинг совуғи қандай бўлишини гапирганида алдамаган экан. У бўлса чолдан кулиб ўтирибди-я яна! Ҳеч вақт ўзишга ортиқча ишониш керак эмас. Ҳақ гаш ҳамма вақт ҳақ-да — ҳақиқатан совуқ жуда қаттиқ. У турган жойида ҳарорати кўтарилаётганига ишонгучица дам у оёгиши, дам бунисини кўтариб ташлар, қўлларини бир-бирига уради. Кейин гугурт чиқариб гулхан ёқа бошлади. Еқилғи оёғи остида эди — бутазорга баҳорги тошқин кўпгина шоҳ-шаббаларни оқизиб келиб уюб қўйганди. У гулхан яхши ёниб кетмагунча эҳтиётлик билан уни авайлади. Унинг юзини қоплаган муз эриб кетди, гулханда иси-

ниб, нонушта қилди. У совуқни бир озга бўлса ҳам алдаган эди. Ит, олов ёқилганига севиниб, аланга уни иситадиган, аммо куйдирмайдиган қилиб гулхан ёнига чўзилди.

Йўловчи овқатланиб бўлиб, трубкасига тамики солди-да, хотиржам чека бошлади. Сўнг қўлқопини кийди-да, қулоқчинпининг тасмасини маҳкамроқ боғлаб, дарёнинг чап тармоғи бўйлаб йўлга тушди. Ит бундан норози эди — унинг гулхандан узоқлашгуси келмасди. Бу одам совуқ нималигини рўй-рост билмас экан. Балки унинг бутун авлод-аждоди совуқ нималигини, бир юз етти даража совуқнинг нима эканлигини билмаган бўлсалар керак. Аммо ит, унинг бутун авлод-аждоди буни биларди, бу билимни улардан меросга олганди. У бундай қаҳратон изғиринда йўл юриш мушкул эканлигини биларди. Бунақа пайтларда қоростида, уяда ғужанак бўлиб ётиб, беспоён осмонни булат қоплагунича кутиш керак. Бироқ инсон билан ит орасида дўстлик йўқ эди. Ит, одамлар меҳнатидан фойдаланадиган қул бўлиб, унинг савалаши ҳамда қамчилашдан даррак берадиган бўғиқ, дағдағали овозидан бошқа эркалашни өшитмасди. Шунинг учун ит ўз шубҳаларини одам билан дардлашишини ўйламасди ҳам. У йўловчининг соғ-саломатлиги ҳақида ташвиш қилмай, ўз манфаатнин ўйлаб гулхан ёнидан жилгуси келмасди. Аммо йўловчи қамчини эслатувчи оҳангда ҳуштак чалди, шунда ит бурилиб унинг орқасидан эргашди.

Йўловчи оғзига яна тамаки солиб, янгидан новвот ранг соқол қўя бошлади. Унинг нафасидан мўйлови, қошу киприклари шу он қирор боғлай бошлади. Гендерсон дарёсининг чап

тармоғида тоғ чашмалари, афтидан, камроққа ўхшайдын, йўловчи ярим соат орасида хавотирли ҳеч қандай аломат учратгани йўқ.

Кейинроқ эса фалокат юз берди. Йўловчи ҳеч қандай хавф-хатардан бирон белги йўқ жойда, қор қатлами қалинга ўхшаб кўринган теп-текис ерда қорга ботиб кетди. Бу ер унчалик чуқур эмасди. У қорнинг қаттиқ устки қатламига чиқиб олгунча оёғи бўлдиригача ҳўл бўлди.

Бу фалокат унинг жаҳлини чиқариб юборди, у барала сўкиб қўйди. У соат олтида қароргоҳда ўртоқлари орасида бўлишга умид қилганди, энди эса бир соатча кечикади, чунки оёқ кийимини қуритиш учун гулхан ёқиши керак. Бундай совуқда бошқача илож йўқ — йўловчи ҳеч бўлмаганда, буни аниқ биларди. У баланд қирғоққа бурилди-да, унга тирмасиб чиқа бошлади. Ёш арчазорда, буталар орасидан яхши ёқилғи топилди — фақат новда, хивичларгина эмас, балки анчагина қуп-қуруқ шоҳ-шабба ҳамда ўтган йилги қуриб қолган ўтлар ҳам бор экан. У қор эриб, зўрға ёниб, яхши алангланмаган ўтни ўчинриб қўймасин деб, гулханга пишиқ замин ҳозирламоқчи бўлиб, қорга дастлаб йўғон-йўғон таёқчалар ташлади. Кейин чўнтағидан бир ўрам қайин пўстлоғини олиб, гугурт чертиб тутди. Пўстлоқ қофозга ўхшаб ловиллаб ёниб кетди. Уни йўғон шоҳлар устига қўйиб, оловга хашак ва қуп-қуруқ новдалардан ташлай бошлади.

У бошига тушган кулфатни тушуниб, эҳтиётлик билан секин ҳаракат қиласарди. Секин-секин, гулханинг ёнишига қараб, йўғонроқ шоҳчаларни қалай бошлади. У қорда чўнқайиб

ўтириб, бутазордан шох-шабба синдириб оларди-да, гулханга қаларди. У биринчи навбатда ўт ёқиши лозимлигини биларди. Термометр нолдан паст етмиш беш даражани кўрсатиб турганида киши, агар унинг оёқлари ҳўл бўлса, бир зум ҳам кечикмай гулхан ёқиши керак. Агар оёқлари қуп-қуруқ бўлса, ярим мплча у ёқ-бу ёққа югурса қон айланишини ўз йўлига тушириб юборишн мумкин. Аммо оёғинг ҳўл, совуқ қотаётган бўлса-ю, совуқ нолдан етмиш беш даражадан паст бўлса ҳеч қандай югурниш билан қон айланишини изига тушириб бўлмайди. Қанча тез югурма, ҳўл оёқларинг янада кўпроқ совқотади.

Йўловчи буни жуда яхши биларди. Олтин-гугурт сойилик чол бу тўғрида кузда гапириб берганди, у чол насиҳатининг қадрига энди етди. У оёғи борми-йўқми сезмасди. Гулхан ёқиш учун қўлқопини ечди, шу заҳотиёқ бармоқлари совқотди. Соатига тўрт миль тезлик билан юриш унинг юрагини баданининг устки қисмидаги қон томирларигача қон сиқиб чиқариб бериб туришга мажбур қиласарди. Аммо у юришдан тўхташи билан юракнинг ишлаш ҳаракати пасайди. Қутб совуғи ер шарининг ҳимоясиз нуқтасига ҳужум бошлади, йўловчи ана шу ҳимоясиз нуқтада бўлиб бутун зарби унинг ҳиссасига тушди. Томирларидаги қон бу зарбалардан ичкарироққа чекина борди. Қон жонли, худди ити каби жонли, у ҳам ит каби қаттиқ совуқдан қочишга, беркинишга интиларди. Йўловчи соатига тўрт миль тезликда юриб бораркан қон истаса-истамаса баданининг сўнгги нуқталаригача оқиб борарди, лекин ҳозир орқага қайтиб, унинг танасидаги

хилват жойларга яширипди. Қоннинг қочиб кетганини биринчи бўлиб қўл ва оёқ бармоқлари сезди. Ҳўл оёқлари тобора қаттиқроқ сирқирав, очиқ бармоқлари, ҳали уларни қимирлата олса ҳам, борган сари совқотарди. Бурун ва ёноклари жонсиз бўлиб қолди, қони қочган бутун бадани чумоли ўрмалаётгандек живирларди.

У соғ-саломат қолади. Оёқ бармоқлари, бурни, башарасини совуқ олади, холос, чунки гулхан тобора алангаланиб бормоқда. Энди у гулханга йўғонлиги бармоқдек шохчалар қалай бошлади. Яна бир оздан кейин йўғонлиги билакдек келадиган шохларни қалаш мумкин, шунда у ҳўл оёқ кийимини ечиб ташлаб, у қуригунича гулханда оёғини иситади, шундан сўнг, албатта, уларни қор билан ишқийди. Гулхан ловиллаб ёниб кетади. У соғ-саломат қолади. У Олтингугурт сойилик чолнинг насиҳатларини эслаб, жилмайиб қўйди. Чол агар совуқ эллик даражадан юқори бўлса, ҳеч ким ёлғиз ўзи Клондайка йўлига тушмаслиги керак, деб яхши уқтирган эди. Ҳўш, нима бўлибди? Оёги остидаги муз ёрилди, унинг бир ўзи бўлса ҳам, ҳар ҳолда қутулди-ку. Бу кўпни кўрган қариялар, ўзича ўйларди у, кўпинча хотинларга ўхшаб юраксиз бўладилар. Фақат, ақлингни йўқотмасанг бас, ҳамма иш жойида бўлади. Ҳақиқий эркак ўз ишини ҳар доим бир ўзи қойил қиласди. Аммо шуниси қизиқки, бет ва бурун жуда тезлик билан жонсиз бўлиб қоляпти. У қўллари панд беришини эса хаёлига ҳам келтирмаганди. У бармоқларида шохчаларни зўрға ушлар, уларни аранг қимирлатар, қўллари ўзиники эмасдек, танасининг ажрал-

мас бир қисми әмасдек туяларди. Бармоқла-  
ри шохга теккапида ҳақиқатан ҳам олдимми-  
йүқми деб, құлларига қараб қўярди. У билан  
бармоқлари ўртасидаги алоқа узил-  
ганди.

Аммо бунинг аҳамияти йўқ. Олдида гул-  
хан, у чирсиллаб, вишиллаб турибди, унинг  
ҳар бир рақс тушаётган тили ҳаёт ваъда қил-  
япти. У мокасинини еча бошлади. Мокасини  
музлаб қолган эди, қалин жун пайпоги,  
темир қиндек, болдирини сиқар, иплари эса,  
пўлат чивиқни ўтда куйдирниб, парчинлаб ту-  
гилганга ўхшарди. У бир он совуқдан жонсиз  
бўлиб қолган бармоқлари билан ипларни тор-  
тиб кўрди, кейин бунинг бефойда эканлигини  
тушуниб, пичогини олди.

Аммо у тугунчаларни кесиб улгурмасида-  
ноқ фалокат рўй берди. Бу унинг хатоси, тўғ-  
рироғи, унинг бепарволигидан эди. Арча таги-  
да чакн гулхан ёқсан экан, уни очиқ ерда  
ёқиш керак эди. Тўғри, бунда бутазордан нов-  
да синдириб олиб, тўппа-тўғри ўтга ташлаш  
қулай эди. Лекин у тагида ўтирган арчанинг  
шохларида анча-мунча қор тўпланиб қолган  
эди. Кўпдан бери шамол бўлмагани учун арча  
қир учигача қор билан қопланганди. Йўловчи  
ҳар гал бутасини тортиб новда синдирганида  
арча сал силкинарди — унинг учун унча сези-  
ларли бўлмаса ҳам, ҳалокат учун етарли дара-  
жада силкинарди. Юқоридаги шохлардан бири  
ўз қорли юкини тушириб юборди. Қор паст-  
роқдаги шохга келиб тушди-да, у ердаги қор-  
ни ўзи билан пастга олиб туша бошлади. Бу  
аҳвол то дарахтдаги бутун қор тўкилиб бўлма-  
гунича давом этди. Бу қор уюми бирдан йўлов-

чини ҳам, гулхани ҳам босиб тушди, гулхан ўчиб қолди! Ҳозиргина олов ёниб турган жойда энди янгигина юмшоқ қор қатлами ётарди.

Йўловчи жуда қўрқиб кетди. Ҳудди ўзининг ўлим ҳукмиси эшигаётгандаи бўлди. У қор босиб қолган гулхангага тикилиб бир дақиқа қимирамай ўтири. Кейин қўққисдан жуда хотиржам бўлиб қолди. Олтингугурт сойилик чол, ҳар ҳолда, ҳақ бўлса керак. Унинг ҳамроҳи бўлганда, бундай хатарли аҳволда қолмасмиди — ҳамроҳи гулхан ёқиб юборган бўларди. Ҳўш, демак, ўзи бошқатдан ишга киришмоги лозим, бу гал эса хато қилмаслиги керак.

У олов ёкишга муваффақ бўлганида ҳам, афтидан, бир неча оёқ бармоқларидан айрилиб қоладиганга ўхшайди. Оёқларини қаттиқ совуқ олган бўлса керак, янги гулхан эса тезда ёниб кетолмайди.

Хаёли шунақа фикрлар билан банд эди, аммо у бекорчиликдан бунга берилмаганди. Бу фикрлар хаёлидан ўтаркан, у жон-жаҳди билан ишларди. Бирорта ҳам хони арча ўчиrom майдиган очиқ жойда янги гулхангага замин ҳозирлади. Кейин ўтган йилги ўтларни ҳамда бутачаларининг қуриб қолгаиларини йиғди. Бармоқлари қимирамасди, шунинг учун шохчаларни алоҳида-алоҳида тортиб олмай, балки уларни уюми билан тўйларди. Чириниди билан яшил йўснининг бўлакчалари кўпроқ учарди, булар билан гулхан ёқиб бўлмасди, бироқ унинг бошқа чораси йўқ эди. У тартиб билан ҳаракат қиласарди, ҳатто гулхан ёниб кетгандан кейин қалайман деб, бир қучоқ йўғон шохларни ҳам тўплаб қўйди. Ит эса қорда ўтириб,

йўловчига маъюс тикплади, чунки у одам олов ёқиб беради, деб кутарди, оловдан эса ҳамон дарак йўқ.

Йўловчи ёқилғини тайёрлаб қўйди-да, қайни пўстлоғининг иккинчи бўлагини олмоқчи бўлиб чўнтағига қўл тиқди. У пўстлоқ чўнтағидалигини биларди, гарчи уни бармоқлари сезмаётган бўлса ҳам қўли тёкканда шитирлаганини эшитди. У ҳар қанча уринмасин, пўстлоқни бармоқлари билан ушлолмади. Шу билан бирга унга оёқларни борган сари кўпроқ совқотиб бораётгани ҳақидаги фикр азоб берарди. Ана шундан жуда ҳам қўрқди, аммо у бу хаёлни қувиб, ваҳимани енгди. Қўлқопини тишлари билан тортиб кийди-да, олдин ўтириб, сўнг тикка туриб жон-жаҳди билан қўлларини силкир, сонига қарсиллатиб урар, ит эса бўри нусха майнин думи билан олдинги оёқларини ўрабчирмаб, бўриники каби ўткир учли қулоқларини диккайтириб қорда ўтирас, йўловчига тикилиб қараб турарди. Йўловчи эса, қўлларини силкиб, кафти билан соиларига уриб, итнинг табиний, иссиққина ҳамда пишиқ уст-бошини кўриб ўзида жонноворга инсбатан ҳасад туғилиб бораётганини пайқади.

Бир оздан сўнг у бармоқлари учидагандак сезиш алматлари тикланашётганини ҳис қилди. Сезилар-сезилмас игна каби санчиб турган оғриқ кучая бориб, чидаб бўлмайдиган азобга айланди, бироқ йўловчи бундан севинди. У ўиг қўлидан қўлқопини ечиб ташлади-да, чўнтағидан пўстлоғини олди. Очиқ қўллари шу оннинг ўзидаёқ яна совқотди. Кейин бир боғ олтингуруп олди. Аммо совуқининг муздек иафаси унинг бармоқларига аллақачоноқ кишан ур-

ған эди. Ү бир дона гугуртни ажратиб оламан дегунича бутун бойлам қорга түшиб кетди. Уни олишга ҳаракат қылған эди, лекин ололмади. Музлаб қолған бармоқларн гугуртни на ушлагеңди, на пайпаслай олди. Ү шошмасликка тиришди. Музлаб қолған оёқлари, бетлари ҳамда бурни ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилиб, бутун дикқат-эътиборни гугуртга түпләди. Ү сезиш ўрнига кўзи нурларидан фойдаланиб, ўз қўлининг ҳаракатини кузатарди. Бармоқларни боғламиши ушлаганини кўриб, уларни сиқди — тўғрироғи, сиқмоқчи бўлди, бироқ алоқа узилиб, бармоқлари унга бўйсумай қўйди. Ү қўлқопини кийди-да, жаҳл билан сонига ура бошлади. Кейин икки қўли билан гугуртни қораралаш сидириб олиб, тиззасига қўйди. Аммо бу кифоя эмасди.

Анча-мунча уринишдан сўнг гугуртни кафтлари билан қисиб, оғзиға олиб борди. Ү ғайри нисоний кучаниш билан жагларини қисганида, муз майдаланиб қисирлаб кетди. Ү пастки лабини пастга тортиб, юқоргисини баландга кўтарди-да, гугуртни тишлари билан ажрата бошлади. Ниҳоят, буига эришди, гугурт донаси тиззасига тушди. Аммо бу ҳам кам эди. Ү тиззасидан гугуртни ололмади. Бир оздан кейин бунинг ҳам чораси топилди. Ү гугуртни тишлаб олиб, шимнга ишқай бошлади. Гугурт ёнгунича уни йигирма мартача сонига ишқади. Үт чиққанидан кейин эса, гугуртни ҳамон тишлаб туриб, қайнин пўстлогига яқинлаштириди. Аммо ёнаётган олтии гугуртнинг аччиқ дуди буруни катаклари ва ўпкасига уриб, энтикиб-энтикиб йўталди. Гугурт қорга тушдю ўчди.

Чол ҳақ экан, деб ўйлади у, ноумидликни

босиб: агар совуқ әллик даражадан ортиқ бўлса, икки киши бўлиб юриш керак экан. У яна қўлларини уриб-уриб қўйди, бироқ улар ўзига келмасди. Шунда у иккала қўлидаги қўлқопини тишлари билан ечди. Кафти билан гугурт боғламини олди. Совуқ олмаган билак мускуларига зўр бериб, гугуртни кафтида маҳкам қисди. Сўнг бутун боғламни шимиға ишқай бошлади. Бирдан ёрқин аланга кўтарилди — етмиш дона олтингугурт бараварига ёнди. Қатра шабада ҳам йўқ эди, шамол ўтни ўчириб қўяди деб хавотирланмаса ҳам бўларди. У томоқни бўғувчи тутун оғиз-бурнимга кирмасин деб, юзини четга буриб, ёниб турган боғламни қайнин пўстлоғига яқинлаштириди. Бирдан у ўнг қўли бармоқларига жон кираётганини сезди. Куйган гўшт ҳиди димоққа урди. У қаеридир, терисининг анча ости ачишаётганини сезди. Кейин бу ачиш кучли оғриққа айланди. Аммо у тишини-тишига қўйиб, беўхшов ёниб турган гугурт ўрамини пўстлоққа теккизарди; унинг қўлларини ўт қоплаганди. пўстлоқ эса ҳамон ёнмасди.

Ниҳоят, оғриқ чидаб бўлмас даражага етганида, у қўлларини ёзиб юборди. Ловиллаб ёнаётган боғлам вижиллаб қорга тушди, лекин шу пайт пўстлоқ ёниб кетган эди. У оловга қуруқ ўтлар ва ингичка хивичлар ташлай бошлади. Эқилғини саралаб ололмасди, чунки кафтлари билан ушлашга тўғри келарди. Хивичга ёпишиб қолган йўсин ёки чириндини кўриб қолса тишлари билан кемириб олиб ташларди. У оловни эҳтиёткорона, лекин қўполлик билан авайларди. Олов — бу ҳаёт, шунинг учун уни ўчириб қўймаслик керак. Этнинг устки қисми-

дан қон қочиши титроқ қўзғатди, натижада йўловчининг ҳаракатланиши борган сари қиёнлаша борди. Мана яшил қўсиннинг катта бир бўлаги аранг ёниб келаётган оловни босиб қолди. Йўловчи уни олиб ташламоқчи бўлган эди, аммо увишиб қолган қўллари қалтираб милтиллаб эндиғина ёниб келаётган гулханни титкилаб бузиб юборди: тутаб ёниб турган шоҳчалар ва ўтлар теварак-атрофга сочилиб кетди. Йўловчи уларни қайтадан йингмоқчи бўлди, аммо қанча уринмасин, қалтирашини босолмади, гулхан барбод бўла бошлади. Шоҳчалар тутаб, бирин-кетин сўна бошлади. Олов ёқиб берувчи ўз вазифасини бажаролмади. Йўловчи атрофга умидсизлик билан бепарво назар ташлаган эди, қаршисида, қолган-қутган гулханнинг нариги томонида, қорда ўтирган итга тасодифан кўзи тушди; у букчайиб, олдинги оёфининг дам унисини, дам бунисини кўтариб босиб бесаранжом типирчилар, унга ғамгин боқарди.

Итнинг кўзга чалиниши уни ножўя хаёлга олиб борди. У қорбўронда қолиб ҳўқизни ўлдириб нимталари орасига кириб жон сақлаган одам ҳақидаги ҳикояни эслади. У итни ўлдиради-да, қўлларини унинг иссиқ танасига тиқиб иситади, аслига келтиради. Шундан сўнг у янғидан гулхан ёқади. У итга сўз қотиб ёнига чақира бошлади; бироқ унинг овози заиф чиқарди, бу эса жониворни чўчитди, чунки йўловчи унга ҳеч қачон бундай товушда гапирмаган эди. Бир гап борга ўхшайди. Унинг туғма шубҳаланиш туйғуси хавф-хатарни сезишга ёрдам берди — бу қандай хавф эканини у билмасди, аммо онгининг қаериладир, чуқур ерида йўлов-

чидан хийлагина чўчиш ҳисси қўзғалди. Ит қулоқларини шалпайтириб, олдинги оёқларининг дам унисини, дам бунисини кўтариб босиб, янада бесаранжом типирчилар, лекин жойидан қимирламасди. Шунда йўловчи итга қараб эмаклаб кела бошлади. Бу уни янада чўчитиб юборди, у ҳавфсираб ўзини четга олди.

Йўловчи хотиржамлигини қўлдан бой бермай, қорга ўтири. Кейин қўлқонини тишлаб юқори тортида, ўрнидан турди. Ҳаммадан аввал у, оёқлари ҳақиқатан босиб турибдими-йўқми, шунга ишонч ҳосил қилмоқ учун пастга қараб қўйди, чунки совқотиб жонсиз бўлиб қолган оёқлари босиб турганлигини сезмасди. У ўрнидан туриши биланоқ, итнинг шубҳалари йўқолганди; йўловчи унга қамчини ёдга солувчи оҳангда амирона гапирганида эса, у одатдаги бурчини бажариб, унга яқинлашиб кела бошлади. Ит йўловчидан икки қадам нарида пайдо бўлиши биланоқ, уни ўзини тута билиш тарк этганди. У итга ташланди — қўллари ушлаёлмаётганини, бармоқлари букилмаётганини, тутолмаётганини кўриб чиндан ажабланди. Қўлларини совуқ олгани, улар борган сари жонсиз бўлиб бораётгани унинг ёдидан кўтарилиганди. Аммо, шу ондаёқ ит қочиб улгурмасидан, уни маҳкам қучоқлаб олди. Кейин уни ўзига тортиб қорга ўтири, жонивор эса вангиллаб, ириллаб юлқинарди.

Бироқ йўловчининг қўлидан келгани: қорда ўтириб, итни бағрига босишгина бўлди, холос. Итни ўлдиролмаслигини тушунди у. Бу мумкинмасди. Ўзининг жонсиз қўллари билан унга на пичоқ ура оларди ва на бўға оларди. У итни

қүчоғидан чиқариб юборди, ит думини қисиб, ҳамон вангиллаб қочарди. Йигирма қадамча нарига бориб тұхтади-да, қулоқларини диккайтириб қизиқсинаң унга тикилиб турди. У, күзлари билан ўз құлларини қидиради, тирсагидан билагига томон күз югуртириб уларни топди. Ажабо, ўз құлларингни топиш учун күзгә таянишга тұғри келса. У, ғазаб билан құлларини силкиб, сонига ура бошлади.

Беш минутчадан сүңг томирларидан қон тезроқ оқа бошлади-да, титроқ тұхтади. Аммо панжалари ҳану<sup>з</sup> ишламасди, улар худди билагига қадоқ тошчалар каби илиб қўйилгандек бўлиб туюларди — бу ҳиснинг қаердан пайдо бўлганини айтиб беролмасди у.

Унинг миясида ўлимнинг яқинлигидан далолат берувчи руҳан әзувчи хира ва тунд фикр туғилди. Лекин бу муаммо ваҳима бир лаҳзадаёқ хавфни англатадиган азоб берувчи тушунчага айланди: у оёқ ёки қўл бармоқларини совуқ олдирадими-йўқми, ҳатто оёқ-қўлидан айрилиб қоладими, гап бунда эмас — энди бу хаёт-мамот масаласи эди. Соғ қолишга умид қолмаганди. Уни ваҳимали қўрқинч қамраб олганди. У бурилиб, қор босган сўқмоқдан югуриб кетди. Ит унга эргашди. У ҳеч қандай ўйсиз, мақсадсиз, ҳеч қачон бошига тушмаган қўрқинч тазийки остида югуради. У қоқилиб-суқилиб, қорга ботиб, аста-секин яна атрофидаги нарсаларни: дарё қирғоқларини, оқизиши учун тайёрлаб қўйилган тоғ-тоғ ёғоч уюмларини, яп-яланғоч тоғтеракларни, боши устидаги кўк гумбазини бир-биридан ажрата ола бошлади. У югуришдан бир оз енгиллашди. Энди у совуқдан қалтирамасди. Балки, агар у ёғига

ҳам чопса оёқлари ўзига келиб қолар; балки, ҳатто у ўртоқлари уни кутиб турган қароргоҳгача югуриб бора олар. Албатта, оёқ ва қўл бармоқларининг бир нечтаси ҳамда юзларини совуқ олган, аммо ўртоқлари унга ғамхўрлик қилишар, қутқариб қолиш мумкин бўлганини қутқариб қолишар. Шу билан бир вақтда кўнгли унга, ўртоқлари олдига ҳеч қачон етиб боролмаслигини, қароргоҳнинг ҳаддан ташқари олислнггини, оёқлари жуда совқотиб қолганини ҳамда ўзининг тез орада самога учиши ва ҳракат қилолмаслигини айтиб туарди. Аммо у бу фикрнинг юзага қалқиб чиқишига йўл қўймай, унга ишонишдан бўйин товларди. Баъзан бу хаёл юзага отилиб чиқарди да, эътибор беришини талаб қиласарди, бироқ йўловчи уни қувиб, бутун вужуди билан бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга тиришарди.

Уни, умуман чопа олиши ажаблантиради, чунки оёқлари бутунлай караҳт бўлиб қолган эди, у оёқлари оғирлигини қандай кўтариб бораётганини, ерга қандай босаётганини сезмасди. Гавдаси ер юзасига тегмай, худди сузиб бораётгандек эди. У бир марта қанотли Меркурийнинг суратини кўрганди, балки, Меркурий ҳам ер юзасида сузиб юрганида худли шундай туйфу ҳис этган бўлса керак.

Унинг қароргоҳгача югуриб бориш режасида жиддий нуқсони бор эди — унда буни амалга ошира оладиган куч-қувват йўқ эди. У ҳадеб қоқилиб-туртинар, кейин оёқлари чалишиб кетарди, охири қорга йиқилиб қолди. У энди ўринидан туролмасди. Бир оз ўтириб, дам олишга, сўнг эса қадамлаб юришга аҳд қилди. У озгина дам олиб, нафасини ростлаб, анчагина иси-

ғанини сезди. Қалтираши босилғанди, ҳатто бутун бадани бўйлаб сархуш ҳарорат юргурган-дек бўлди. Аммо, бетлари ҳамда бурнига қўл теккизиб кўриб, улар ҳамон ҳеч нарса сезма-ётганини кўрди. Шунча юурса ҳам улар ўзига келмабди. Сўнgra унга, эҳтимол, баданимдаги совуқ олган жой борган сари кенгайиб бораёт-гандир, деган ўй азоб бера бошлади. У бу фикрни қувишга, хаёлидан чиқариб юборишга, бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга ҳаракат қи-ларди; бу фикр унда ваҳима туғдираётганини тушунарди, ваҳима васвасасига тушиб қолиш-дан чўчириди. Аммо бу фикр нари кетмас, то у ўзини бутунлай совқотиб қолган ҳолда кўрма-гунича миясини чўқилаб, саранг қиладигандек туюларди. Бунинг олдида у ожиз эди, у яна қорли сўқмоқдан телбаларча югуриб кетди. Кейин одимлай бошлади, аммо бутунлай муз-лаб қолиш ҳақидаги фикр уни таъқиб этиб борарди.

Ит эса ундан бир қадам ҳам орқада қолмай эргашиб борарди. У иккинчи марта йиқилга-нида ит унинг қаршисига ўтирди-да, думи билан олдинги оёқларини ўраб-чирмаб, эҳтиётко-rona диққат билан унга тикилиб турарди. У итнинг пишиқ ва иссиққина ўз териси ичиди ўтирганини кўриб, жаҳли чиқиб, то у қулоқла-рини пастга букиб, ундан кечирим сўрагандек бўлгунига қадар бўралаб сўкди.

Бу гал биринчи йиқилган пайтидагига қа-раганда тезроқ титроқ турди. Совуқ ундан ус-тин келди, ҳар томондан этига ёпирилиб кира бошлади. У ўзини туришга мажбур этди, лекин, юз футча югуриб бориб, гандираклаб кетди-да, бор бўйича гурсиллаб йиқилди. Бу ваҳима-

нинг сўнгги зўрайиш нуқтаси эди. У нафасини ростлаб, бир оз ўзига келиб, қорда ўтириди ва ўлимни кутиб олишга ҳозирлана бошлади. Аммо, бу ҳақда юқорида ифодаланганча ўйла-масди. У ўз-ўзига, боши узилган товуққа ўх-шаб югуришдан кўра ортиқроқ аҳмоқлик бўл-маса керак, дерди — негадир худди ана шу ўх-шатиш келди унинг миясига. Хўш, нима бўпти, башарти, барибир музлаб ўлишга маҳкум этил-ган экан, унда ўзини содиқ тутмоғи афзалроқ. Тўсатдан пайдо бўлган бу хотиржамлик билан бирга уйқуга чорловчи дастлабки нишоналар кўрина бошлади. Улгудек қотиб ухлаш ёмон эмас, деб ўйларди у. Худди наркоз олгандек. музлаб қолиш одамлар ўйлаганидек унчалик ваҳимали эмас. Бундан бешбадтар ўлим ҳам бўлади-ку, ахир.

У эртага ўртоқлари уни қандай аҳволда то-пишларини кўз олдига келтирди ва бирдан ўзи-ни-ўзи кўриб қолди: у ўртоқлари билан ўз жа-садини қидириб сўқмоқдан боряпти. Улар би-лан бирга йўл бурилишидан айланиб ўтиб, қор-да чўзилиб ётган ўз жасадини кўрди. У ўзига ўхшамай қолибди, ўртоқлари орасида туриб ўзининг чалқанча ётган жасадига қаарди. Со-вуқ эса ҳазилакам эмас, нимасини айтасиз! Мана Штатларга қайтиб борганимда, уйдаги-ларга ҳақиқий совуқ нима эканлигини гапириб бераман, деб ўйлади у. Кейин Олтингугурт сойилик чол кўзларига кўрингандек бўлди. У чолни яққол кўриб турарди, у олов ёнида иси-ниб ўтириб, оҳистагина трубка чекарди.

— Сен ҳақ экансан, отахон, мутлақо ҳақ,— деб шивирлади у, чолга мурожаат этиб.

Сўнгра у шундай ширин, шундай оромбахш

үйқуга кетдик, буидайни умр бўйи кўрмаганди. Ит қаршисида ўтириб, уни кутарди. Қисқа кунни узоқ, аста-секин тushiб келаётган оқшом ўз оғушига ола борди. Гулхандан дарак ҳам йўқ, бундан ташқари, одам қорда ўтириб, гулхан ёқмаслиги — бу учрамаган воқиалигини итнинг ҳаётий тажрибаси айтиб турарди. Қоронги қуюқлашиб борди, шунда ўтни қўмсашиб итни шундай куч билан қамрадини, у ғужанак бўлиб типирчилаб, оҳистагина увлаб юборди-ю, шу он жаҳл билан бақириладигай овозни кутиб, қулоқларини чимирди. Аммо йўловчи миқ этмасди. Кўп ўтмай ит сал қаттиқроқ улиди. Қейин, яна бир оз кутиб турди-да, йўловчига қараб судралиб бориб, ўлим шарпасини сезди. Ит ундан нари қочди, жунлари ҳурнайиб кетганди. У совуқ осмонда дўмбалоқ ошиб рақсга тушаётган юлдузларга қараб чўзиб-чўзиб увлаб борарди. Сўнг қорли сўқмоққа бурилиб, бошқа овқат ва олов берувчилари бўлган таниш қароргоҳ томон югуриб кетди.

## ОППОҚ СУҚУНАТ

— Кармен икки кунга ҳам чидамади.  
Мэзон бир бўлак музни тупуриб ташлади-  
да, шўрлик ҳайвонга маъюс боқди, сўнг итнинг  
панжасини оғзига элтди-да, яна унинг бармоқ-  
лари орасида парча-парча бўлиб қотган муз-  
ларни тиши билан олиб ташлай бошлади.

— Бунаقا оти улуғ итларни кўп кўрганман,  
ҳаммасиям ҳеч нарсага ярамайди,— деб ўз  
ишини тамомлади Мэзон ва итни нари итариб  
юборди.— Улар дарров заифлашиб, мана шу-  
наقا масъулиятли вазифани бажаришда охи-  
ри ҳалок бўладилар. Кашиар, Сиваш ёки Хас-  
ки деб аталадиган итларнинг бирон-бир ёмон  
томони борлигини кўрганмисан? Йўқ, сэр! Ма-  
на Шукумни қара. У...

Шу пайт нари кетган ит бирдан югуриб  
келиб Мэзонга ташланди, итнинг оппоқ тиш-  
лари унинг томоғига қадалиб қолишига сал  
қолди.

— Нима қилганинг бу, аҳмоқ?  
Қамчиннинг йўғон боши билан қулогининг  
остиға тушган зарбдан ит қорга ағанаб тушди.  
У бир сесканди, курак тишлари орасидан сап-  
сариқ сўлаклар оқиб тушди.

— Шукумни қара, деятган эдим,— деди Мэзон гапини давом этдириб.— У ҳақини қолдирадиганлардан эмас. Гаров ўйнайманки, ҳафтанинг охирида у Карменни еб қўяди.

— Мен гаров ўйнайманки,— деди Мэлмуд Кид қўлидаги ионни гулхон устида айлантириб илitarкан.— Шукумни манзилга етгуни мизча ўзимиз еб қўямиз. Бунга сен нима дейсан, Руфъ?

Ҳинд аёли қуйқуми чўксин деб кофега бир бўлак муз ташлади, кейин Мэлмут Кидга, эрига ва сўнгра итга бир қараб чиқди, лекин ҳеч нарса демади. Бу аниқ ҳақиқат бўлгани учун тасдиқ талаб этмас эди. Уларнинг шундан бошқа иложи қолмаган эди. Олдинда ҳали икки юз миль йўл юриш керак, атиги олти кунга етгулик озуқа қолган, итларга эса ҳеч нарса йўқ.

Икки овчи билан ҳинд аёли гулханга яқинроқ ўтиришиб, озгина овқатни ея бошладилар. Ҳозир кундузги дам олиш пайти бўлганидан итлар упряжкада ётишар, эгаларининг ҳар бир ютинишларига суқланиб-суқланиб қарашарди.

— Бугундан бошлаб эрталабки овқатлашини бас қилиш керак,— деди Мэлмут Кид.— Итлардан кўз узмаслик шарт. Улар бутунлай бегоналашиб, пайт пойлаб, ўзимизга ташлашишга ҳам тайёр туришибди.

— Мен бир вақтлар методик жамоанинг бошлиғи эдим ва якшанбалик мактабда дарс берар эдим.

Мэзоннинг бу билан нима демоқчи бўлганини шериклари тушунишмади. У буғ чиқиб турган ўз мокасинига қараб ширин хаёлга чўмди. Руфъ бир стакан кофе қўйиб унинг хаёлинини бўлди.

— Худога шукур, тахта чойимиз бор. Бу чойнинг Теннесида қандай ўсишини кўрганман. Эҳ, ҳозир иссиқ зогора нон бўлса, унга нималарни алмашмас эдим. Руфъ кўп хафа бўла-верма, тезда оч-наҳор юришдан ҳам қутула-сан, ўшанда мокасинни кийишнинг ҳам кера-ги бўлмай қолади.

Бу сўзларни эшитиб аёлнинг юзлари бир оз ёришди, унинг кўзларида бу оқ танли жанобга нисбатан меҳр ва муҳаббат нури порлади. Бу умрида биринчи марта учратгани, хотин-қизларни ҳайвон ёки сассиқ мол деб қарамай-диган оқ танли киши эди.

— Шунаقا, Руфъ,— деди гапини давом этдириб унинг эри чучук тилда. Улар бир-бирларини шундай тилдагина яхши тушунар эдилар.— Ҳадемай биз бу ердан чиқиб оламиз ва оқ танли одамнинг қайиғига тушиб, тўппатўғри Шўр Сувга қараб кетамиз. Тўғри, жуда ёмон ва тошқин сув—у катта бир тоғ тепасидан пастгача ҳайқириб, ўйноқилаб оқади. Эҳ, нақадар катта сув, унда жуда узоқ юрилади! Үн син, йигирма син, қирқ син юрасан,— тушунарли бўлсин деб у кунларни бармоқлари билан санай бошлади,— барибир, ўша ёмон сув... Сўнгра катта бир қишлоққа етамиз, бу ерда одам кўп, лекин ёз пайтларида пашшалари безор қиласди. Үн-йигирмата қарағайдан қилинган шундай баланд ўтовлар борки!.. Эҳ!

У сўз тополмай жимиб қолди, сўнг Мэлмут Кидга ёлборгансимон кўз ташлади, кейин йигирмата қарағайнини устма-уст тергандан қанчалик баланд бўлишини қўл ҳаракатлари билан чаққон кўрсата бошлади. Мэлмут Кид тиржайиб қўйди, лекин Руфнинг кўзлари ҳаяжон ва

бахт нурлари билан ёнарди. У эрим ҳазиллаш-япти деб ўйларди. Чунки бунақа мулойим гаплар унинг ожиз қалбини қувонтиради.

— Ундан кейин, қутига тушиб олиб, пифф этиб учиб кетамиз,— Мэзон ўз фикрини тушунтириш учун қўлидаги қуруқ кружкани ҳавога отиб юбориб, яна уни чаққонлик билан илиб олди-да, қичқириб юборди.— Мана бундай, пафф этиб қайтиб тушамиз. О, буюк шомонлар! Сен Юкон қўрғонига, мен Артнк-ситига бораман. Узун арғамчин олиб, сен бир томонидан мен бир томонидан ушлаймиз. «Алло, Руфь, қалайсан?» деб сўрайман. Сен эса: «Бу сенмисан, тентаккинам?» дейсан. Шунда мен: «Ҳа», дейман. Сен яна: «Нон ёполмаяпман, сода тамом бўлиб қолибди» дейсан. Мен яна: «Омборхонадаги уннинг остини бориб кўр. Хайр, яхши қол», дейман. Сен омборхонага бориб хоҳлаганингча сода оласан. Сен доим Юкон қўрғоннда, мен эса Арктика-ситида турраверамиз. Эҳ, шомонлар, мана шунақа бўладилар!

Бу ажойиб эртакни эшитиб, Руфь кулимсиради. Буни кўриб эркаклар роса қулишдилар. Бир-бири билан талаша бошлаган итларнинг.govur-ғувури узоқдаги ажойиб мамлакат ҳақида айтилаётган ҳикояни бўлиб қўйди. Эркаклар жанжалкашларни ажратиб қўйгунча аёл чананинг тасмаларини боғлаб қўйди: йўлга чиқиш учун ҳамма нарса тайёр эди.

— Олдинга, ҳа Сийқа бош! Олдинга, ҳа!

Мэзон қамчини чаққон шарақлатиб юборди, итлар шатак қайишларни тортиб аста-се-

кин олдинга силжий бошлашлари билан, чаналар қозиқлари билан сурила кетди. Руфъ ундан кейинги иккинчи упряжкада эди. Мэлмут Кид Руфнинг чанасига қўзғалиши учун ёрдамлашди-да, ўзи энг охирида йўлга тушди. У бир уришда ҳўқизни ағдарадиган кучли ва, ҳатто, қўпол бўлса ҳам бечора итларни кўп урмас ҳди, балки қўлидан келганча уларни аяр эди, ҳолбуки кўп йўловчиларда бундай хусусият камдан-кам эди. Баъзида у итларга раҳми келганидан йиғлаб юборай дерди.

— Ҳа, қани олдинга, оқсоқлар! — деди ғулдураб Кид оғир чанани жойидан қўзғатмоқ учун бир неча бор фойдасиз урингандан сўнг.

Охири сабр-тоқати эвазига итлар оғриқдан винғиллашиб, ўз шерикларига етиб олиш учун ғизиллаб кетдилар.

Гаплар тўхтади. Оғир йўл босиб ўтилаётганда бунақа ортиқча сўзлашишларга ўрин бўлмайди. Шимол томонларда юриш эса оғирроқ ва машаққатлироқ. Очилган йўлдан бир кун сабр қилиб, оҳ-воҳ қилмай юролган киши баҳтлидир.

Аммо йўл очишдан ҳам бадтарроқ тинкани қуритадиган иш борми ўзи? Ҳар қадамда чанғининг кенг тасмалари сийрилиб тушар, шунда тиззагача қорга ботади киши. Сўнгра оёғингни жуда эҳтиётлик билан тортиб олишинг керак, озгина бўлса ҳам четга тийғаниш хавфлидир. Чанғини юқорига кўтариб, яна бир қадам босишинг мумкин. Шунда иккинчи оёғингни ҳам камида ярим ярд кўтаришинг керак. Қимки, бу ишни биринчи марта қилаётган бўлса, гарчи унинг иши яхши бораётган, чанғилари бир-бирига ўралашиб қолмаётган ва ал-

Дамчи қорға ишониб оёқлари тойиб кетмаётган бўлса ҳам, барibir, юз қатор юргандан сўнг дармонсизланиб йиқилади. Кун бўйи итларнинг оёқлари остига бир марта ҳам тушмаган одам камол виждан ва зўр фахр билан ўз тўшагига чўзилиб дам олиши мумкин. Буюк йўлдан йингирма синча юрган кишига, ҳатто худонинг ҳам ҳаваси келади.

Кеч кирди ва йўловчилар оппоқ Сукунатга эҳтиром билан боқиб, одимлаб олдинга кетмоқдалар. Табиятда одамнинг ажали муқаррарлигина ўзига ишонтириб кўрсатадиган жуда кўп воситалар бор: чунончи, денгиз сувининг кўтарилиш ва пасайишнинг доимий алмашиниб туриши, қутурган бўронлар, ер қимирилаш фалокатлари, осмон момақалдириғининг қўрқинчли гўмбурлашларни; лекин ҳаммадан ҳам энг шафқатсизи ва ҳайбатлиси—бу Оппоқ Сукунатнинг тўла осойишталигидир. Шитир этган товуш ўқ, осмон сайқал берилган мисдек ярқираган, қиттак шивирлаш ҳам шовқиндеқ сезилади, бунда киши ҳадиксирайди, ҳатто ўз овозидан ўзи қўрқади. Шу ўлик оламнинг ялтираб турган шаффоғ бўшлиғида ҳаракат қилаётган тириклик оламниннинг ягона заррачаси ўз ҳаётини оддий бир қурт ҳаётидан устун эмаслигини тушунса ҳам, аммо ўз жасорати билан даҳшат солиб туради.

Ўз-ўзидан ғалати фикрлар туғилади, коинот сири ифодасини ахтаради. Шунда одамда ўлим олдида, худо олдида ва бутун олам олдида қўрқув пайдо бўлади, аммо бу қўрқув янгидан туғилишига ва ҳаётга умид, ўлмасликка интилиш — фони дунёда тутқинликда бўлган жисмимизнинг боқий дунёга

брзиқишини туғдиради, шунда одам худо билан яккама-якка қолади.

Шуидай қилиб, кеч кириб қолди. Дарё ўзани тик бурилишга етганды Мэзон ёидаб чиқмоқчи бўлиб упражжасини тор жойга бурди. Аммо итлар юқорига кўтарила олмадилар. Руфъ ва Мэлмут Кид орқасидан итаришганига қарамасдан чаналар пастга сийғаниб тушаверди. Яна бир карра жон куйдирив уриниб кўришди. Очликдан мадори қуриган шўрлик итлар чираниб ҳаракат қиласар эдилар. Баландроққа чиқишаверди, тобора баландроққа — мана чаналар энг баланд қирғоққа кўтарилишиди. Аммо етакчи упражжани ўнга буриб юборди, чаналар эса Мэзоннинг чангиларига келиб урилди. Ишнинг оқибати хунук бўлди. Мезоннинг оёғи шикастланди. Бир ит тасмаларга ўралиб йиқилиб тушди, чаналар упражжани судраб, тик қиялик бўйлаб пастга тушиб кетди.

Қамчин ҳавода шарақ-шарақ қилиб қолди, Мэзон итни савалаётган эди. Ҳаммадан ҳам йиқилган ит кўп калтак еди.

— Бас қил, Мэзон! — деди Мэлмут Кид итнинг ёнини олиб: — Бечоранинг ўзи ўлай деб турибди. Шошма, биз ҳозир менинг итларимни упражжангга қўшамиз.

Мэзон у гапириб бўлгунча тўхтаб турди, сўнг яна қулочини чўзиб-чўзиб юборди, узун қамчин гуноҳкор итни яна савалай кетди. Бу Кармен эди. У зорланиб вингиллади ва қорга юмалаб, ёни билан ётиб қолди.

Бу йўловчилар учун энг қийин ва оғир дамлар эди: ит ўляпти, икки дўст бир-бiri билан жанжаллашмоқда. Руфъ қийналиб дам

унисига, дам бунисига қарап эди. Аммо Мэл-  
мут Кид кўзларидан таъна қилаётгани сезилиб  
турса ҳам, ўзини босиб турди ва ит устига  
энгашиб қайишни кеса бошлади. Ҳеч ким бир  
оғиз гапирмади. Итларни упряжжаларга қўш-  
дилар ва яна тепаликка чиқиб олдилар. Чана-  
лар яна йўлга тушди. Кармен энг орқада зўрга  
судралиб борарди. Ит ўзи юролмай қолгунча  
уни ўлдирмайдилар, унда ҳаётга сўнгги умид  
қолади. Манзилгача бир бало қилиб бориш  
керак, сўнгра бир гап бўлар. Эҳтимол, шунда  
кишилар лес овлаб беришар.

Мэзон ўз қилмишидан пушаймон бўлса  
ҳам, аммо қайсарлигидан бунга иқрор бўлгу-  
си келмай олдинда борар, лекин босиб кела-  
ётган фалокатни сезмас эди. Улар қалин бута-  
зор оралаб пастликка тушдилар. Эллик фут-  
лар чамаси ён томонда эски қарағай силки-  
ниб тураг эди. У асрлар бўйи шу ерда тураг  
эди. Тақдир унга асрлар оша, эҳтимол, у билан  
бирга-бирга Мэзонга ҳам даҳшатли якун—  
кутилмаган фожиа тайёрлаётган эди.

Мэзон мокасинининг бўшашиб кетган тас-  
маларини боғлаш учун тўхтади. Чаналар ҳам  
тўхтади, итлар жимгина қорга чўзилдилар. Тे-  
варак-атроф даҳшатли сукунат ичида, қиров  
босган дарахтларнинг бирор шохи ҳам қимири  
этмайди. Совуқ ва сукунат табиат қалбини  
музлатиб, ҳалтироқ лабларини мўмиёлаб қўй-  
ган. Осмонда «ғийқ» этган товуш эшитилди.  
Аммо улар бу товушни сезмадилар, лекин кўп  
ўтмай бу осойишта бўшлиқ ичида бир нарса-  
нинг ҳаракатга келаётганини фаҳмладилар.  
Йилларнинг оғир юки, қор вазнидан эгилиб  
турган шу баҳайбат дарахт одамларнинг ҳаёт

фожиасида ўзининг охирғи ролдии бажараётган эди. Мэзон огоҳлантирувчи тарақа-туруқ товушини эшилди-ю, ён томонга сакраб ўтмоқчи бўлди, лекин улгуролмади, дарахт елкасидан босиб тушди.

Бехос хавф-хатар, тасодифий ўлим — Мэлмут Кид ҳар иккаласига ҳам тез-тез дуч келиб турар эди. Қарағайнинг игнасимон шохлари ҳали титраб турар, у аёлга нима қилиш кераклигини тушунтириди-да, ўзи ўртоғини қутқаришга киришди. Ҳинд аёли шунда ўзини йўқотиб қўймади ва унинг оқ танли опа-сингиллари қиладигандек кўз ёши қилиб ўтиrmади. У Мэлмут Киднинг биринчи сўзларини эшитиши билан ричаксимон ёғоч устига оғирлигини солиб ётиб олди, бу билан эри устидаги оғирликни анча енгиллатиб, унинг инграшига қулоқ солиб турди. Мэлмут Кид эса болта билан дарахтни кеса бошлади. Пўлат болта музлаб қолган дарахт танасига ўтмай жаранглаб акс садо берар ва бу садо ҳар сафар Мэлмут Киднинг чуқур, энтикиб нафас олишига қўшилиб кетар эди.

Охири Кид яқиндагина одам қиёфасида бўлган, энди эса мажақланиб кетган танани тортиб чиқариб, қорга ётқизиб қўйди. Ўртоғининг даҳшатли фожиаси ҳинд аёлнинг осоийшта юзида ғайри табиий акс этиб турарди. Ўнинг кўзларида ҳам умид, ҳам қайғу аломати бор эди. Кўп гапириб маслаҳатлашиб ўтирмадилар. Шимол кишилари ортиқча гап-сўзнинг фойдасизлигини, ҳаракат қилиш кераклигини жуда эрта тушунадилар. Ҳарорат олтмиш беш градус совуқ бўлганда кишини қор устида узоқ ётқизиб қўйиш мумкин эмас. Чананинг тасмаларини кесиб олиб, шўрлик Мэзонни пўс-

тинга ўрадилар ва остига шохлардан түшак ясадилар. Гуриллаб ёнган гулхан алангаси шу баҳтсиз ҳодисанинг рўй беришига сабабчи бўлган баҳайбат дараҳтгача етди. Гулханинг барча иссиғлиги беҳуда кетмай, Мэзонга уриб турсин деб унинг орқаси ва устига парусина лахтакларидан парда ясаб тўсиб қўйдилар. Бу тўсиқ иссиқликни қайтариб, пастга бериб турар эди, бунаقا усулни табиат физикасини ўрганувчилар яхши биладилар.

Кимки, ўлим тўшагида бир неча бор ётган бўлса, у шу ҳолат азобини яхши англайди. Мэзон оғир шикастланган эди—бу шундай қарашданоқ кўзга ташланарди. Ўнг қўли, қовурғаси ва умуртқа суяги синган, оёғи ишламай қолган эди. Эҳтимол, ички аъзолари ҳам зарарланган бўлса керак. Фақат аҳён-аҳёнда нолиб қўйишигина бечоранинг ҳали тириклигини кўрсатарди.

Унга умид боғлаш беҳуда, бошқа чора йўқ эди. Атрофни аста-секин тун пардаси ўраб ола бошлади. Кеч кирган сари Руфъ ўз халқига хос матонат ва сабр-тоқатни сақлаб тураверди. Мэлмут Қиднинг кумуш ранг юзида эса, яна бир неча ажиналар пайдо бўлди. Мезон ҳам улардан кам ташвиш тортмади — у ҳеч нарсани сезмаган ҳолда Фарбий Теннесида, Буюк Туманли тоғларда ўтган ўз болалигини эслаётган эди. У алаҳлаб, кўлларда чўмилғанларини, ёнут овлаганникларини, тарвуз ўғирлаб қочганларини эслар эди. Унинг алаҳлаб айтган сўзлари аллақачон унутилиб кетган жануб шевасида таъсирили бир куйдек жаранглар эди.

Руфъ бу гапларга тушунмас эди, аммо

Мэлмут Кид бу сўзларнинг ҳар бирига тушунар ва уларга ачинар эди. Бутун тараққиёт-меваларидан узоқ йиллар маҳрум бўлган кишигина мана шундай ачина оларди.

Эрталаб Мэзон ўзига келди. пиширлаб гапирайтган гапларини әшитиб олиш учун Мэлмут Кид унинг устига энгашди.

— Тананда қандай учрашганимиз эсингдами? Охирги муз кўчишига тўрт йил бўлиб қолди. Ўшанда мен уни унчалик яхши кўрмас эдим. Шунчаки, кўзимга иссиқ кўринарди, холос. Аста-секин қизиқиб, сўнг бутунлай боғланиб қолдим. У менинг ажойиб хотиним, қийин пайтларда менга мададкор эди. Бизнинг касбимизга келсак ўзинг биласан-ку, бошқасини қидириб топиш қийин. Эсингдами, сув бетига ёмғир каби ўқ ёғилиб турган бир пайтда у Музхорн бўйига қандай сузиб келиб, бизни қоядан тушириб олиб кетган эди. Нуклукайтдаги очарчилик пайтида-чи? У музларнинг устидан тезроқ бизга хат-хабар келтириш учун қандай шошилиб келар эди?.. Ҳа, Руфъ чиндан ҳам аввалги хотинимдан кўра анча яхши эди. Менинг олдин уйланганимни сен билмас эдингми? Сенга айтганим йўқми?.. Ҳа, уйланиб хотин-болали бўлишга бир уриниб кўрган эдим... Штатдаги уйимда, мана шунинг учун ҳам бу ёқларга келиб қолдим. Ахир бирга униб-ўсган эдик-да. Унинг талоқ хатини бериш учун борган эдим. У талоқ хатини олган.

Лекин Руфъ бўлса бутунлай бошқача. Мен шу ерда барча ишларимни битириб келаси йили... у билан бирга кетмоқчи эдим. Энди бу ҳақда гапиришнинг вақти ўтди. Кид, Руфни

орқага жўнатма. У кетишга анча қийналади. Фақат ўйлаб кўр: тўрт йилдан буён деярли лўя, бекон, нон ва қуруқ меваларимиз, ундан кейин эса, яна балиқ ҳамда буғу гўштимиздан баҳраманд бўлиб келяпти. Бизнинг ҳаётимизга кўнишиб, унинг яхшилигини билганидан сўнг, яна эски ҳаётга қайтиши қандай бўлади. У анча қийналиб қолади. Кид, унга ғамхўрлик қил, ҳолидан хабар олиб тур. Нега энди ўзинг уни... Ҳа, айтгандай, сен доим хотин-қизлардан ўзингни четга олиб юрасан. Шундай қилиб, мен барибир сенинг бу ёққа нима учун келганингни билолмадим. Унга раҳминг келсин, уни мумкин қадар тезроқ Штатга жўнат. Агар ўз ватанини соғиниб қолса, қайтишига ёрдам бер.

Фарзанд... У бизни янада яқинлаштирди, Кид. Ўғил бола бўлишига кўнглим тўқ. Кид, сен шуни сира унутмаки, унинг бутун жони-тани меники. Уни шу ерда қолдириб бўлмайди. Агар қиз бўлса-чи, йўқ, бўлиши мумкин эмас... Менинг пўстинларимни сот: унга беш минг сўм беришлари мумкин. Менинг Компаниямни ҳам ундан камига олмайдилар. Менинг барча ишларимни ўзингники билан бирга бажар. Ўйлайманки, бизнинг талабимиз ўзини оқлайди. Уни ўқитиб, яхши маълумотли қил. Кид, энг асосий у бу ёқларга қайтиб келмасин. Бу ер оқ танли одамларнинг жойи эмас.

Менинг энди бўлганим бўлди, Кид. Кўп бўлса яна икки ёки уч кечалик уйқу... Сизлар яна йўлни давом этдирасизлар. Сизлар яна илгарига қараб юришларинг керак! Унутма, у менинг хотиним, менинг ўғлим... Эҳ худо, фақат ўғил бўлсин-да! Менинг ёнимда кўп тур-

манглар. Тезроқ кетинглар, жон таслим қила-  
ётган кишининг сўзларини эшигинглар!

— Уч кун кутишимизга рухсат бер! — деб  
илтимос қилди Мэлмут Қид. — Эҳтимол, ахво-  
линг енгиллашар, ҳали нима бўлиши аниқ  
эмас-ку.

— Йўқ.

— Фақат уч кунга.

— Кетаверинглар, йўлдан қолманглар.

— Икки кунга.

— Бу менинг хотиним ва менинг ўғлим,  
Қид. Мендан сўрама.

— Бир кунга!

— Йўқ! Йўқ! Мен айтапман, кетинглар.

— Фақат бир кун! Озиқ-овқатни бир бало  
қилиб етказармиз, эҳтимол, мен лось отиб ке-  
ларман.

— Йўқ!.. Хўп, майли: Фақат бир кун, бир  
минут ҳам ортиқ эмас ва яна... Қид, ёлғиз ўли-  
шимга қўйнб кетма. Фақат бир ўқ узиш, фақат  
бир марта тепкини босиш. Тушундингми? Шу-  
ни эсингда тут! Бутун жони-тани билан менинг  
ӯғлим, мен эса уни кўролмайман. Руфни бу  
ёққа чақир. Мен у билан видолашмоқчиман...  
Ўғли ҳақида ўйлашини, менинг ўлишимни ку-  
тиб ўтирмаслигини тушунтираман. Агар мен  
ўлмай турсам, у албатта кетмайман деб кўра-  
ди. Хайр, дўстим, хайр! Қид, тўхта... Яна тепа-  
роқни қазиш керак. Мен у ерлардан ҳар са-  
фар қирқ центча тозалаб олар эдим. Қид, яна  
бир гапни айтмоқчи эдим.

Ғуруридан тушган, ўз хатосига иқрор бўл-  
ган кишининг ўлим олдидаги энг охирги, зўр-  
га эшигиладиган сўзларини тинглаш учун  
Қид унинг устига яна пастроқ энгашди.

— Мени кечир... Нима учун эканини биласанми? Қармен учун...

Мэлмут Кид пиқиллаб йиғлаётган аёлни эри олдида қолдирди-да, ўзи паркасини елкасига ташлади, чанғисини кийди ва милтиғини қўлига олиб ўрмон ичига кириб кетди. У даҳшатли Шимол ҳодисалари билан курашишда тажрибасиз эмас эди, лекин унинг олдида ҳеч қачон ҳозиргидек қийин вазифа турмаган эди. Агар умумий хулоса чиқарса, бу оддий арифметикага ўхшарди — яъни уч ҳаёт ўлимга маҳкум этилган битта ҳаётга қарама-қарши турибди. Лекин Мэлмут Кид иккиланарди. У Мэзон билан беш йил дўстлик юкини бирга кўтарди. Дарёлар ва йўлларда ўтган саргузаштларда, манзиллар ва изланишларда, ов, очарчилик ва сув тошқинларида, ўлимга юзма-юз келган пайтларда улар доимо ёнма-ён эдилар. Уларнинг дўстлиги шунча мустаҳкам эдики, ҳатто уларнинг ораларига келиб қўшилган биринчи кунданоқ, Руфдан тез-тез қандайдир ғайри-табиий рашк қила бошлаган эди. Энди эса мана шу алоқани ўз қўли билан узиши керак бўлиб қолди.

У осмонга қараб, ҳеч бўлмаса бирорта лось юборишини сўраб худога нола қилди. Лекин барча ёввойи қушлар аллақачон бу ерлардан кетиб қолган эди. У кечга яқин ҳолдан кетиб, бўш қўл билан хафа бўлиб қайтди. Итларнинг қаттиқ вовиллашлари, Руфнинг чинқириб бақиришларини эшитиб, у қадамини яна тезлатди.

Мэлмут Кид манзилга етиб келиб, ҳинд аёли ўзини ўраб олган итлар галасини болта билан ураётганини кўрди. Итлар ўз эгаларининг

қонунларини бузиб, озиқ-овқат запасига ҳужум қилган эдилар. Кид ҳам Руфга қўшилиб, итларни милтиқ қўндоғи билан савалай бошлади. Табиий танланишнинг қадимий фожиаси ўз шафқатсизлнгни кўрсатаётган эди. Милтиқ билан болта дам мўлжалга тегиб, дам тегмай, бир меёрда кўтарилиб тушар эди: эт парчалари у ёқдан-бу ёққа учар, кўзлар ёввойиларча чақнар эди, тиржайган тумшуқлардан сўлаклар оқар эди. Одам билан ҳайвон устунлик учун ғазабланиб олишмоқда эди. Мажақланган итлар, яраларини ялашиб, юлдузлардан шафқат сўраб, вовиллаша-вовиллаша эмаклаб гулхандан узоқлашдилар.

Қуритилган балиқларнинг ҳаммаси хароб бўлган, қолган икки юздан ортиқроқ мил йўл учун фақат беш фунт ун қолган эди. Руфъ эрининг олдига қайтиб келди. Мэлмут Кид эса болта тегиб бош суяги сингаи бир итни терисидан ажратиб, ҳали қони қочмаган гўшtlарни майдаларди. Майдаланган гўшtlарни бир жойга яшириб қўйди, териси ва лаш-лушларни ҳозиргина сўйилган итнинг шерикларига ташлади.

Эрталаб яна янги ташвишлар ортди. Итлар яна олиша бошладилар. Ҳамма итлар ҳали ҳам тирик бўлган Карменга ташландилар. Улар устига қамчин тушаверди. Улар қамчи зарбидан қорга йиқилиб тушар, лекин яна туриб ҳужум қилишар эди. Итлар Кармендан на суяқ, на тери, на жун — хуллас ҳеч бир нишона қолмандан сўнггина ҳар ёққа тарқалишдилар.

Мэлмут Кид Мэзоннинг алаҳсирашларига қулоқ солиб туриб, ўйлаган ишини бошлаб юборди. Мэзон яна Теннесида ёшлигидаги

дүстларн билан қызғын тортышувларни эслаб ётар эди.

Қарағайлар бир-бирига жуда яқин турарди. Мэлмут Кид чаққонлик билан ҳаракат қила бошлади. Овчиларнинг ўқ-дориларини итлардан, росомахалардан яшириб қўядиган овлоқ жойига ўхшаш бир нарса ясаётган Мэлмут Кидни Руфъ кузатнб турди. Кид икки ёш қарағайнинг шохларини ерга қадар эгди-да, уларни буғу терисидан қилинган қайиш билан боғлади. Сўнгра итларни қамчи билан ура-ура бўйсундирди ва уларни чаналарга қўшди. Мэзон ўраб қўйилган теридан бошқа ҳамма нарсани чанага ортди. У Мэзонни тасма билан ўраб, тасманинг бир учини эгиб қўйилган қарағай учига боғлади. Овчилик пичоғини тортуб юбориш билан қарағайлар танани ҳавога муаллақ қилиб кўтаришлари керак эди.

Руфъ бош эгиб, эрининг охирги гапларини тинглади. Бечорани итоаткорликка ўргатмасалар бўлар экан. Ҳали қиз болалигига ёқ у ўз қабиласнинг бошқа хотин-қизлари билан бирга ўз маҳалласидаги жаноб олдида, яъни бир оғиз сўзини ҳам қайтариш мумкин бўлмаган эркак олдида таъзим қилиб бош эгарди. Руфъ эрини ўпаётган (унинг халқи бунақа одатин билмаса ҳам) пайтда Мэлмут Кид унга қаршилик қилмай турди. Сўнг уни олдинги чана томон олиб борди-да, чанғисини кийишга ёрдамлашди. Руфъ кўр бўлиб қолгандек беихтиёр пийпаслаб арқонни ва қамчинни олди ҳамда итларга энгашганича юриб кетди. Кейин Кид беҳуш бўлиб ётган Мэзон олдига келди ва Руфъ кўзга кўрнімай кетғандан сўнг, ўз дўстининг ўлимини кутиб ва бу ўлимнинг тезроқ

келишини тилаб гулхан олдида узоқ ўтирди.

Қайғу-ғам билан Оппоқ Сукунат ичидә ёлғыз қолиш осон эмас. Сукунат ғира-шираси раҳмдил, гүё у кишини ўз пардаси билан ўраб олиб уни ҳимоя қилаётгандек, унга қайғираётгандек кўринчади. Лекин кул ранг осмон остидаги Оппоқ Сукунатнинг тиниқ тозалиги ва совуғи шафқатсиздир.

Бир соат ўтди, икки соат ўтди, лекин Мэзон барибир жон таслим қилавермади. Тушга яқин, қуёш уфқ орқасидан кўринмасдан, осмонга бир оз қизғиш нурларини сочди-да, лекин тездан сўнди. Мэлмут Кид ўрнидан турди, атрофга аланглади ва Мэзон олдига боришга қарор қилди. Оппоқ Сукунат гүё ундан кулаётгандек бўлди, уни қўрқув босди. Бир ўқ товуши эши-тилди. Қарағайлар Мэзонни ўз ҳаво қабрига кўтардилар. Мэлмут Кид эса итларни қамчи-лаб, бепоён қор саҳроси бўйлаб, жон-жаҳди билан олдинга чопиб кетди.

## САКРАМЕНТО ҚИРГОҚЛАРИДА

### Хикоя

Шамол учар — ғув-ғув-ғув!  
Калифорнияга қараб.  
Сакраменто бой ўлкадир  
Ҳатто бунда олтннларни  
Олиш мумкин этаклаб.

Ориққина бир бола шу денгизчилар құшиғини чинқириб айтмоқда. Дүиёning ҳар тарафидан келган матрослар чиғириқтарни якорлардан бўшатиб ўрай бошлаб фриско портига кираверишда худди мана шу қўшиқни бақиришиб айтар эдклар. Бу оддийгина бола умрида ҳали денгизни бир марта ҳам кўрмаган эди. Лекин шу ердан икки юз футча нарида, қоялар тагида Сакраменто дарёси жўш уриб оқарди. Болани кичкина Жерри дер эдилар, кекса Жерри ҳам бўлиб, у отаси эди. Кичик Жерри бу қўшиқни кекса Жерридан — отасидан эшитган эди. У шу қўшиқнигина эмас, балки тўқ-сарнқ хурпайган соchlарини ҳам, ёниб турган кўм-кўк кўзларини ҳам, ниҳоятда оппоқ юzlаридаги сепкилларини ҳам отасидан мерос қилиб олган эди.

Кекса Жерри матрос эди. У ўз ҳаётининг ярмини денгизда сузиш билан ўтказганди. Унинг тилидан қўшиқ сира тушмас эди. Бир маҳал Осиё портларидан бирида лаънати чиғириқ устида бошқа йигирмата матрос билан ёнма-ён туриб, жон-жаҳди билан бақириб шу қўшиқни айтаётганда, қўшиқдаги сўзлар биринчи марта уни шу ҳақда ўйлаб кўриншга мажбур қилди. Сан-Францискога қайтиб келгач у ўз кемаси ва денгизи билан хайрлашиб, Сакраменто қирғонига жўнади.

Бу ердаги олтинларни кўриб ҳангун манг бўлиб қолди. У «Олтин умид» конига ёлланиб ишга кирди ва тез орада дарё устига икки юз фут баландликка осма йўллар қуришда шуҳрат қозонди.

Кейинчалик бу осма йўллар бутунлай унинг назоратида қолди. У тросларни кузатиб туарар, уларнинг бузилишига йўл қўймас, уларни ёқтиради. Кўп ўтмай у «Олтин умид» конининг раҳбарларидан бири бўлиб қолди. Сўнгра у Маргарет Келли деган яхшигина бир қизни севиб қолди, лекин Келли тезда уни, энди «атак-чечак» қилиб чақалоқ Жерри билан ташлаб, қўрқинчли қарағайзор ўртасидаги кичкинагина қабристонда абадий уйқуга кетди.

Кекса Жерри шундан сўнг денгизга қайтмади. У ўз ссма йўли яқинидаги бир жойда туарди, ўз қалbidаги бутун меҳр-муҳаббатини шу йўғон пўлат тросларга ва кичкина Жеррига бағишлади. «Олтин умид» кони фалокатга учраганидан сўнг у компания иҳтиёрида қолди, ташландик корхонага қоровуллик қила бошлади.

Лекин у бугун эрталаб негадир күринмади. Фақат кичкина Жерригина зинапояда ўтириб, эски матросча қўшиқни айтар эди. У бугун ўзига ислушта тайёрлаб еб, ҳозир эса кўнглини ёзиш учун бу ёқса чиққан эди. Ундан йигирма қадамча нарида ниҳоятда узун металл трос ўралган катта пўлат барабан, барабаннинг ёнида жуда усталик билан ўрнатилган вагонетка туради. Бу вагонетка билан рудаларни ташибар эдилар. Кичкина Жерри дарё устидаги энг юқоридан ўтган пўлат симга қараб, нариги қирғоқда бошқа барабан ва бошқа вагонетканинг турганини жуда узокдан кўрди.

Бу вагонеткалар оддий оғирлик кучи таъсири билан ҳаракат қилас, яъни вагонетка ўз оғирлиги таъсири остида олдинга силжиди, шу пайтда қарши томсндан ҳам бўш вагонетка юриб келади. Юкли вагонетканинг рудалари бўшатилганда, бўш вагонетка руда билан тўлдирилади. Шу нарса ҳадеб такрорланаверади. Бу кекса Жерри осма йўллар назоратчиси бўлгандан бошлаб, юзлаб, минглаб марталар такрорланган эди.

Кичкина Жерри яқинлашиб келаётган оёқ товушини эшитиб, қўшигини тўхтатди. Елкасига милтиқ осган, кўк кўйлакли, баланд бўйли бир одам қарагайзордан чиқиб келар эди. У Сакраменто оқимининг юқори томонида, бундан бир милча нарида жойлашган «сариқ аждар» конининг қорсуви — Холл эди. Шу кон яқинидан ҳам нариги қирғоққа осма йўл солинган эди.

— Ҳорма, кичкина,— деб чақирди у.— Бир ўзинг бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

— Бугун бу ерда ўзим хўжайинман,— деди кичкина Жерри қўпол қилиб.— Билсангиз, отам кетдилар.

У ўзини бир неча марта ёлғиз қолиб ўрганган одамдек ҳис қиласарди.

— Қаёққа?— деб сўради Холл.

— Сан-Францискога. Кеча кечқурун кетган эдилар. Эски дунёнинг қаериададир унинг укаси ўлибди. Мана шу тўғрида адвокат билан маслаҳатлашгани кетдилар. Эртага кечқурун қайтиб келадилар.

Ёлғиз ўзига «Олтин умид» конини қўриқлашдек катта масъулият топширилганига ишора қилгандек, у мағурурланиб гапиради. Дарё қирғонининг шу баланд жойида, қоятош устида ёлғиз яшашдан, эрталабки, тушки ва жечки овқатларни тайёрлаш ўзига қолганидан унинг ниҳоятда хурсанд эканлигини шу ондаёқ сезиш мумкин эди.

— Иш қилиб, эҳтиётроқ бўл,— деб маслаҳат берди унга Холл.— Трослар билан ҳазиллаша кўрма. Мен эса, бирорта буғу отарманми деб, «Колченогой Коровъ» водийсига кетяпман.

— Ёмғир ёғиб қолмаса дейман,— деди Жерри хотиржамлик билан.

— Ефса нима! Ҳўл бўлишдан қўрқамани,— деб кулди Холл ва бурилиб дарахтлар орасига кириб ғойиб бўлди.

Жеррининг ёмғир ёғади дегани тўғри чиқди. Соат ўнга бориб қарағайлар шитирлаб, силкиниб, инграй бошлиди, дераза ойналари дириллаб қолди. Ёмғир тинмай қуярди. Соат ўн бир яримда Жерри ўчоққа олов ёқди ва ўн иккига яқин аранг овқатини пишириб еди.

«Бугун, энди, саирга чиқиб бүлмайды, ал-батта» деган қарсра келди у, овқатдан сүнг идиш-товоқларнн топ-тоза қилиб ювиб, йиғишириб қўйди. Шу пайт яна унинг хаёлига: «Холл роса ивиган бўлса керак. Лекин буғу ота олдимикан», деган фикр келди.

Соат бирга яқин эшик тақиллаб қолди. Жерри эшикни очиши билан бир эркак бир аёл, гўё орқасидан шамол итаргандек, уйга отилиб киришди. Улар мистер ва миссис Спилленлар бўлиб, дарёдан ўн икки милча наридағи ҳилватроқ бир жойда яшовчи фермалар эди.

— Холл қаерда? — деб сўради Спиллен ҳансира буриб, узуқ-юлуқ қилиб.

Жерри фермернинг нимадандир ҳаяжонла-наётганини ва қаёққадир шошилаётганини, миссис Спиллен эса кўринишдан жуда хафа эканлигинни сезди.

У ориқ, рангу рўйинни олдирган, ўз умрида кўп меҳнат қилган аёл эди. Машаққатли оғир меҳнат унинг чеҳрасига доғ соглан эди. Мана шундай оғир ҳаёт эрининг ҳам қаддини буқкан, қўлларини қавартирган ва соchlарини бевақт оқартирган эди.

— У «Колченогой Коровъ» водийсига овга кетган эди. Нима ишларинг бор эди ёки нариги томонга ўтмоқчимисизлар? — деб сўради Жерри.

Аёл хўрсиниб секингина йиғлай бошлади. Спилленнинг товушидан ўта алам-ўкинч ни-доси эшитилди. У дераза ёнига келди. Жерри ҳам унинг ёнига келиб, у билан бирга деразадан ташқаридағи осма йўлни кузата бошлади. Майдалаб ёғаётган қаттиқ ёмғирда троллар кўринмасди.

Теварак-атрофдаги қышлоқлар ахолиси «Сариқ аждар» томонга одатда Сакраментодаги осма йўл орқали ўтишарди. Бу йўлдан ўтганда озгина йўл ҳақи тўлаш керак эди. Бу пулни «Сариқ аждар» компанияси Холлга маош тариқасида берарди.

— Биз нариги томонга ўтншимиз керак, Жерри,— деди Спиллен ва унинг елкаси оша бармоғи билан йиғлаб турган хотинини кўрсатди.— Унинг отаси «Беда барги» шахта конида бахтсизликка учрабди. У ерда портлаш рўй берибди. Тирик қолмаса керак, дейишяптилар. Бизга ҳозиргина хабар қилдилар.

Жеррининг юраги шув этиб кетди. У Спиллен «Олтин умид» трослари бўйлаб нариги томонга ўтмоқчи эканини англади, лекин кекса Жеррисиз у ҳеч қандай қарорга келомас эди, чунки бу йўллардан ҳеч қачон одам ўтмаган, кўп вақтдан буён фойдаланмай ётарди.

— Балки, Холл тезроқ келар,— деди у ғудурлаб.

Спиллен бош чайқаб қўйди.

— Отанг қаерда?— деб сўради Спиллен.

— Сан-Францискода,— деб қисқача жавоб қилди Жерри.

Спиллен хириллаб, муштини жаҳл билан кафтига бир урди. Унинг хотини эса тобора қаттиқроқ пиқиллаб йиғламоқда эди. Жерри унинг: «Эҳ, етолмаймиз, етолмаймиз, ўлади...»— деганини эшишиб турди.

Бола ҳам сал бўлмаса йиғлаб юборай деб турарди. У нима қиларини билмай, иккиланиб тураверди. Лекин Спиллен унинг учун гап очиб қолди.

— Қичкина, қулоқ сол,— деди у эътиroz билдиrmагин дегандек ишора қилиб,— осмон узилиб ерга тушса ҳам мен хотиним билан сизларнинг шу йўлларингдан ўтишим керак. Эҳтимол, сен бир яхшилик қилиб, бизга ёрдам берарсан.

Жерри гўё унга сира қўлидан келмайдиган бир ишни таклиф қилишаётгандек, беихтиёр орқага тисарилди.

— Яххиси, мен бориб қарайчи, Холл келибдими,— деди у ҳадиксираб туриб.

— Агар келмаган бўлса-чи?

Жерри яна ўзини йўқотиб қўйди.

— Агар бирор ҳодиса бўлса ўзим жавоб бераман. Тушуняпсанми, қичкина, нариёққа ўтиш бизга сув билан ҳаводек зарур.— Жерри дудмалланиб бош иргаб қўйди.— Холлни кутишдан ҳеч фойда йўқ,— деди Спиллен гапини давом этдириб.— Ўзинг яхши биласан, у «Колченогой Коровъ» водайсидан ҳали бери қайтмайди. Шундай, қани юр, барабанни бўшатақол.

Жерри беихтиёр «Миссис Спилленни ёрдамлашиб вагонеткага чиқараётганимизда рангида қон қолмагани бежиз эмас экан», деб ўйлади. Ҳозир тубсиз кўринган пастлилка қараганда етти юз фут узоқликдаги нариги қирғоқ парча-парча булутлардан шиддатли шамол учириб, келаётган аччиқ томчи ва кўпиклар, тинимсиз ёғиб турган жала орасидан кўринмай қолган эди. Улар турган қоя тошдан пастлилка қараганда, тикка кесилиб тушган қирғоқ тубидаги гирдоб трослардан икки юз фут эмас, бир милча узоқ бўлиб кўринарди.

— Қанн, тайёрмисизлар? — деб сўради Жерри.

— Бошлайвер,— деди Спиллен ва товушим шамолни кесиб ўтсин деб жон-жаҳди билан бақирди.

Спиллен хотини билан вагонеткада ёнмаён, унинг бир қўлидан ушлаб ўтирди. Фермернинг бу қилиғи Жеррига ёқмади.

— Икки қўллаб вагонеткадан ушлаш керак. Шамол кучли, ағдариб юбориши мумкин,—деб қичқирди у.

Эр-хотин дарров қўлларини бўшатиб, вагонетка четидан маҳкам ушлаб олдилар. Жери эса эҳтиётлик билан тормоз ричагини туширди. Барабан аста-секин айлана бошлади, беҳисоб узун трос ечила бошлагандা, вагонетка юқоридаги ҳаракатсиз трос рельсларга юргизиш ғилдиракчаларини ёпишириб, кенг ҳаво бўшлиғига қараб юриб кетди.

Бу Жерри вагонеткани бириичи марта ишга тушираётгани йўқ эди. Лекин шу маҳалгача у бу ишни отасининг қўл остида бажаарди. У тормоз ричагини ишлатиб, ҳаракат тезлигини эҳтиётлик билан бошқариб турди. Тормоз бериб туриш зарур эди, чунки кучли шамол тўлқинидаи вагонетка чайқалиб кетар, сал олдинроқ — жаладан панароқقا ўтгунча у қийшайиб, ҳатто ичидаги жонли юкларини жарликка ирғитиб юборишига оз қолган эди.

Энди Жерри тросларнинг ҳаракатига қараб вагонетканинг ҳаракатини кузатиб турди.

— Уч юз фут... — деди у пичирлаб кабелдаги белгиларга қараб.— Уч юз эллик... Тўрт юз... тўрт юз...

Трос тўхтади. Жерри тормоз ричагини тор-

дан шамол зарбидан ёки ва оғирлигидан узиліб кетса-чи?

Бу энг аниқ құрқув әди. Жерри ичининг та-таланиб кетаётганини сезиб туарди. Оёқлари-ни босибреқ туришга қуввати қолмаганидан тиззалари дириллаб учарди.

Текин Кичкина йўлини мардона давом этдирди. Трос эскирган, титилиб кетган әди. Унинг чиқиб-чиқиб қолган симларининг ўт-кир учлари боланинг қўлларини қонатиб юборди. Жерри бир тўхтаб олиб, Спилленга қичқирмоқчи бўлганда, қўлларидағи оғриқни аниқ ҳис қилди. Уларнинг вагонеткаси унинг тўғрисида бир неча фут узоқликда кўриниб тургани учун энди у нима воқиа бўлганини ва ўзининг нега бунақа «саёҳат» қилиб юрганини тушунтира олиши мумкин әди.

— Хотиним бутунлай ўзидан кетиб қолди, бўлмаса жоним билан ёрдамлашардим,— деб қичқирди Спиллен.— Кичкина, эҳтиётроқ, бўл, кўзингга қара! Бу ишни ўзим бошлаган әдим, лекин энди бизни сендан бошқа ҳеч ким қутқаролмайди.

— Барибир, мен сизни бу ҳослатда қолди-ролмайман,— деб қичқирди Жерри унга жавобан.— Миссис Спилленга айтингки, бир минут ўтмасданоқ нариги қирғоқда бўласизлар.

Жерри савалаб турган ёмғир остида жоийдан чиқиб кетган маятник сингари у ёқдан-бу ёққа тебраниб, кафтлари тилка-пора бўлиб, чарчаганидан ва оғзи-бетига ўткир шамол уриб турганидан ҳансираб, охири, бўш вагонеткага етиб келди.

Бундай қараганда бола беҳудага шунча азсб чекмаганини англади. Вагонетка иккита

Филдиракча устида турарди, бу филдиракчалардан бири күн вақт ишламай ётганидан қаттиқ занглаб, тросдан чиқиб кетган ва ҳозир ўз обоймаси орасига тиқилиб қолган эди.

Дастлаб филдиракчани ўз обоймаси орасидан чиқариб олиш керак эди. Бунда вагонеткани арқын билан ҳаракатсиз тросга маҳкам боғлаб қўймаса, йиқилиб кетиши мумкин эди.

Жерри вагонеткани ўн беш минутда боғлаб қўйишга улгурди, унинг қилган иши шу бўлди. Филдиракни ўқ билан қўшиб турувчи михча ниҳоятда занглаб, қотиб қолган эди. Жерри бир қўли билан вагонеткадан ушлаб туриб, иккинчи қўли билан зўр бериб михчага ура бошлади. Шамол уни тез-тез итариб, чайқалтириб турганидан ҳаракатларининг кўпчилиги мўлжалга тегмасдан бошқа ёққа кетаверди. Бутун ҳаракатларининг ўндан тўққиз қисми ўз мувозанатини сақлаб турнишга сарф бўларди. Гайка калитини тушириб юборишдан қўрқиб, уни рўмолчаси билан қўлига боғлаб қўйди.

Ярим соат ўтди. Жерри михчани ўриидан қўзғатишга муваффақ бўлолди, лекин тортиб ололмади. Катта хавфга юзма-юз бориб, шунча қилган ҳаракатлари бекорга кетгандек бўлди. Бунинг учун кўп афсусланиш ва қайғуришга тайёр эди. Лекин дафъатан эсига мухим бир фикр келгандек бўлди. У чўнтагини телбаларча кавлаб, ўзига ҳозир жуда керак бўлган нарсани — узун йўғон михни топди.

Агар бир вақтлар чўнтағига тушиб қолган шу мих бўлмаганда Жерри яна қирғоққа қайтиб кетишига мажбур бўлар эди. У михни ўқдаги тешикчага тиқиб, михчани чиқариб олди.

Сўнгра у трос билан обойма орасига қиси-либ қолган ғилдиракчани темир чивиқ билан ғижирлатиб торта бошлади. Кейин у ғилдиракчани эски ўрнига жойлаштириди ва вагонеткани арқон билан кўтариб туриб, қайтариб ўз ўрнига туширди. Шундай қилиб, ғилдирак яна металл трос устига ўрнашди.

Бироқ буларни қилишга кўп вақт кетди. Жерри шу ерга етиб келгунича бир ярим соат вақт ўтди. Мана энди у ўз «эгари»дан чиқиб, вагонеткага тушди. Вагонеткани тутиб турган арқон бўшатилгандан сўнг, ғилдиракчалар аста-секин трос бўйлаб ўрмалаб кетдилар. Ўз вагонеткаси юра бошлаганда, Жерри қаердадир, пастда гарчи кўрмай турган бўлса ҳам, Спилленлар тушган вагонетканинг ҳам юра бошлаганини сезди. Фақат бу вагонетка унга қарама-қарши томонга ҳаракат қиласарди.

Энди унга тормознинг кераги йўқ эди, чунки ўзининг бутун оғирлнги бошқа вагонетка оғирлиги билан бир хил мувозанатни сақлай оларди. Кўп ўтмай булутлар орасидан баланд қоятош, шитоб билан айланаётган ўша эски таниш барабан кўринди.

Жерри ерга сакраб тушди ва ўз вагонеткасини боғлаб қўйди. У бу ишни қунт билан шошмасдан қилди.

Сўнгра бирдан ҳалиги довюраклиги кетгандек, жала ва шамол уриб турганига қарамасдан барабан олдида, ерга ўзини отиб юбориб, ҳўнграб йифлай бошлади.

Бунинг сабаблари кўп: тилка-пора бўлган қўлларининг зирқираб оғриши, беҳад чарчаш, бир неча соатлик асабий тутқунлик ва яна бунинг устига Спилленнинг хотини билан нариги

қирғоққа бехавотир ўтиб олганидан пайдо бўлган шодлик ҳисси ва бошқалар эди.

Улар узоқда эдилар, шунинг учун унга миннатдорчилик билдиrolмадилар, лекин у ҳозир уларнинг пишқириб оқувчи тошқин дарёнинг нариги томонида, қаердадир сўқмоқлар билан беда барги шахтасига шошилаётганларини биларди.

Жерри гандираклаб уйига етиб келди. У эшикни очаётганда, эшикнинг оппоқ дастаси қонга беланди, лекин буни у сезмади ҳам.

Бола мағрур ва ўзидан хурсанд эди. Ва у тўғри иш қилганига қаттиқ ишонарди. Ҳали айёрлик қилиш қўлидан келмаганидек, яхши иш қилганига иқорор бўлишдан ҳам қўрқмас эди. Шу пайт унинг қалбидаги фақат бир истак туғён урадди: эҳ, қани энди отам шу ерда бўлса ва буни ўз кўзи билан кўрса эди!

## КУЛ РАНГ БҮРИ

Үтлар устини шудринг босиб ётгани учун аёл уйига калиш кийгани қайтди. У қайтиб зинапояга чиққанида ўзини кутиб турган эри ажойиб бўлиб очилаётган бодом ғунчасига маҳлиё бўлиб, оламдаги бутун нарсани унуган ҳолда турганини кўрди. Аёл атроф-теваракка аланглаб, кўзларини тикиб мевали дараҳтлар орасидаги ўсиқ ўтлар ичидан ниманидир ахтарди.

— Бўри қаерда? — деб сўради у.

— Ҳозиргина шу ерда эди.

Уолт Ирвин гуллаб-яшнаётган олам ажо-йиботларини кузатишини тарк этиб, у ҳам атроф-теваракка кўз югуртди.

— Унинг қуённи қандай қувиб кетганини кўрганим хотиримда.

— Бўри! Бўри! Бу ёққа кел! — деб чақирди Медж.

Улар сап-сариқ чучмўмалар тўлиб-тошган мансаниллар бутазори орқали қуий томон қишлоқ йўлига элтувчи сўқмоқ бўйлаб кетишиди.

Ирвин икки жимжалогини оғзига суқиб ҳуштак чалди ва унинг ўткир ҳуштаги Медж-нинг овозига қўшилиб кетди.

Аёл шошиб-пишиб қулоқларини беркитди  
ва тоқатсизланиб ижирғанди.

— Ажабо! Шундай нафис шоир бўла туриб,  
кутилмаганда шундай хунук товуш чиқар-  
санг-а! Қулоқларимнинг пардаси ёрила ёзди-  
ку. Биласанми, афтидан, кўча болаларини  
ярим йўлда қолдириб кетадиган кўринасан.

— Балки! Ана, Бўри ҳам келиб қолди.

Тепаликдаги қалин кўкатлар орасидан қу-  
руқ шохчаларнинг шитирлаши эшитилди ва  
бирдан улардан қирқ фут чамаси баландда  
тик қоя ёқасида Бўрининг боши ва танаси  
кўринди. Ўнинг ерга қаттиқ тираб турган  
олдинги оёқлари остидаги тош жойидан кўчиб  
юмалаб кетди ва у қулоқларини диккайтириб,  
пастга тушаётган тошни, эркак ва аёлнинг  
оёқлари тагига етиб бориб тўхтамагунича диқ-  
қат билан кузатди. Сўнгра ўз хўжайинларига  
қаради ва тишларини кўрсатиб оғзини катта  
очгани ҳолда тиржайди.

— Бўри! Бўри! Бўрижон! — Пастдан туриб  
эркак ва аёл бараварига қичқиришди унга.

Кўппак уларнинг овозини эшитиб, қулоқ-  
ларини чимирди ва тумшуғини олдинга чўзди,  
бу билан у ўзини гўё ғойибона қўлларга эрка-  
лашга тутиб бераётгандек эди.

Кейин Бўри яна чакалакзор ичига кириб  
кетди, улар эса, ундан кўз узмай олға юришди.  
Орадан бир неча минут ўтгач, қиялик жуда ни-  
шоб бурилишда у Ирвин ва Медж олдига  
чанг-тўзон билан югуриб чиқди. Бўри ўз хис-  
ларини изҳор қилишда жуда босиқ эди. У Ир-  
винга қулоқларини юлқилашга йўл қўйди,  
Меджининг суйиб силаб-сийпашларига анчага-  
ча сабр қилди ва гўё ер бўйлаб сузаётгандек,

чинакам бўридек ҳеч чиранмасдан олис-олис-ларга равон физиллаб кетди.

Қадди катта ўрмон бўрисига ўхшаса-да, бироқ жунининг ранги ва ундан доғлар унинг бўри зотидан эмаслигини кўрсатарди. Тишдан қараганда у айнан итга ўхшарди. Бундай тусни ҳеч кимса бирорта бўрида учратмаган эди. У бошдан-оёқ жигар ранг—қорамтири жигар ранг, қизғиши жигар ранг, барча жигар ранг белгиларни ўзида мужассамлаштирган кўппак эди. Бели ва бўйнидаги тўқ қорамтири жуни аста-секин товланиб, қорнига боргандада сариқ тус олган эди. Кўкрагидаги, оёқларидаги ва қовоқлари устидаги оқ доғлар ҳам кирланган-дек туюларди,— бу ерда ҳам ўша тўқ қорамтири белгилар кўзга чалинарди. Кўзлари эса қорамтири асл тошдек чақнарди.

Эркак билан аёл ўз итларига жуда ўрганиб қолган эдилар. Эҳтимол, бунга уни ўргатиб олиш учун катта меҳнат сарф этганликлари сабаб бўлгандир. Бу нарса ит уларнинг кичкина тоғ коттеджи олдида қаердандир биринчи бор пайдо бўлганида бошда осонликча қўлга кирмаган эди. Очиқдан ит қонга бўялган оёқлари билан уларнинг кўзи олдида, деразалари тагида ўлган қуёни гиппа бўғди, сўнгра ариқ-қача зўрба-зўр судралиб бориб, қора смородина буталари остида чўзилиб қолди. Уолт Ирвин «меҳмоннинг» ҳолидан хабар олиш учун ирмоқ ёнига тушган эди, у тишларини тиржайтириб ириллай бошлади. Иноқлашиб олиш учун катта тоғорачада сут билан нон келтирганида ит Меджни ҳам худди шундай қаршилади.

«Меҳмон» ўта қайсар эди. Ит уларнинг

иноқлашиш йўлидаги барча ҳаракатларини шартта кесди. Үнга қўл чўзганлари ҳамон даҳшатли тишларини кўрсатиб ириллади ва жигар ранг жунлари ҳурпайди. Бироқ ит уларнинг ариқлари ёнидан кетмади, шу ерда ётиб ухлади ва нимаики келтирсалар хавф-хатарсиз олисроқ ерга қўйиб, ўzlари узоқлашганларидан кейин, ҳаммасини еди. Үрнидан қўзғалишга мадори етмаганидан шу ерда қолаётгани маълум бўлиб қолди. Орадан бир неча кун ўтиб, бир оз қуввати кириб тўсатдан ғойиб бўлди.

Агар Ирвин ўша вақтда штатнинг шимолий қисмига бормаганида эди, уларнинг ит билан танишликлари тугаган бўлур эди. Поезд Калифорния билан Орегон оралиғидаги чегара яқинидан ўтиб бораётганида Ирвин тасодифан деразадан ташқарига қараб, ўзининг одамови «меҳмонини» кўриб қолди. Кул ранг бўрига ўхшаш, чарчоқ ва айни вақтда толмас ит темир йўл бўйлаб югуриб борарди, икки юз миль масофани босиб ўтганидан устини чанг-тўзон қоплаган, кир-чир эди.

Ирвин узоқ ўйланиб ўтирмас эди. У нариги станцияда поезддан тушиб дўкондан гўшт харид қилди-да, шаҳар чеккасида қочоқни ушлаб олди.

Бўрини багаж вагонида қайтариб олиб келишиди. Шундай қилиб у яна тоғ коттеджига тушиб қолди. Бу сафар уни бир ҳафта занжирлаб қўйишиди ва эр-хотин уни меҳр билан парвариш қилишиди. Бироқ ўз меҳрларини жуда ҳаёткорлик билан изҳор қилишга тўғри келли. Гўё бошқа бир оламдан келгандек, кушанда ит уларнинг барча эркалатувчи сўзларига

ириллаш билан жавоб қилди. Лекин у ҳеч вовилламасди. Уннинг вовиллаганини шу чоққа-ча ҳеч ким эшиитмаганди.

Уни қўлга ўргатиш қийиндеқ туюлдн. Аммо Ирвин бундай ишларни севарди. У «ушлаб олиб келиб Уолт Ирвинга топширилсин, Глен — Эллен, Сомона округи, Калифорния деган сўзлар ўйиб ёзилган металл пластинка буютирди. Бўрининг бўйнига қайиш боғлаб, мазкур пластинкани унга маҳкамлади. Шундан сўнг Бўрини занжирдан бўшатиб юборишиди. Ит бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Орадан бир кун ўтгач, Мендосинодан телеграмма келди: ит йигирма соат ичидаги шимолга томон юз миля йўл босиб ўтибди-да, қўлга тушибди.

Транспорт контораси бўрининг Ирвинга олиб келиб топширди. Уни уч кунгача боғлаб қўйишиди, тўртинчи куни бўшатиб юборишган эди, у яна кўздан ғойиб бўлди. Бу сафар Бўри Орегоннинг жанубий районларигача қочиб борди. У ерда уни яна ушлаб олишиди-да, эгасига қайтаришиди. Уни занжирдан бўшатганилари ҳамон ҳар гал қочиб кетаверди ва ҳамма вақт шимолга томон жуфтакни ростлади. Гўё қандайдир қудратли куч уни шимол сари қувди. Бўрини Шимолий Орегонда ушлаб, Ирвинга қайтариб келтириб берганларида, у бир куни буни «Ўйга интилиш» деб ифодалади.

Кул ранг қочқин кейинги марта қочиб кетганида токи уни ишлаб олиб, эгасига қайтаргунларига қадар Калифорниянинг ярмини, Орегон штатини ва Вашингтоннинг ярмини босиб ўтишга улгурди. Уннинг ўз қочишлигини амалга ошираётгандаги тезлиги ҳайратда қолдиравли даражада эди. Бўри, семириб ва

яхши ҳордиқ чиқариб олгач, уни ечиб юбо-ришлари биланоқ бутун куч ва ғайратини ги-зиллаб қочишга сафарбар этарди. Бирор киши ушлаб олмагунча у биринчи куни бир юз эл-лик милга яқин, сўнгра эса бир кунда юз милга яқин йўл босарди. У ҳамма вақт ориқлаб кетган, очиқкан, ёввойилашган ҳолда қайтиб келарди, бақувватлашгани, дам олгани, янги куч тўплаганида эса қочиб кетарди. Қизифи шундаки, у қандайдир сирли ният билан доимо шимол сари йўл оларди.

Муваффақиятсиз қочишлар бир йил давом этди. Ниҳоят ит тақдирга тан берниб, коттедж яқинида, қүённи бўғиб ўлдирган куни қаерда ётиб ухлаган бўлса, шу ерда қолди. Аммо ҳракак ва аёл уни силаб-сийпалашга мусассар бўлгунга қадар орадан яна анча вақт ўтди. Бу катта ғалаба эди. Бўри одам овилиги, ёнига ҳеч кимни йўлатмаслиги жиҳатидан ажralиб турарди. Коттеджда бўлган меҳмонлардан бирортаси ҳам унинг олдига боролмасди. Кимда-ким боришга ҳаракат қилса, дарҳол бўғиқ овоз билан ирилларди. Борди-ю, бирор киши юрак бетлаб унинг ёнига ёндошишга журъат этса, Бўрининг найзадек тишлари яланғочланиб, юқори лаблари андак кўтарилар ва ҳатто энг довюрак кишиларни ҳам, итларнинг қандай ириллашини аъло даражада биладиган, лекин бўрининг ириллашини ҳеч қачон эшитмаган барча қўшни итларни ҳам даҳшатга соладиган фаразгўй ириллаши эштиларди.

Бу итнинг ўтмиши бутунлай номаълум эди. Унинг ҳаёти, тарихи Уолт ва Медж қўлига келиб тушганидан бошланди. У қаердандир жануб ёқдан келиб қолди, аммо унинг аввалги

әгаси ҳақыда ҳеч нарса билицелік бўлмайди. Медж сут сотиб оладиган энг яқин қўшини миссис Джонсон бу итни клондейк ити деб ишонтирди. Унинг акаси мазкур узоқ мамлакатда, музлар орасидаги конда ишларди ва шу сабабли у ўзини бу хилдаги масалалар бўйича нуфузлик киши деб ҳисобларди.

Шу сабабли у билан тортишиб ўтирмасдинлар ҳам. Бўрининг қулоқлари учини қачонлардир совуқ урган ва улар ҳануз тузалиб битмаган эди. Бундан ташқари у Аляска итларига ўхшар эди, бундай итларининг суратини Ирвинг ва Медж журналларда кўн марта кўрган эдилар. Улар Бўрининг ўтмиши тўғрисида тез-тез гап очар, ўқиган ба эшитганларни, бу ит узоқ шимолда қандай ҳаёт кечирганини тасаввур қилишга итилардилар. Шимол ҳануз уни ўзинга чорлаётганини сезардилар. Бўри тунлар бўйи оҳиста ангиллар, шимол шамоли эсганда ва совуқни сезганда эса у ғоят тоқатсизланар ва шикоятланиб увиллай бошларди. Бу, бўри увиллашига ўхшарди. Аммо у ҳеч қачон вовулламасди. Ундан бирор восита билан ҳам оддий ит товушини эштиш амри маҳол эди.

Ирвинг билан Медж Бўрини ўзларига ўргатиб олгуича узоқ вақт ўтди. Шу вақт мобайнинда улар ким итнинг эгаси бўлиши ҳақыда бир неча боғ тортишдилар. Ҳар иккалалари ҳам уни ўзлариники деб ҳисоблардилар ва унинг томонидан андак меҳр намоён бўлиши билан тоқ мақтапардилар. Бироқ Ирвинг эркак бўлгани учун аввал бошданоқ Бўрининг муҳаббатини қозонганди эди. Афтидан Бўри аёлларниң қандайлигини тушунолмас ва хотин-қизларни мутлақо аинглаб етмасди. Меджининг юпкала-

рини ҳеч қачон ҳеч вақт ёқтирмас эди,— уларнинг шилдирашини эшитгани ҳамон қулоқларини диккайтирас ва даҳшат солиб ириллар эди. Шамол эсган кунларда эса Медж унинг олдига мутлақо яқинлаша олмас эди.

Бироқ Медж унга овқат берарди. Бундан ташқари у ошхонада танҳо ҳукмрон эди са Бўрига фақат унинг амири билангина бу ерга киришга рухсат этиларди. Медж юпкасини ҳалақит бераётганига қарамай, барибир, мен унинг муҳаббатини қозонаман, деб ишонарди. Уолт эса ҳийла ишлатарди — у ёзиш-чиши билан машғул бўлган пайтларида Бўрини оёқлари тагида ётишга мажбур қилас, уни силаб-сийпалар ва ҳар хил йўллар билан овутар, иши бўлса жуда секинлик билан силжирди. Ирвин, эркак киши бўлгани учунми, ҳар ҳолда, пировард натижада ғолиб чиқди. Аммо Медж, агар у Бўрини ўз ҳолига тинч қўйиб, ўзининг бутун куч-ғайратини шеърлар ёзишга сарфлаганида қўлига кўпроқ пул тушган ва биз яхши яшаган бўлур эдик, деб эрини ишонтирди.

— Сўнгги шеърларимнинг тақдиридан хабар олиш пайти етди,— хотирлади Уолт улар беш минут чамаси сукут ичида тик қияликдан пастликка тушганларидан кейин,— ишончим комилки, пул мени почтада кутиб ётибди. Биз бу пулларга жуда яхши қора буғдой уни, бир галлон заранг (дараҳт) шарбати, кейинчалик эса янги калиш сотиб оламиз.

---

<sup>1</sup> (Галлон — галлон) суюқ ва тўкма жисмлар ўлчови АҚШда суюқ жисмлар учун 3,7 литрга, тўкма жисмлар учун 4,4 литрга; Англияда 4,5 литрга баробар.

— Айни вақтда миссис Джонсоннинг ажо-  
йиб сигиридан соғилган қуюқ сут ҳарид қила-  
миз,— деб қўшиб қўйди Медж,— биласанки,  
эртага ой боши.

Уолт башарасини беихтиёр тириштириди,  
бироқ, шу ондаёқ унинг чеҳраси яна ёриши-  
да, курткасининг чўнтагини шиқиллатиб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ! Бутун бошли Калифорния  
бўйича энг яхши соғин сигир ҳозироқ нақдгина.

— Сен қачон улгурдинг буни ёзишга?—  
Завқ-шавқ билан сўради Медж ва ўпкаланиб  
қўшиб қўйди:— Ҳатто менга кўрсатмабсан-а!

— Мен бу шеърларни атайин яшириб  
юрган эдим, мен уларни сенга почтага бора-  
веришдаги йўлда, тахминан мана шундай жой-  
да ўқиб бермоқчи эдим,— деди у қўли билан  
ўтириш мумкин бўлган қуруқ тўнкани кўрсатар  
экан.

Ариқдаги сув қалин ўсган қирқулоқлар  
оралаб югурап, сирғанчиқ йўсун билан қоп-  
ланган капа тошдан шилдираб ошиб тушиб  
уларга яқин жойда сўқмоқ йўлни кесиб ўтар-  
ди. Водидан дала тўрғайларининг ёқимли сай-  
роқи овозлари келар, атроф-теваракда эса, гоҳ  
қуёш нурида товланиб, гоҳ соя-салқинда кўз-  
дан ғойиб бўлиб катта-катта сариқ капалак-  
лар учиб юрарди.

Уолт ўз асарини ярим овоз билан ўқиётга-  
нида пастликдан, чакалакзордан қандайдир  
товуш эшитилди. Бу аҳён-аҳёнда оёқ остидан  
кўчиб думалаб кетган тошнинг бошқа тошлар-  
га урилганда чиқарган товушию, вазмин қадам  
шарпаси эди. Уолт шеърини ўқиб бўлгач, хоти-  
нидан мақтov сўзларини эшитиш орзусида  
унга кўз тиккан пайтда сўқмоқ йўлнинг му-

юлишида бир одам күринди. Бошяланг кела-ётган бу одамдан тер ёмғирдек қүйиларди. У бир қўлидаги рўмолчаси билан юзларини зўр бериб артар, иккинчи қўлига эса янги шляпасини ва кўйлагининг тердан шалоббо бўлиб кетган ёқасини бўйнидан ечиб ушлаб олган эди. У новчадан келган, пишиқ жуссали одам эди; афтидан унинг мускуллари тайёр кўйлаклар магазинидан яқинда сотиб олинган тор қора пиджак остидан чиқиб, очиқ ҳаводан баҳра олишни истарди.

— Кун иссиқ... Ҳа. Жуда иссиқ!— дея унга пешвоз чиқди Уолт.

Уолт ўзи яшаб турган жойнинг атроф-теварагида истиқомат қилувчи аҳоли билан доимо яхши муносабатда бўлишга интилар ва танишибилишларининг нуфузини ошириш мақсадида ҳар қандай қулай пайтни қўлдан бой бермас эди.

— Менда бундай иссиққа унчалик кўникма йўқ,— ўзини оқлагансимон жавоб қилди у.— Мен кўпроқ ўттиз градуслар чамасидаги совуқ температурага кўникиб қолганман.

— Шундай денг, бу ерларда бундай совуқлар бўлмайди-ку,— кулиб юборди Уолт.

— Фараз қилиш керак,— жавоб берди ҳалиги одам.— Мен очифини айтсам, сизнинг юртингизда унақа совуқлар бўлишини истамайман ҳам. Мен синглимни қидириб юрибман. Сиз балки унинг қаерда яшашини биларсиз? Миссис Джонсон, миссис Уильям Джонсон.

— Бундан чиқди сиз унинг клондайлик акасисиз?— хитоб қилди Медж ва унинг кўзларида синчковлик ўти алгангаланди.— Биз сизнинг тўғрингизда жуда кўп нарса эшитганмиз.

— Мен айни ўшанинг ўзиман, Мэм,— камтаринона жавоб қилди у.— Менинг исми-фамилиям Скифф Миллер. Мен, билсангиз унинг учун бир тасодиф қилмоқчиман.

— Сиз тўппа-тўғри боряпсиз. Бироқ энди йўл бўйлаб эмас, балки ўрмон сўқмоқ йўли бўйлаб юрсангиз бас.

Медж ўрнидан турди ва унга баландликдэзи, ҳозир ўзлари турган жойдан чорак миль узоқликдаги тоғ оралигини кўрсатди.

— Ҳў ану ердаги қарағайларни кўрятпсизми? Ўша қарағайлар томон мана шу тор сўқмоқ йўл бўйлаб бораверинг. Бу сўқмоқ йўл нарироқда ўнгга буриладиу, сизни миссис Джонсон уйининг худди ўзгинасига элтиб қўяди. Бу ерда йўлдан адашмайсан, киши.

— Раҳмат Мэм,— деди Скифф Миллер.

— Сиздан Клондай ҳақида бирор нарса эшитсан, бу биз учун жуда антиқа бўлур эди,— деди Медж.— Эҳтимол, сиз синглингизникида меҳмон бўлиб турганингизда, бизга ўз олдингизга киришга рухсат этарсиз. Борди-ю, бирор фурсат топиб синглингиз билан бизни-кига келсангиз янада яхшироқ бўлур эди.

— Балли Мэм, ташаккур сизга, Мэм,— иҳтиёrsиз минғиллади Скифф ва шу ондаёқ хатосини пайқаб, қўшиб қўйди:— Аммо шуниси борки, мен бу ерда узоқ турмайман: яна Шимолга жўнаб кетаман. Бугуноқ тунги поезд билан жўнайман. Билсангиз, мен давлатга қарашли почтани ташишни байлашиб олганиман.

Медж таассуф билдириди. Скифф Миллер ўз йўлини давом эттиришга отланди, бироқ худди шу аснода қаердадир яқин орада изғиб юрган

Бўри ҳеч қандай шарпа сездирмай тўсатдан келиб қолди.

Скифф Миллер паришонхотирликпи дарҳол тарк этиб, ҳушёrlанди. Унинг кўзлари итга қадалди ва юзларинда чуқур ажабланиш белгилари намоён бўлди.

— Оббо ланатией!— деди у дона-дона қилиб ва таъсири равишда.

Скифф Миллер Меджининг тикка туриб қолганини пайқамай, хаёлини бир ерга тўплаган ҳолатда тўнкага ўтирди. У гапирганда Бўрининг қулоқлари чимирилди ва оғзини катта очиб, тиржайди-да, истаниш кишининг ёнига аста-секин яқинлашди, унинг қўлларини дастлаб искади, сўнгра эса ялай бошлиди.

Скифф Миллер итнинг бошини силади.

— Оббо ланатией!— яна аввалгидек оҳиста ва таъсири равишда такрорлади у.— Кечира-сиз, Мэм,— бир дақиқадан кейин яна қўшиб қўйди.— биласизми, мен жуда таажжуб қилдим. Вассалом.

— Биз ҳам таажжубландик,— ҳазиломуз деди Медж,— нега десангиз, Бўри бирорта нотаниш кишининг олдига шу дамгача бу таринка тўппа-тўғри бормаган эди.

— Ҳали шунақа денг, сиз уни шундай ном билан чақирар экансиз-да! Бўри!— деди Скифф Миллер.

— Унинг сизга нисбатан бўлган бундай майлини мен негадир тушунолмаяпман. Эҳтимол, сиз клондайклик бўлганингиз сабабли шундай қилаётгандир.

— Балли Мэм,— паришонҳол деди Миллер.

Миллер Бўриининг олдинги оёқларини бир оз кўтарди ва панжалари остини диққат эътибор билан кўздан кечирди.

— Товони юмшаб қолибди,— деди у.— Афтидан, у кўп вақтлардан буён чанага қўшилмаганга ўхшайди.

— Йўқ, қўшилмаган, биласизми, у ҳайрон қоларли даражада ажойиб ит!— Гапга аралашди Уолт.— Сиз у билан нима қилишни истасангиз, ҳаммасига тайёр!

Скифф Миллер ўрнидан турди. Энди унда ҳеч қандай парокандалик аломати сезилмасди.

— Ит сизларнинг уйнингизда кўпдан бери яшаяптими?— сўради у жиддий тус олиб, соувуқ оҳангда.

Ҳамма вақт унинг атрофида айланиб юрган ва унга эркаланиб суйкашган Бўри шу вақт бирдан вовиллаб юборди. Гўё унинг аъзойи-баданида нимадир пақъос ёрилиб кетгандай бўлди. Бу жуда ғалати, чўзиқ ва қувониб вовиллаш эди. Ҳа, бу шубҳасизки, вовиллаш эди.

— Мана бу менинг учун янгилик!— деди Скифф Миллер.

Уолт ва Медж бир-бирларига кўз югуртнириб олишди. Муъжиза рўй берди: Бўри вовиллади.

— Унинг вовиллашини мен биринчи марта эшитяпман!— сўз қотди Медж.

— Мен ҳам биринчи марта эшитяпман,— жавоб қилди Скифф Миллер.

— Мана гап қаерда экан, Уолт!— Бу сўзлар Меджининг оғзидан беихтиёр отилиб чиқди ва у эрига шикоятомуз боқди.

Уолт хотинини дарҳол ҳимоя қилишга кириши.

— Бу ит сизнинг итиңгиз эканини қаердан биласиз? — сўради у.

— Меники деганимдан кейин меникида, — жавоб қилди Миллер.

Медж унга жилмайиб қаради. Афтидан, бу киши катта қизиқчига ўхшарди.

— Қизиқ гапирасиз-а, — деди Медж, — ахир сиз у билан бор йўғи беш минутгина муқаддам танишдингиз-ку!

Бу гап Скифф Миллерни шубҳалантирмай қўймади. У Меджнинг юзидан ҳийла-найрангни билиб олишга интилгандек, унга тикилиб қаради.

— Мен сизни тушунниб етгандирсиз деб ўйлаган эдим, — деди у оҳисталик билац, — мен итнинг каминага қандай эркаланиб суйканәётганидан сирли муаммони дарҳол англаб етгандирсиз деб ўйлаган эдим. Бу ит менинг итим. Унинг номи Бўри эмас. Уни Кул ранг деб чақирадилар.

Скифф Миллер Уолтга оҳиста кўз тикди ва Меджни бошқа томонга бурилиб туришга имоқилиб, деди:

— У киши хотинингиз эканини сиз қаёқдан биласиз? Айтишингиз турган гап: хотиним бўлганидан кейин менинг хотиним-да. Демак, шу ҳам изоҳ бўлибдими? Ит меники, деб жавоб бера оламан. Мен уни ўстирсан ва тарбияласаму, наҳотки билмасам! Мана қаранг, мен ҳозир исбот қилиб бераман.

Скифф Миллер итга томон юз ўғирди.

— Ҳой, Кул ранг! — қичқирди у. Унинг овози кескин ва амрона жаранглади. Итнинг қу-

лоқлари гүё уни эркалатаётгандек шу ондаёк чимирилди.— Қани, менга қара-чи?

Ит сапчиб ўнгга бурилди.

— Кет бу ердан!

Ит турган ерида депсинишин дарҳол тарқ қилди-да, олға ташланди ва командаин әшият-гач, яна худди шу ҳилда бирдан тұхтади.

— Мен буларнинг ҳаммасини бажарніңга уни оддий ҳуштак овози билан мажбур эта оламан,— деди Миллер.— Ахир у менинг йўл кўрсатувчим бўлган эди-да.

— Бироқ сиз уни ўзингиш билан бирга олиб кетмайсизми?— деб сўради титроқ овоз билан Медж.

Миллер имо-ишора қилди.

— У ёққами, ўша мудҳиши азоб-уқубатлар гирдобигами?

Миллер яна имо-ишора қилди.

— Шаронт унчалик менинг айтгандек эмас,— қўшиб қўйди у.— у ерини ҳам ёмон деб бўлмайди. Мана менга бир қаранг: сизнингча менинг бақувват ва соглом эмасманми?

— Аммо сиз яшаётгап жойдаги ҳаёт ит учун жуда даҳшатли-да, доимий йўқчилик, оғир меҳнат, очлик, қахратон совуқ! Менинг бу ҳақда кўп китоблар ўқиганман, қандайлигини биламан.

— Чиндан ҳам бир пайт шундай воқиа рўй берган эди: Мелкоперо дарёсида сал бўлса менинг еб қўяёзган эдим,— маъюс ҳолда қўшилди Миллер.— Ўша пайтда менинг нишонимга лось<sup>1</sup> дуч келиб қолмаганида, у омон қолмас эди.

<sup>1</sup> Лось — бугулар онласидан бўлган бурама шоҳли ҳайвон.

— Ҳамма нарсадан олдин мен ўлган бўлур эдим! — хитоб қилди Медж.

— Бироқ сизнинг юртингизда ҳаёт бошқача, албатта,— изоҳ берди Миллер.— Сизга ит гўштини ейишга тўғри келмайди. Киши азобланиб, танидан жони чиқаёзган пайтда эса бошқача ўйлай бошлайди. Сиз бундай мушкул аҳволни ҳеч қачон бошдан кечирмагансиз, демак, бу ҳақда фикр юрита ҳам олмайсиз.

— Ҳамма гап ана шунда-да,— фикрида қаттиқ туриб олди Медж.— Калифорнияда итни емайдилар. Уни шу ерда қолдириб кетаверсангиз бўлмайдими? Бу ерда унга ҳамма нарса муҳайё,— ҳеч қачон оч қолмайди,— буни ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз. Қаттиқ совуқдан, оғир меҳнатдан азоб чекмайди. Бу ерда уни эркалатадилар ва яхши парваришлаб ўстирадилар. Бу ерда табиат ҳам, одамлар ҳам мулојим ва юввош. Ҳеч қачон унинг устида таёқ синмайди. Об-ҳаво шароити қандайлигини ўзингиз яхши биласиз, бу ерда ҳеч қачон қор ҳам бўлмайди.

— Қор-ку бўлмайди, лекин ёз ойларида иссиқнинг жазаваси тутади, бунга киши чидаб туролмайди,— кулиб юборди Миллер.

— Қани сиз бизга жавоб беринг-чи! — қизицнинг ҳолда сўзида давом этди Медж.— Сиз ўзингизнинг шимол ўлкаларингизда унга нимани таклиф эта оласиз.

— Овқатим бўлганида унга овқат бераман, одатда овқат ҳамма вақт бўлади.

— Бўлмаган вақтда-чи?

— Демак, у вақтда менда ҳам бўлмайди.

— Иш-чи?

— Иш сероб! — қўпол жавоб берив гапни

кесди Миллер.— Ҳа, иш жуда сероб очлик ҳам, совуқ ҳам ва бошқа ҳузур-ҳаловатлар ҳам бор. У мен билан бирга турса, буларнинг ҳаммасига эга бўлади. У буларнинг ҳаммасини севади. У буларга кўнишиб қолган, у бу ҳаётни билади. У шу ҳаёт учун туғилди, уни шу ҳаёт учун ўстириб-улғайтирдилар. Сиз эса бу ҳақда ҳеч нима билмайсиз, нима тўғрисида гапираётганингизни ҳам англамайсиз. Унинг ҳақиқий ҳаёти у ерда, у ўзини у ерда ҳамма нарсадан яхшироқ сезади.

— Ит шу ерда қолади,— деди кескин ҳолатда Уолт.— Демак, тортишиб ўтиришнинг заррача фойдаси йўқ.

— Нима-а? — деди қошларини маъюс чимирган ҳолда чўзиб Миллер ва унинг қизариб кетган пешонасида терс ажинлар пайдо бўлди.

— Мен деяпман-ки, ит шу ерда қолади. Гап тамом, вассалом. Мен бу ит сизникилигига ишонмайман. Эҳтимол, сиз уни қачонлардир кўргандирсиз. Балки, ҳатто қачонлардир хўжайнинг топширифи билан у қўшилган чанада бирор ерга боргандирсиз. Унинг шимол подачисининг амрига қулоқ солиши эса, бу ҳали мазкур ит сизнинг итингиз деган маънони билдирмайди. Аляскадан келтирилган ҳар қандай ит сизга худди шу каби қулоқ соглан бўлур эди. Бундан ташқари, у жуда қимматли ит. Бундай ит Аляскада ҳазина ҳисобланади, сизнинг бу итга эга бўлиш истагингиз ҳам фақат шу билан изоҳланади. Ҳар эҳтимолга қарши, сизга бу ит ўз итингизлигини исботлаб беришга тўғри келади.

Скифф Миллер бу узундаи-узоқ нутқни вазмин ва совуққонлик билан тинглади, фақат

пешонасигни яна бир оз жиддий тус олди ва йўғон мускуллари пиджагининг қора сукноси остида бўртиб чиқди. У бу истеъдодсиз шоирнинг мўрт ташқи қиёфаси соясида қанчалик куч яширина олишни мўлжаллаб кўраётгандек уни бошдан-оёқ бамайлихотир кўздан кечириб чиқди.

Скифф Миллернинг юзида жирканиш белгиси пайдо бўлди ва кескин ҳамда қатъий оҳангда деди:

— Яна бир карра айтай: мен итни ҳатто шудақиқадаёқ ўзим билан бирга олиб кета оламан.

Уолтнинг авзойи бузилди, унинг бутун азойи-бадани бирдан тутақди ва барча мускуллари кучланди. Медж бундан ҳавотирланиб, иш муштлашишгача бориб етмаслиги учун гапга аралашиб шошилди.

— Балки мистер Миллер ҳақлидир ҳам,— деди у.— Ҳақли дейишга қўрқаман. Бундай қараганда, Бўри уни чиндан ҳам танияпти ва «Кул ранг» деб отини аташи биланоқ унга дарҳол қарайапти ҳамда у билан дўстлашиб кетяпти. Ахир, сен итнинг бирор кишига бирон вақт бундай эркалик қилган вақтини билмайсан-ку. Сўнгра сен унинг қай хилда вовиллаганига эътибор бердингми? Қувончи ниҳоясиз эди. Бунинг важи нимада? Важи шундаки, у мистер Миллерни топди.

Уолтнинг елкаси билан тирсаги орасидаги икки бошли мушаклари кучланишдан тўхтади. Ҳатто унинг елкалари ҳам умидсизланиб тоб ташлаб юборди.

— Сен ҳақ гапни айтаётганга ўхтайсан, Медж,— деди у.— Итимизнинг оти Бўри эмас,

балки Кул рангдир, у эҳтимол ҳақиқатан ҳам мистер Миллерга қарашлидир.

— Мистер Миллер балки уни сотишга унар? — деди у.— Агар сотса, биз уни сотиб олган бўйлур эдик.

Скифф Миллер энди жаҳл билан эмас, балки раҳмдиллик билан бош чайқади, олижабобликка олижаноблик билан жавоб қайтарди.

— Менинг бешта итим бор эди,— деди у, афтидан, ўзининг рад жавобини юмшатишга уринган бўлиб.— Шулардан Кул ранг етов ит эди. Бутун бошли Аляскада чанага қўшиладиган итларнинг у энг яхшиси эди. Мени ҳеч ким қувиб етиб ўзиб кетолмасди. Бир минг саккиз юз тўқсон бешинчи йилда унга беш минг нақд пул бердилар, мен эса олмадим. Тўғри, у вақтларда итларнинг баҳоси баланд эди. Бироқ бунчалик кўп пулни менга фақат шунинг учунгина бермадилар, балки унинг ўзи энг яхши ит эди. Кул ранг эса ҳамма итлар ичидаги аъло даражадаги ит эди. Ўша йили қишда унинг учун менга бир минг икки юз беришди — мен олмадим. Ўшандаги сотмаган эдим, ҳозир ҳам сотмайман. Билсангиз, мен бу итни ҳаддан ташқари қадрлайман. Уни уч йилдан буён ахтариб юрибман. Ростини айтсам, уни мендан яширинча олиб кетиб қолганларида қиммат баҳолиги учун эмас, балки унга телбаларча қўшиниб қолганлигим учун ғоят газабланган эдим. Ҳозир ҳам уни кўрганимда мен ўз кўзларимга ишонмадим. У энди менга насиб бўлмаса керак, деб ўйлаган эдим. Бундай бахтга мұяссар бўлишимга ҳеч бир ишонмас эдим. Ахир, уни ўзим боққанманда. Ардоқлаб ухлатгапман, гўдак сингари ўраб чирмаганман.

Унинг онаси ўлган эди, мен уни банкаси икки доллар турадиган қуйилтирилган сут билан боқдим. Ўзим эса, арzon баҳо қора кофе ичдим. У мендан бўлак онаси йўқлигини биларди. Баъзан бармоқларимни мириқиб сўради. Мана бу бармоғимни...— Скифф Миллер азбаройи ҳаяжонланганидан сўzlари бир-бирига қовушмай қолди, фақат кўрсатгич бармоғини кўрсата олди-ю, узуқ-узуқ товуш билан деди:— Мана шу бармоғимни,— бу гўё унинг итнинг эга-силигини исботловчи бирдан-бир далил эди.

У ўзининг олға узатилган бармоғига ти-қилгани куий сукут қилди.

Бу пайт Медж гапга кирди.

— Итни-чи? — деди у.— Сиз ит тўғрисида ўйлаб кўрдингизми?

Скифф Миллер унга ҳайратланиб қаради.

— Айтинг-чи, сизнинг ит тўғрисидаги гапларингиз ростми? — тақрорлади Медж.

— Мен тушунолмаяпман, бу билан сиз нима демоқчисиз?

— Итнинг ҳам, балки, ўз эрки ўзиладир,— сўзида давом этди Медж.— Балки унда ҳам ўз майл ва ўз хоҳишлири бордир. Сиз буни ҳисобга олмаяпсанз. Сиз уни ўз эркига қўймаяпсанз. Унга Калифорния, Аляскадан кўра кўпроқ ёққани, балки, хаёлингизга ҳам келмаётгандир. Сиз нимани хоҳласангиз, фақат шуни қилиши маъқул кўряпсанз. Сиз у билан жонли маҳлуқ сифатида эмас, балки бир қоп картошка ёки бир қучоқ хашак сифатида муомала қиляпсанз.

Бу гаплар, афтидан, Миллер учун янгилик эди. У қўққисдан айтилган бундай гаплар устидаги фикр юритиб, ўйлай бошлади. Медж эса

унинг қатъиятсизлигидан шу топда фойдаланишга ошиқди.

— Агар сиз чиндан ҳам уни севсангиз, унинг бахти сизнинг ҳам бахтингиз бўлиши керак,— қаттиқ туриб олди у.

Скифф Миллер ўзи тўғрисида ўйлашда давом этди, Медж эса эрига тантанавор назар ташлади ва унинг кўзларида қизғин маъқуллаш аломатини кўрди.

— Сиз бу билан нима демоқчисиз? — тўсатдан сўради клондайклик киши.

Медж ўз навбатида унга жуда ҳайратланиб боқди.

— Ўзингиз нима демоқчисиз? — деди у.

— Сиз нималар деяпсиз, Кулранг шу ерда, Қалифорнияда қолишни истайди деб ўйлаяпсизми?

Медж ишонч билан жавоб берди:

— Ҳа, шундай.

Скифф Миллер бу сафар овоз чиқариб ўзига ўзи нималарнидир айтишга тутинди. У ўз мушоҳидаларининг предметига синовчи назар билан дам-бадам қараб-қараб қўйди.

— У тенги йўқ ишchan ит эди. У мен учун кўп меҳнат қилди! У ҳеч қачон ишдан бўйин товламасди. Бунинг устига у янги абзалларнинг жуда яхши ишлаши учун уларни бириктириб маҳкамлай олишга қобиллиги билан яхши эди. Ҳаммадан миясини айтмайсизми! Ҳамма нарсанн англарди-ю, фақат сўзлолмасди. Унга нимани айтсанг, барчасини тушунарди. Мана ҳозир унга бир назар ташланг: биз унинг тўғрисида нима гапираётган бўлсак, ҳаммасини яхши англаб турибди.

Ит бошини олдинги оёқлари устига қўйиб,

қулоқларини чимириб ва илтифотли кўзларини гапираётган бир кишидан иккинчи кишига тез ўтказиб, Скифф Миллернинг оёқлари остида ётарди.

— У ҳали ҳам ишлай олади. Рисоладаги-дек ишлай олади. Бир йил эмас, яна кўп йиллар ишлай олади. Мен уни севаман, қаттиқ севаман!

Скифф Миллер сўзламоқчи бўлиб яна иккни марта оғиз жуфтлади-ю, бироқ бирор сўз айтмай, оғзини қандай очган бўлса, шундай ёпди. Ниҳоят, тилга кирди:

— Қулоқ солинг. Мен нима қилмоқчилигимни ҳозир сизга айтиб бераман. Сизнинг сўзларингиз, Мэм, ҳақиқатан ҳам... айтиш мумкинки... баъзи мантиққа эга. Ит ўз асида меҳнат қилди, кўп меҳнат қилди. Балки, у тинч яшаш учун, дарҳақиқат, ўзига даромад ортдиргандир ва энди нимани хоҳласа шуни қилишга ҳақлидир. Борингки, у нимани хоҳлаётган бўлса, шундай ҳам бўлсин. Сиз шу ерда қолинг ва қандай ўтирган бўлсангиз, ўшандай ўтиринг, мен эса сиз билан ҳайрлашаман-да, бу ердан жўнаб кетаман. Агар у истаса, сиз билан қолади, истамаса мен билан кетади. Мен уни отини атаб чақирмайман. Сиз ҳам чақирмайсиз.

У бирдан Меджга шубҳаланиб қаради-да, қўшиб қўйди:

— Фақат тек туриш керак,— ўйин вижданан бўлсин! Мен орқамни ўгирган пайтда унга сўз қотмаслик лозим.

— Биз вижданан ўйнаймиз...— Медж энди гап бошлаган эди, Скифф Миллер унинг гапларини бўлиб, деди:

— Мен хотин-қизларнинг одатларини биламан. Уларнинг кўнгли юмшоқ, бироқ, агар жигига тегсанг борми, улар ҳар қандай ишни қилишга, ҳар қандай, ҳийла-найранг ишлатишга ча шайтондек алдашга қобилдирлар... Кечирим сўрайман, мэм, мен бу гапларни умуман хотин-қизлар жинси ҳақида айтдим.

— Сизга қандай қилиб ташаккур айтишимни билмайман...— деди титроқ овоз билан Медж.

— Менга ташаккур билдиromoқ учун сизда асос бор ёки йўқлиги ҳозирча номаълум.— унинг сўзини бўлди Миллер,— Кул ранг ҳали бир қарорга келмаган-ку, ахир. Агар мен олга томон аста-секин жилсам, сиз эътиroz билдирамассиз, деб ўйлайман. Бу фақат ҳаққоний бўлади, чунки юз қадамча йўл босганимдан кейин мен кўздан ғойиб бўламан.

Медж рози бўлди.

— Ваъдам чин,— қўшиб қўйди у,— биз унга таъсир кўрсатмоқ учун ҳеч нарса қилмаймиз.

— Ундаи бўлса, энди мен кетдим.— деди аллақачон хайрлашган Скифф Миллер ва йўлга тушди.

Бўри унинг овозидаги ўзгаришни пайқаб, дарҳол бошини кўтарди ва Медж билан Миллернинг бир-бирлари билан хайрлашиб, қўл қисишаётганларини кўрди-да, иргиб оёққа босди. У орқа оёқларида гоз турди ва олдинги оёқлари билан Меджга тирадиб тургани ҳолда Скифф Миллернинг қўлларини ялай бошлади. Скифф хайрлашиш учун қўлинни Уолтга узатганда эса, бу ҳолатни яна такрорлади: олдинги оёқлари билан Уолтга тиради-

да, уларнинг ҳар иккаласининг қўлини ялади.

— Ростини айтсам, бу сайд-томуша менга хурсандлик бахш этади,— деди Скифф Миллер ва сўқмоқ йўл бўйлаб аста-секин юриб кетди.

У йигирма қадамча илгарилашга улгурди. Бўри ўрнидан жилмай унга кўз тикди, данг қотгани ҳолда, мана у ҳозир орқасига қайрилади-ю, яна қайтиб келади, дегандек кутди. Бирдан у бўғиқ, шикоятомуз овоз чиқариб. Миллер орқасидан шиддат билан югурди, уни қувиб етди-да, қўлини панжалари билан эҳтиёткорона ушлади ва тўхтатишга интилди.

Бўри ўз мақсадига эриша олмаслигига кўзи етгач, тўнкада ўтирган Уолт Ирвин томон орқага югурди. унинг енгларидан тишлади ва диққатини тобора узоқлашиб бораётган кишига қаратишга муваффақиятсиз равишда уриниб кўрди.

Бўрининг изтироби ниҳоятда ортиб борарди. У бир вақтнинг ўзида икки ерда — у ерда ҳам, бу ерда ҳам, аввалги эгаси билан ҳам ва янги эгаси билан ҳам бўлишни истарди, улар ўртасидаги масофа эса борган сари узоқлашарди. У азоб берувчи қатъиятсизлик гирдо-бida депсиниб-депсиниб сакраб, гоҳ унинг ёнига, гоҳ бунинг ёнига югуриб борар, нима қиларини билмай, ҳар иккаласи билан бўлишни истаб ва қайси биринъ танлашни билмай ҳаяжонланиб, ўзини у ёқдан буёққа ташларди. У узуқ ва қулоқни кар қиладиган даражадаги овоз билан чинқирав, тез-тез ва ҳаллослаб нафас оларди. У тўсатдан чўнқайиб ўтириди, тумшуғини юқори кўтарди ва унинг оғзи

ҳар сафар тобора кенгайгани ҳолда титраб-қақшаб очила ва ёнила бошлади. Айин вақтда титраб-қақшаш борган сари кучайиб, ҳалқумигача бориб етди. Унинг товуш боғичлари (пардалари) ҳам ҳаракатга келди. Дастрлаб деярлик ҳеч нарса эшишилмади — нафас унинг кўкрак қафасидан шунчаки шовқин билан отилиб чиқаётгандек туюлди, сўнгра эса паст, қачонлардир инсон қулоғи эшишишга тўғри келган жуда паст кўкрак товуши эшишилди. Буларнинг ҳаммаси увлашга ўзига хос тайёргарлик эди.

Бироқ, мана у ҳозир барага увлай бошлайди, деб турилган бир пайтда итнинг катта очилган оғзи юмилиб қолди, у титраб-қақшаб тўхтади ва кетиб бораётган кишининг орқасидан унга узоқ, диққат билан қараб қолди. Сўнгра бошини ўғирди-да, Уолтга ҳам худди шундай назар билан тикилди. Бу мўлтиллаб қарав жавобсиз қолди. Ит бирорта сўз эшишишга ҳам, бирорта имо-ишорага ҳам мұяссар бўлмади, қандай ҳаракат қилиши кераклигини унга нима биландир ишора қилишмади, эслатишмади.

У яна олдинга боқди ва ўзининг собиқ эгаси сўқмоқ йўл муюлишига яқинлашаётганини кўриб, яна ҳаяжонга тушди. У чинқириб оёқ-қа босди ва бирдан, миясига келган қандайдир фикрдан мададлангандек, Медж ёнига югуриб кетди. Икки эгаси ҳам ўзини четга тортиб тургани сабабли унинг барча умиди эндиликда ана шу аёлда қолган эди. У башарасини унинг тиззаси орасига яширди, тушмуғи билан қўлинни турта бошлади — у бирор нарса сўранганида одатда шундай қиласарди. Кейин у

орқага тисарилди ва шўхлик билан белларини букиб, олдинги оёқлари билан ер тирнаб, бир жойда сакрай ва ер тепина бошлади, қалби тўла ҳис-туйғуларини, сўз билан айтолмаган фикрларини мўлтиллаб турган кўзлари ва орқасига ётган қулоқларидан тортиб токи енгил елпинаётган думигача бутун вужуди билан ифодалашга интилди.

Аммо у буни ҳам тезда тарк қилди. Шудамгача унга ҳеч қачон бундай муносабатда бўлмаган бу кишиларнинг совуққонлиги уни ҳайратда қолдирди. У улардан ҳеч қандай жавоб, ҳеч қандай ёрдам олишга мусассар бўлмади. Улар унинг кечинмаларини пайқамадилар. Улар бамисоли мурда эдилар.

У сўқмоқ йўл томон юз ўгириди ва кетиб бораётган эгаси орқасидан сукут ичидан термилди. Скифф Миллер муюлишга етай деб қолган эди. Орадан яна бир дақиқа ўтса, у кўздан ғойиб бўларди. Бироқ у бирор марта орқасига қайрилиб боқмади. У вазмин қадам ташлар, шошмасдан хотиржамлик билан илгари-лаб борарди, орқа томонида рўй берадиган воқиаларнинг эса гўё унга ҳеч қандай алоқаси йўқдек эди.

Мана, у муюлишга етгач бурилди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Бўри бир неча дақиқани турган ерида тошга, аммо хоҳиш ва тоқатсизлик билан тошга айлангандек сукут ичидан ўтказди. У бир марта қисқа, узуқ овоз чиқариб вовиллади ва яна давом этдирди. Сўнгра орқасига ўгирилди ва лўқиллаганича Уолт Ирвин ёнига чопиб кетди. У унинг қўлларини исқади ва бўм-бўш сўқмоқ йўлга боқиб оёқлари остида узала тушиб ётди.

Сирғанчиқ йўсин босган тош устидан югуриб тушаётган кичкина ариқчадаги сув кутилмаганда гўё янада кучлироқ шилдираб оқа бошлади. Дала тўргайларининг сайроқи овозидан бўлак ҳеч нарса эшитилмай қолди. Катта сариқ капалаклар қуёш шуъласида сокин учиб ўтиб, мудроқ сояда кўздан йўқолди. Медж қувончли назар билан эрига боқди.

Орадан бир неча минут ўтгач, Бўри ўрнidan турди. Унинг ҳаракатларида энди осойишталик ва ишонч сезилиб турарди. У эркакка ҳам, аёлга ҳам назар ташламади; унинг кўзлари сўқмоқ йўлга тикилган эди. У бир қарорга келди. Эр ва хотин ҳам буни англашди; шунингдек, уларнинг ўзлари учун синов эндинга бошланганини ҳам англашди.

Ит бирдан катта-катта одим ташлаб югуриб кетди. Шу ондаёқ Медж уни ёқимли овоз билан орқага қайтармоқ учун лабларини жуфтлади. Жуфтлади-ю, бироқ ёқимли овоз унинг лабларида қотиб қолди. У беихтиёр эрига боқди ва кўзлари унинг баджаҳл, огоҳлантирувчи кўз қараши билан тўқнашди. Унинг лаблари юмилди, у оҳиста хўрсинди.

Бўри эса лўкиллаб эмас, югуриб борарди. Югуриши эса тобора авжга минарди. У орқасига ҳеч ҳам қайрилиб қарамади. Унинг бўри думи тўғри чўзилган эди. У муюлишда бир сакраш билан бурчакни кесди ва кўздан фойиб бўлди.

## КИШ ҲАҚИДА ҚИССА

Бир замонлари Муз денгизи соҳилида Киш деган киши бор эди. У қабила йўлбошчиси бўлиб, кўп йиллар саҳий яшаб, дунёдан ўтди. Халқ уни жуда ҳурмат қилас ва номи оғизларда достон эди. У жуда қадим замонларда яшаган, шунинг учун унинг номи қарияләрнинг хотирасидагина сақланиб қолган. Кексалар ёшликларида Кишнинг қаҳрамонликлари ҳақида эшитган қиссаларини энди болаларга ҳикоя қилиб берар, бу ёшлар улғайгач, ўз болаларига, невара ва чевараларига айтиб берардилар. Шундай қилиб, оғиздан оғизга кўчиб, айтилиб юраверади. Узоқ қиш зулмати бошланниб, шимол шамоли текис музликлар устида ҳукм суринб ҳаво ўз заҳрини тўкиб турган бир маҳалда ҳеч қандай тирик жон ташқарига чиқолмай қолган пайтларда одамлағ Киш ҳақида, яъни кичик бир ҳужрачада кун кечириб, кейин ўз халқининг қудратли йўлбошчиси бўлган бола ҳақида ҳикоя эшитгани йиғилишади.

Қиссада ҳикоя қилинишича, Киш жуда чаққон, соғлом ва зўр, ўп уч қуёшни кўрган бола эди. Шимол томонларнда вақтни қуёш йили

билан ҳисоблайдилар. Чунки ҳар қишиң қуёш ерни зым-зиё қоронғулукда қолдириб кетади, ҳаво яна иссиқ бўлиши ва одамлар бир-бirlарини кўра олиши учун келаси йил янги қуёш туғилади.

Кишнинг отаси ботир овчи эди. У ўз халқин очликдан сақлаб қолиш учун баҳайбат айиқ билан олишаман деб ҳалок бўлди. Ўша олишувда даҳшатли йиртқич унинг сүякларини мажақлаб ташлади. Лекин айиқдан кўп гўшт чиқиб қишлоқ халқи очликдан сақланиб қолди. Киш довюрак овчининг ягона фарзанди эди, отаси ўлгач Киш онаси билан қолди. Аммо инсоннинг хотираси заиф бўлиб, тезда ҳамма нарсани унутиб юборарди, одамлар бу ўткир овчининг қилган қаҳрамонлигини ҳам унутиб юбордилар. Киш ҳали жуда ёш, онаси эса бир аёл киши бўлиб, одамлар уларни ҳам унутиб юбордилар, улар камбағаллашиб, ўз мискин кулбаларида қолиб кетдилар.

Аммо бир оқшом йўлбошли Клош-Қваннинг ҳашаматли уйидаги катта бир кенгашда Киш ўзининг қандай йигит эканини кўрсатди.

У катталарга одоб билан ўрнидан туриб, шовқин ва тортишувларнинг тинишини кутди.

— Ростини айтсам,— деди у,— бизга ҳам ўз ҳақимиз тегади. Лекин, кўпинча, пишмайдиган қаттиқ ва сүяклик гўшт тегади. •

Сочларига оқ тушган овчилар, шунингдек қизиққон ёшлар ҳам Кишнинг гапига ҳайрон бўлиб қолдилар. Бу ҳеч кўрилмаган воқия! Ёш бола катталардек гапиради, бундан ташқари қаёқдаги гапларни дангал гапиради-я!

Аммо Киш шошилмасдан, гапини дадил давом эттирди:

— Менинг отам, Бок ҳам катта овчи бўлган. Отамнинг уйга овдан манаман деган овчининг иккитаси олиб келадиган гўштдан кўп гўшт олиб келганини ва бўлишганда букчайиб қолган кампир ҳамда мункиллаган чол ўзининг ҳақини тўғри олиш учун тепасида турганини ҳамма билади.

— Оғзингни юм! — деб бақириши ўтирган эркаклар.— Ҳайдаб юборинглар бу тирранчани! Бориб ухласин! Қариялар билан бу хилда гаплашишга ҳали ёшлик қиласди!

Бола индамай ғала-говурнинг босилишини кутди.

— Уг-Глук, сени хотининг бор,— деди Киш,— хотининг номидан гапиряпсан. Сенинг ҳам, Массук, яна, онанг ҳам бор, сен шулар номидан гапиряпсан. Менинг ойимнинг эса мендан бўлак ҳеч кими йўқ. Шунинг учун ҳам мен гапиряпман. Шуни айтишим керакки: отам жуда ғайратли овчи бўлгани учун ҳалок бўлди. Демак, унинг ўғли ва хотини Айкига қабиласида гўшт бўлинганида тузукроқ гўшт олишга ҳақлидирмиз. Бокнинг ўғли Кишнинг айтадиган гапи шу.

Киш ўтириб, норози овозларга диққат билан қулоқ солди.

— Ёш бола журъат қилиб кенгашда гапирияпти! — деб тўнғиллади Уг-Глук чол.

— Бу нимаси, оғзидан она сути кетмаган гўдак энди бизга ақл ўргатадими?! — деб бақириб сўради Массук.— Наҳотки, мен, капкатта одам гўшт егиси кеп қолган бир тирранчанинг беодоблигига чидаб турсам!

Утирганларнинг ғазаби тобора қайнади. Бориб ухла, бўлмасам ҳеч ҳам гўшт бермай-

миз ва беодоблигинг учун боплаб урамиз, деб бақиришдилар. Бу сўзларни эшиштгач, Кишнинг жаҳли чиқиб, қони қайнади. У ўрнидан дик этиб турди.

— Қулоқ солинглар, оғалар! — деди баланд овоз билан Киш. — Бундан кейин кенгашларингда сира индамайман, токи ўзларингиз келиб: «Киш, гапингни айтсанг яхши бўларди! Ҳаммамиз илтимос қиласиз, гапингни эшишмоқчимиз», — деб ялинмагунларингизча. Бу менинг сўнгги сўзим, эсларингизда бўлсин. Отам Бок катта овчи эди. Мен ҳам овга бориб ўзимга ўзим гўшт топаман ва шу нарса қулоқларингизда бўлсинки, мен олиб келган гўшт одилона тақсим бўлади. На бева-бечора, ва на гўдаклар менга гўшт тегмади деб эрталабгача кўз ёшини оқизиб чиқмайди, зўравон эркаклар ҳам гўштни кўп еб қўйиб, саҳаргача инқиллаб ётмайди. Бироннинг ҳақини еган зўравонларга уят! Гапим тамом, вассалом.

Эркаклар кўзларини олайтириб, масхара қилиб орқасидан кулиб қолишли. Киш эса тиншинн-тишига қўйиб, ўнги-сўлига қарамай чиқиб кетди.

Эртаси Киш қирғоқ бўйлаб музликдан йўлга тушди. Кишни унинг қўлида ёй ва бир қанча учи суюклик камон ўқ, елкасида отасининг катта ов найзаси билан кўрдилар. Ҳар ким ҳар хил гап гапириб, кулиб қолишли. Ростдан ҳам бу ҳеч бир кўрилмаган воқиа эди. Ҳали шу дамгача она сути оғзидан кетмаган бунақа тирранчалар овга чиқмаган. Қаранглар — бунинг ўзи ёлғиз кетяпти. Эркаклар бошларини қимирлатиб, бунинг оқибати ёмон бўлади.

дер, аёллар эса Айкигининг ғамгин юзига раҳмдиллик билан тикилиб қолишиди.

— Тезда қайтади у,— деб аёллар Айкиги ни овутмоқчи бўлишиди.

— Майли, овнинг мазасини татиб кўрсии, бу унга яхши сабоқ бўлади!— дейишиди овчилар.— Овда кўп юролмайди. Кейин ювошиб, гапини билиб гапирадига бўлди.

Орадан бир кун, икки кун ўтди, учинчи кунда кучли бўрон кўтарилиди, Кишдан эса ҳамон дарак йўқ. Айкига соchlарини юлиб, қайгу аламининг зўридан бетига қоракуя суркади.

Лёллар, билиб туриб ёш болани ўлимга юборишиди, деб эркакларни койишарди. Эркаклар индаёлмай қолишиди, жасадни излагани бориш учун бўроннинг тинишини кутишиди.

Бироқ эртасига эрталаб Киш қишлоққа қайтиб келди, лекин шарманда бўлиб қайтмади. Елкасида гўшт кўтариб келди. У виқор билан қадам ташлар, кибр билан сўзларди:

— Ҳой одамлар, ит ва чанани олиб орқамдан юринглар,— деди Киш.— Куни бўйи йўл юришга тўғри келади. Муз устида сизларни талай гўшт кутяпти— битта катта ургочи айиқ билан иккита айиқ боласи.

Айкига суюнганидан йиғлаб юбораёзди, лекин ўғли онасини катта кишидай қаршилади.

— Бўлди онажон, бўлди, юринг овқатланайлик, кейин озгина дам оламан. Жуда чарчаганман,— деди Киш.

Уйга кириб овқатлангач, роса йигирма солат ухлади. Олдин унинг сўзларига ишонишмади: ҳар хил шубҳа ва тортишувга сабаб бўлди. Оқ айиқни овлаш — жуда қийин. Агар ов-

чи журъат қилиб айиқ боласини овлагани чиқса ҳам ҳаёти хавф хатарда қолади. Одамлар Кишнинг бир ўзи шундай муъжиза кўрсатганига сира ишонишмади. Аёллар эса янги сўйилган айиқ гўшти олиб келганини ўз кўзимиз билан кўрдик, деб қайта-қайта айтишиди. Ана шу ҳар хил шубҳаларга барҳам берди. Хуллас, улар йифилиб йўлга чиқишиди. Йўлда, балки бу бола ов қилган бўлса ҳам терисини шилиш ҳаёлига ҳам келмагандир, деб тўнғиллаб, жаҳллари чиқиб, ўзаро баҳслашиб боришиди. Шимол томонда даррандани ўлдирган заҳоти шундай қилиш керак. Агар шундай қилинмаса гўшти музлаб қолиб, энг ўткир пичоқни ҳам синдириб юборади. Музлаб қолган айиқни чанага ортиб, шунча йўл босиб уйга қайтиш осон эмас. Қошки йўл текис бўлса. Аммо ўша жойга етиб боргач кўришдикি, Киш терисини шилишгина эмас, балки иккала айиқ боласини ҳам, урғочи айиқни ҳам овнинг қонун-қоидасига биноан тўрт нимтага бўлиб қўйибди.

Кишнинг сирли ҳаёти шундай бошланди ва бу сир кун сайин ўсиб борди. Қейинги сафар у айиқ боласини ўлдирди. Яна бир сафар битта катта эркак айиқ билан битта урғочисини олиб келди. У овга уч-тўрт кунга кетар, баъзан ҳафталаб қолиб кетарди. Агар овчилардан бирортаси мен ҳам бораман деса Киш ҳамма вақт йўқ деб туриб олар эди, халқ ҳайрон. «Бир ўзи қандай қилиб эпларкин-а?— деб бир-бирларидан сўрадилар.— Ахир, ит ҳам олнб бормайди, овда ит катта ёрдамчи».

— Нега сен ҳамма вақт айиқ овлайсан?— деб сўради охири бир кун Клош-Кван.

Киш унинг сўзига оқилона жавоб қилди:

— Маълумки, кўп гўшт қиласди.

Шундай бўлса ҳам қишлоқда сеҳргарлик ҳақида ҳар хил миш-мишлар бошланди.

— Унга жинлар ёрдам беради,— дедилар баъзилари бахиллик қилиб,— шунинг учун ҳам ови ўнгидан келади. Жинлар кўмаклашмаганида шу тирранчанинг бир ўзи овни эплармиди!

— Балки жинлар эмас, парилар ёрдам бератгандир,— дерди бошқалари.— Ахир, отаси яхши овчи бўлганлиги ҳаммага маълум. Ким билсин, балки, отасининг арвоҳи қўллагандир, овга чиққанида унга ов санъатини ўргатгандир.

Шундайми ёки бошқачами, аммо Кишнинг ови ўнгидан келади. Ови юришмай ов қилолмаган овчилар Кишнинг қилган овини қишлоқка олиб келдилар, Киш гўштни жуда одилона тақсимларди. У ҳам, отасидек, букчайиб қолган кампир ва тишилиз чоллар ўз тегишларини олсинлар деб қаттиқ текшириб турарди. У ўзига ярашасинигина олиб қоларди. Шундан сўнг одамлар уни ҳурмат қилиб, ихлос қўя бошладилар. Қўплар кекса Клош-Квандан сўнг Кишни йўлбошчи қилиб сайласак чакки бўлмасди дейишди! У шундай зўр қаҳрамонликлар қилдики, йиғинларига келишини ҳамма интизорлик билан кутди. Киш йиғинга бормади, чақиргани улар ҳам уялдилар.

— Ўзимга янги уй қурмоқчиман,— деди у бир куни Клош-Кван билан овчилардан баъзи бирларига. — Онам билан яйраброқ яшашимиз учун кенгроқ уй қурмоқчиман.

— Хўп, майли,— дейишиди сипоҳлик билан улар.

— Қургани ҳеч вақтим йўқ. Менинг ишим ов қилиш. Кўп вақтим овга кетади. Менимча, қишлоғимизнинг эркак ва аёллари менга бир уй қуриб берсалар жуда тўғри иш қилган бўлар эдилар. Овдан мен олиб келадиган гўштларни шулар ейди, ахир.

Кишга шундай бир уй қуриб бердиларки, у ҳатто Клош-Кваннинг уйидан ҳам кенг эди. Киш онаси билан янги уйга кўчиб кирди. Эрининг вафотидан сўнг бечора Айкиганинг биринчи бор яйраб ҳаёт кечириши эди. Айкиганинг кўнглини кўтарган тўқ ҳаётигина бўлмай, қаҳрамонлиги билан донг чиқарган ажойиб овчининг онаси бўлгани учун ҳам қишлоқнинг олдинги хотинларидан ҳисобланарди. Қишлоқ хотинлари ундан маслаҳат сўраб келишар, бир-бирлари билан ёки эрлари билан уришиб қолгудек бўлсалар унинг доно насиҳатларига қулоқ солишарди.

Шундай бўлса ҳам Кишнинг ажойиб овчилик сири ҳаммани таажжублантирас, одамлар фақат шу ҳақда гапиришарди. Бир куни ҳатто Уг-Глук Кишни жодугарликда айблаб, унинг бетига шундай деди:

— Айтишларига қараганда, овда сенга жинлар ёрдам берармиш,— деди заҳрини сочиб Уг-Глук.

— Олиб келаётгани гўштларим ёмонми? Еганлардан бирор кимса касал бўлиб қолдими? Менга жоду ёрдам бераётганини қаердан биласан? Ёки ўзинг ўйлаб чиқардингми? Алам қилаётган экан-да?!

Уг-Глукнинг шармандаси чиқиб жўнади.

Хотинлар эса унинг орқасидан кулиб қолиши дин. Аммо бир куни йигинда узоқ тортишгандан сўнг Кишни пойлагани иккита айғоқчи юборадиған бўлдилар. Шундай қилиб, Киш овга чиққанида иккита ёш ва энг эпчил овчилардан Бим ва Боун эҳтиётлик билан унинг изига тушишди. Улар беш кундан сўнггина қайтиб келишди. Уларнинг башарасидан ҳайрон бўлгани сезилиб турар ва кўрганларини тез айтиб бермоқчидай кўринишарди. Тезда Клош-Кванинг уйида кенгашга киришди. Бим сўзга чиқди.

— Оғайнилар! — деб бошлади у. — Ҳаммасини айтганларингизча қилдик: Кишнинг орқасидан бордик. Сезиб қолмасин деб, жуда эҳтиётлик билан бордик. Бир вақт соат ўн икки яримларда оллидан катта бир она айиқ чиқиб келди. Ниҳоятда катта эди...

— Жуда ҳам катта эди — деб, Боун ўртоғининг гапини бўлиб, ўзи гапира кетди: аммо айиқнинг олишгиси йўқ эди. Қайрилиб ўз йўлида секин кетаверди. Биз қирғоқдаги қоялар орасига яшириниб олган эдик. Айиқ биз томон келар, шунинг учун ҳам ҳаммасини аниқ кўрдик. Киш қўрқмай айиқнинг кетидан бамайлиҳотир қадам ташлаб келарди. У жиғига тегиш мақсадида айиққа қараб қўлини, силтади, ваҳимали қилиб бақирди. Айиқнинг жаҳли чиқиб, олдинги оёқларини кўтариб, ҳайқирди. Киш эса ҳамон айиққа қараб борарди.

— Шундоғ, — Бим сўзга қўшилди, — Киш тўғри айиққа қараб борарди. Бирдан айиқнинг жаҳли чиқиб Кишга ҳамла қилди, Киш қоча бошлади ва муз устига коптоқдай думалоқ бир нарса ташлади.

Айиқ түхтаб, уни ҳидлади, кейин лўқса ютди. Киш эса ҳамон югурап ва шу коптокка ўхшаш думалоқ нарсадан бир нечасини ҳар ер, ҳар ерга ташлаб кетарди. Айиқ эса уларни ютиб борарди.

Чор атрофдан «ишонмаймиз», деган шивир-шивирлар эшишилди. Уг-Глук товуши борича бақириб, бундай афсоналарга ишониб бўлмайди, деди.

— Биз, ахир, ўз кўзимиз билан кўрдик,— деди Бим.

— Ҳа, ўз кўзимиз билан,— деди Боун ҳам.— Ростдан ҳам шундай бўлди. Кейин айиқ бирдан бесёнақай гавдаси билан типпа-тик туриб, питирчилаб оёғи билан ўзини уриб бўкириб йиғлай бошлади. Киш эса муз устида ҳамон югуради. Энди айиқ Кишга парво қилмай қўйди. У ўз қайғуси билан овора эди. Чунки бу дум-думалоқ нарсалар унинг ичини тирнамоқда эди.

— Ҳа, ичини тилка-тилка қилди,— деди Бим,— чунки у ўзини ураг, сакрап, худди боладек муз устида думаларди. Унинг бўкириб йиғлашидан ва фарёд қилишидан бу думалашлар, сакрашлар ўйин эмас, азоб эканлиги, ўлим талвасасидалиги кўриниб турарди. Айиқ нинг бундай аҳволга тушганини биринчи кўришим.

— Ҳа, биринчи кўришим,— деб Боун ҳам қўшиб қўйди.— Ўзи ҳам жуда катта айиқ эди.

— Бўлмаган гап!— деб тўнғиллади Уг-Глук.

— Ўз кўзим билан кўрганимни гапириб беряпман,— деди Боун.— Бир оздан сўнг айиқ ҳолсизланиб қолди. Ахир, шундай катта нарса

кучн борича сакрарди. Сўнг калласини секин-секин у ёқ-бу ёққа тебратиб, довдираб қирғоқ бўйлаб кетди. Гоҳо ўтириб олиб инграб йиғларди. Киш эса орқасидан, биз эса Кишнинг орқасидан борафдик. Кунимиз шу аҳволда ўтди, яна уч кечаю уч кундуз юрдик. Айиқ бенчора тобора ҳолсизланар, оғриқнинг зарбидан инграрди.

— Бу жодугарлик! — деб бақирди Углук.— Аниқ, айиқни жоду қилган экан.

— Нима воқиа юз берди денг...

Бим Боуннинг сўзини бўлиб, давом этди:

— Айиқ дам олдинга, дам орқасига қайтиб, ўзи босиб ўтган йўлда айланиб, санқиб юраверди. Ахири Киш биринчи марта дуч келган еридан сал нарига бориб қолди. Энди у нимжон, зўрға оёқ босарди. Ана шунда Киш келиб уни ўлдирди.

— Ундан кейинчи?— деб сўради Клош-Қван.

— Ундан кейин уни қолдириб, Кишнинг овқилиш усулини сизларга гапириб бергани биз бу ёққа қараб келавердик.

Кечқурун аёллар чаналарга босиб, териси шилиниб нимталангандан катта айиқнинг гўштини олиб келдилар. Эркаклар эса, ҳамон кенгашда эдилар.

Киш остоңага қадам қўйиб, уйига кирганича ҳам йўқ эдики, келиб уни кенгашга таклиф қилдилар. Аммо Киш: — жуда чарчаганмаи, қориим оч. Яхшиси, ўзларинг келинглар. Уйим кенг, ҳаммаларинг ҳам сиғасизлар,— деб жавоб қилди.

Уни қарангки, Клош-Қван бошлиқ ҳамма ўрнидан туриб Кишнинг уйига йўл олишди.

Киш ўтириб овқатланаётгаш эди. У ўрнидан туриб ҳурмат билан ҳаммани, одатга мувофиқ, ёшига қараб ўрин-ўрнига ўтқазди.

Клош-Қван Бим ва Боун айтганларни бирма-бир тақрорлаб сўзининг охирида Кишга:

— Киш, қандай қилиб айиқ овлашингни гапириб беришингни сўраймиз. Ростини айт, балки жоду ишлатаётгандирсан?

Киш унинг башарасига қараб кулиб қўйди.

— Эй, Клош-Қван! — деди у. — Ёш бола жодуни қаёқдан билсин! Жодугарлик болаларнинг ишими? Бундай нарсаларни билмайман. Оқ айиқни осонлик билан овлаш йўлини топдим, холос. Бўлган гап шу. Бу ишни жодугарлик билан эмас, ақл билан қилдим.

— Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келадими?

— Ҳамманинг қўлидан келади.

Шундан сўнг уй ичини сукунат босди. Эркаклар ҳайрон бўлиб бир-бирига қарашибди. Киш эса парво қилмай овқатини еяверди.

— Сен... сен шу сирингни бизга айтиб бера оласанми? — сўради ахийри Клош-Қван дудуклана-дудуқлана.

— Яхши. Айтаман.

Киш тозалаб ўтирган кемик суюкни қўйиб ўрнидан турди:

— Жуда ҳам оддий. Қаранглар!

У бир қисм кит мўйловини олиб ҳаммага кўрсатди. Мўйловнинг учлари игнадек учлик эди. Киш ҳалиги мўйловни думалоқ қилиб ховучлади, кейин ҳовучини очди. Кит мўйловн бирдан ёйилиб кетди. Киш кит ёғидан бир бўлагини қўлига олди-да:

— Мана,— деди у,— кит ёғидан мана шундай бир бўлагини олиб юмшатасан ва ичини чуқур қилиб кит мўйловини жойлайсан. Устидан яна озгина кит ёғидан суртиб бекитасан. Кейин ташқарига олиб чиқсанг кичкина юмалоқ муз ҳосил бўлади. Айиқ уни ютиб юборади, унинг қорнида ёғ эрийди, кит мўйлови ичига сихдай қадалиб, айиқнинг ҳоли ёмонлашади. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолганда сен яқин бориб ёй билан отиб ўлдирасан. Мана, кўрдингми, жуда жўн.

— О-о!..— деди Уг-Глук.

— А-а!..— деди Клош-Кван. кейин ҳамма ҳам дилидагини гапириб берди. Шундай қилиб, ҳаммалари бир-бирларига тушунишди.

Бир замонлар Муз денгизи соҳилида яшаган Киш ҳақидаги қисса ана шундай. Киш, камбағал бир бола, жодугарлик билан эмас, ақл билан иш қилганлиги учун ҳам қишлоғининг энг обрўли, энг олдинги кишисига айланди. Унинг қабиласи узоқ йиллар фаровон ҳаёт кечирди. Унинг даврида на тул хотинлар, на ожиз болалар гўшт тегмади деб туни бўйи кўзларининг ёшини тўкишмайдиган бўлишди.

## МУНДАРИ ЖА

Хаёт қонуни,— Мұхсан Ҳамидов таржимаси . . . . .	3
Бир парча гүшт,— Мұхсан Ҳамидов таржимаси . . . . .	15
Нам-Бок — ёлғончи,— Эркін Миробидов таржимаси . . . . .	48
Чандық юзли киши,— Эркін Миробидов таржимаси . . . . .	73
Гулхан,— Эркін Миробидов таржимаси . . . . .	92
Оппоқ сукунат,— А. Эшонқұлов таржимаси . . . . .	118
Сокроменто қырғоқларида,— А. Эшонқұлов таржимаси . . . . .	135
Кул ранг бўри,— О. Қурбонов таржимаси . . . . .	151
Киш ҳақида қисса,— А. Ражабова таржимаси . . . . .	178

*Катта ёшдаги болалар учун*

*На узбекском языке*

**ДЖЕК ЛОНДОН**

**СКАЗАНИЕ О КИШЕ**

***Рассом Г. Шевяков***

Издательство „Ёш гвардия“. Ташкент – 1962

Редактор М. Раҳмон

Рассом-редактор Р. Левицкий

Техн. редактор В. Кузнецова

Корректор С. Мұхсинова

Босмахонага берилди 19/VII—1961 й. Босишга рухсат этилди 27/X-1961 й. Формати 70×90/<sub>32</sub>. Босма листи 6,0. Шартли босма листи 7,02. Нашр. листи 7,0. Тиражи 30000. Баҳоси 36 т.

„Ёш гвардия“ нашриёти. Тошкент, Навоний кўчаси, 30. Шартнома: 43—61

---

Ўзбекистон Маданият министрилиги Ўзглавиздатининг  
Ихтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида тайёр-  
лангаган матрицадан „Қизил Ўзбекистон“, „Правда Восто-  
ка“ ва „Ўзбекистонн Сурх“ бирлашган нашриётининг  
босмахонасида босилди. Тошкент. „Правда Востока“  
кўчаси, 26. 1962 й. Заказ № 1940.

36 т.

